

ГУЛНОРА ВАЛИХОНОВА

ФАРҒОНА ВОДИЙСИ УЙҒУРЛАРИ

Монография

Тошкент
«Nurafshon business»
2020

39(516)

63.5

В 19 Валихонова, Гулнора.

Фарғона водийси уйғурлари [Матн] : монография / Г. Валихонова. – Тошкент: “Nurafshon business”, 2020. – 152 б.

ISBN 978-9943-6687-0-6

УЎК: 39(516)

КБК: 63.5

Мазкур монография Фарғона водийсига кўчиб келиб ўрнашиб, маҳаллий аҳоли билан узоқ йиллар мобайнида аҳил яшаб келаётган уйғур халқининг анъанавий ва замонавий турмуши ҳамда маданияти тарихий-этнографик материаллар асосида тадқиқи ва таҳлилига бағишланган. Асарда уйғурларнинг Фарғона водийсига миграцияси, унинг сабаблари, босқичлари ва мазкур этноснинг водий бўйлаб жойлашув географияси, бу минтақада кечган этник ва этнослараро жараёнларга иштироки кўрсатиб берилган ҳамда уйғур диаспорасининг ҳозирги даврдаги миллий-этник хусусиятларининг намоён бўлиши каби жиҳатлар очиқ берилган. Монография тўлдирилган ва қайта ишланган ҳолда нашрга тавсия этилган. Асар илмий ҳодимлар, изланувчилар, талабалар ва халқимиз тарихи билан қизиқувчилар учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

У.С. Абдуллаев, тарих фанлари доктори

Тақризчилар:

А.Х. Дониёров, тарих фанлари доктори, профессор

А.А. Аширов, тарих фанлари доктори, профессор

Н.Х. Азимова, тарих фанлари номзоди

Ушбу монография Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг 2020 йил 19 октябрдаги 3-сонли кенгаш қарорига кўра нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-6687-0-6

© Гулнора Валихонова, 2020

© Nurafshon business, 2020

МУНДАРИЖА

СЎЗБОШИ	4
I БОБ. УЙЎУРЛАРНИНГ ФАРҒОНА ВОДИЙСИГА МИГРАЦИЯСИ ВА ЖОЙЛАШУВИ	
I.1. “Уйғур” этноними ва унинг тарихий-этимологик талқин- лари.....	7
I.2. Уйғурларнинг Фарғона водийсига миграцияси.....	17
I.3. Фарғона водийсида уйғурларнинг жойлашув хусусият- лари.....	31
II БОБ. АНЪАНАВИЙ МОДДИЙ МАДАНИЯТДАГИ ЭТНИК ВА УМУММИНТАҚАВИЙ ЖИХАТЛАР	
II.1. Уй-жойларни тиклашдаги минтақавий ва этник хусуси- ятлар.....	46
II.2. Миллий кийимлар ва тақинчоқлар трансформацияси.....	58
II.3. Анъанавий уйғур таомлари.....	70
III БОБ. ФАРҒОНА ВОДИЙСИ УЙЎУРЛАРИНИНГ ОИЛАВИЙ ТУРМУШ АНЪАНАЛАРИ	
III.1. Оила-никоҳ муносабатларидаги анъаналар	81
III.2. Замоनावий уйғур оиласи	92
IV БОБ. МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТДАГИ АНЪАНАВИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙ ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР	
IV.1. Тўй маросимларидаги миллий ва замоनावий анъана- лар.....	104
IV.2. Уйғурларнинг кундалик ҳаётидаги урф-одат ва маросимла- рида анъанавий ҳамда замоनावий жиҳатлар	115
IV.3. Этнолингвистик жараёнлар: ўзбек – уйғур тили алоқа- лари.....	125
ХУЛОСА	135
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	139

СЎЗБОШИ

Дунё миқёсида кечаётган интеграция жараёнлари этник хусусиятларни сақлаб қолиш ва миллий-этник анъаналарни тадқиқ этишнинг долзарблигини кўрсатмоқда. Миллий муносабатлар барқарорлиги масалалари борасида ЮНЕСКО Бош конференцияси 28-сессиясида “Бағрикенглик тамойиллари Декларацияси” қабул қилиниб, унда бағрикенглик инсоният учун ҳозирги даврнинг мажбурияти эканлиги таъкидланди.

Жаҳонда глобаллашув жараёнининг жадаллашганлиги ер юзининг турли минтақаларида яшаётган диаспораларга хос локал маданиятларни илмий жиҳатдан ўрганишни долзарб вазифа сифатида қўймоқда. Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг камсонли миллатлар бўйича Олий Комиссарлиги, Европа Таҳлил маркази ва яна кўплаб халқаро илмий тадқиқот марказларида миллатлараро муносабатлар, миллий ва диний қадриятлар, толерантлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда¹. Қолаверса, сўнгги йилларда Буюк Британия, Германия, Канада, Швейцария каби давлатларда мультикультурализм ғоясининг қўллаб-қувватланиши долзарб амалий аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нафақат титул этнос, балки Республикада яшовчи турли миллат ва элатларга хос хусусиятлар, уларнинг миллий мероси, тарихий қадриятлари ва анъаналарига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳара-

¹ milli-firka.org / кнут-воллебек-комиссариат в Узбекистане (му-рожаат 2018 йил 7 июль).

катлар стратегияси”¹да, Республика байналмилал маданият марказининг 25 йиллик юбилей тантаналарида мамлакат Президенти томонидан Фанлар академияси институтлари билан ҳамкорликда миллатлараро муносабатларни янада ривожлантириш ва уйғунлаштиришга бағишланган илмий тадқиқотлар ўтказишни ташкил этиш яна бир долзарб вазифаси² эканлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистоннинг бошқа тарихий-этнографик минтақалари каби Фарғона водийси ҳам ўзининг табиий-географик хусусиятлари, минтақада турли тарихий даврларда кечган этник жараёнлар билан ажралиб туради. Асрлар давомида минтақада этнослараро муносабатлар фаол ривожланиб бориши натижасида водий ўзбек, тожик, қирғиз, қорақалпоқ халқлари билан бирга уйғурлар учун ҳам макон бўлган. Уйғурлар бир неча асрлар давомида маҳаллий ўзбеклар билан бирга қон-қариндошлик алоқаларини ўрнатиб, Фарғона водийсига хос локал маданиятни шаклланишида иштирок этганлар. Шу боис Фарғона водийси уйғурларининг минтақада кечган этномаданий жараёнлардаги иштирокини тарихий-этнологик жиҳатдан ўрганиш муҳим илмий аҳамият касб этади. Уйғурларнинг Фарғона водийсига миграцияси ва моддий маданиятини айрим жиҳатлари тадқиқ этилган бўлса-да, лекин уларнинг этномаданий хусусиятлари, турмуш тарзидаги трансформациялар ва замонавий жараёнлар махсус ўрганилмаган. **Мақсадимиз эса**, тарихий-этнографик материаллар асосида XIX аср ўрталари ва XX асрда Фарғона водийси уйғурларининг анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлардаги иштирокини этнологик жиҳатдан ёритиб беришдан иборат.

¹ “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича **Харакатлар стратегияси**”. <http://strategy.regulation.gov.uz>.

² Мирзиёев Ш.М. Миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик – халқимиз тинчлиги ва фаровонлигининг муҳим омилидир // Халқ сўзи. – Т., 2017. 25 январь (№18).

Мазкур асарнинг яратилишида бир қанча тарихий манбалар ва қўлёзма асарлардаги маълумотларга таянилди¹. Шунингдек, дала тадқиқотлари натижалари ҳам манбавий асос сифатида ишга жалб этилди. Ушбу асар илмий-этнографик тадқиқотлар натижасида тўпланган дала материаллари, архив, статистик маълумотлар, қўлёзмалар ва илмий адабиётларни таҳлил қилиш асосида ёритилган.

¹ Маҳмуд Қошғарий. Девони луғоти турк. Т.III. – Т.: Фан, 1962; Абулғозий Баҳодирхон. Шажараи турк. – Т.: Чўлпон, 1992; Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси. – Т.: Шарқ, 2003; Мулла Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. – Қарши: Насаф, 1992; Мирзаолим Мушриф. Ансоб ус-салотин ва таворих ул-ҳавоқин. – Т., 1995; Мулла Исҳоқ Қори ўғли Муҳаммадхон Маҳжурий. – Андижон вилояти адабиёт ва санъат музейи фонди. ИНВ №8149 қўлёзма; Валихонов А. (Боқир). Боқирнома. – Андижон вилояти адабиёт ва санъат музейи фонди. ИНВ №8177 қўлёзма.

I БОБ

УЙҒУРЛАРНИНГ ФАРҒОНА ВОДИЙСИГА МИГРАЦИЯСИ ВА ЖОЙЛАШУВИ

I.1.§. “Уйғур” этноними ва унинг тарихий – этимологик талқинлари

Археологик ва антропологик маълумотларга кўра, уйғурлар Шарқий Туркистоннинг туб жой аҳолиси ҳисобланади. Уйғурлар туркий тилли аҳоли бўлиб, узоқ давом этган этногенетик жараёнлар натижасида Шарқий Туркистон худудида алоҳида этник жамоа бўлиб шаклланган. Антропологик жиҳатдан уйғурлар қиёфасида қисман монголоидлик белгилари акс этган европоид ирқига мансубдир¹.

Уйғурларнинг катта бир қисми иқлим ўзгаришлари ҳамда ижтимоий-сиёсий сабабларга кўра, ер куррасининг турли худудларига тарқалиб кетган. Жумладан, XVIII асрнинг иккинчи ярмидан сўнг, сиёсий сабабларга кўра, Марказий Осиёнинг фарбий худудларига бир неча бор оммавий кўчиб ўтиб яшашига мажбур бўлган.

Марказий Осиё халқларининг, хусусан, уйғурларнинг қадимий тарихи, маданияти ҳамда ҳўжалик турмушини ўрганишда қадимий Хитой манбаларининг аҳамияти катта бўлиб, хитой тилидаги тадқиқотларда уйғурлар ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган: “... улар эрамиздан уч аср аввал Хитойнинг шимолида яшовчи қадимги халқдир”². “Уйғур” этнонимининг пайдо бўлиши ҳақидаги фикр-мулоҳазалар турлича.

¹ Ошанин Л.В. Антропологический состав населения Средней Азии и этногенез ее народов. Ч.1. – Ереван, 1957. – С.29–40; Osman Turan. Turk cihan hakimiyeti mefkurasi tarixi. Cild.1. – Istanbul, 1993. – 34 p.

² Насрулло Йўлбўлсин, Муҳаббат Қосим. Жунгоудаги туркий тиллар. – Шинжон: Университет, 1987. – Б.51.

Хитой олимларининг таъкидлашича, илгари Чўғой (Олтой) тоғи атрофидаги яйловларда яшаган “тили”лар уйғурларнинг дастлабки аجدодларидир¹. Уйғурларнинг этник асосини *гаочэ, теле, хуйху* каби қабилаларнинг бирлашиши ташкил этади, деган қарашлар ҳам мавжуд². Умуман, Хитой тарихшунослигида уйғур этнонимининг мавжуд талқинларини тизимлаштирганимизда, қирқдан ортиқ маъно-мазмунли борлиги маълум бўлди. “Жунгоудаги туркий тиллар” асарида уйғурларнинг этник тарихи ва уйғур этноними ҳақида “... уйғур атамаси дастлаб маълум бир қабиланинг номи бўлиб, кейинчалик бу қабилла кўчиши натижасида қабилалар иттифоқига айланган”³ деган фикр асарда илгари сурилган.

Уйғурлар қадимги хун қабилавий иттифоқида муҳим роль ўйнаган шарқий туркистонлик кўчманчи қабилалар, уйғурларнинг қадимий аجدодларидан бири ҳисобланади. Худди шундай ишора Марказий Осиё тарихига оид қимматли маълумотлар баён этилган “Янги тангнома”, яъни “Уйғур тазкираси” асарида ҳам келтирилади⁴.

VIII асрда Турк хоқонлиги инқирозидан кейин Орхун дарёси бўйида Уйғур хоқонлигининг ташкил топиши, уйғурларнинг этник жиҳатдан бирлашув жараёнини ниҳоясига етказди⁵. Этник шаклланиши ниҳоясига етгач, уйғурларда қабилавий алоқалар барҳам топиб, ҳудудий муносабатлар кучайиб бориши кузатилади. IX асрнинг иккинчи ярмида шимолдаги уйғурлар табиий офат, ҳокимият учун кураш натижасида заифлашиб, қирғизлар томонидан мағлуб этил-

¹ Лин Ган. Гао Зиху. Қадимги уйғурлар тарихи. – Шинжон: Халқ нашриёти, 2000. – Б.117.

² Турсун Н. Вопросы политической истории уйгуров в китайской историографии. – М., 1998. – С.36–37.

³ Насрулло Йўлбўлсин, Муҳаббат Қосим. Жунгоудаги туркий тиллар. – Шинжон: Университет, 1987. – Б.51.

⁴ Хўжаев А., Айтбоев А., Қўлдашев Ш., Джуманиёзова Ф. Марказий Осиё тарихи Хитой манбаларида. – Т., 2016. – Б.251.

⁵ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Т., 2005. Т.9. – Б.63; Турсун Н. Вопросы политической истории уйгуров в китайской историографии. – М., 1998. – С.41.

ганидан сўнг турли этник гуруҳларга парчаланиб кетади. Уларнинг жанубга кўчганлари ўтроқ деҳқончилик ҳаёт тарзига ўтишгани боис, “қумуллик”, “турфонлик”, “ғулжалик” деб яшаб турган жой номи билан атала бошлади.

Натижада, бу ҳудуддаги аҳолининг яшаб турган жой номлари билан аталиши, ўтроқ уйғурларга нисбатан қўлланилиб келинган “қашқарлик”, “ёркентлик”, “хўтанлик” каби этнонимга тенглаштирилган янги атамалар пайдо бўлишига олиб келди.

Яна шуни унутмаслик керакки, ҳозир уйғурлар деб номланган этнос қадимда жануб ва шимолда истиқомат қилган икки катта ижтимоий гуруҳга бўлинган. Демак, уларнинг бир қисми Шарқий Туркистоннинг жанубий ҳудудларида ўтроқ ҳаёт кечирган бўлса, яна бир қисми чорвачилик билан шуғулланиб, шимолда яшаган.

Жанубий ҳудудларда яшовчи уйғурлар ўтроқ, шимолий туманларда жойлашган уйғурлар эса кўчманчи ҳаёт тарзига ўтганлар¹. Бундай ҳолат IX асрда шимолдаги уйғурларнинг ўтроқ ҳаёт тарзига ўта бошлаши билан барҳам топади.

Маҳмуд Қошғарийнинг машҳур “Девону луғоти турк” аса-рида уйғур атамасининг этимологик маъносига оид бир ривоят келтирилади. Унда ёзилишича, Искандар Зулқарнайн уйғурлар элига яқинлашганида, тўрт минг отли қўшин қарши чиққан. Уларнинг қалпоқлари худди лочин қанотидек эди. Улар ўқ отишга жуда моҳир, олдидан ҳам, орқадан ҳам отарлар. Искандар Зулқарнайн ҳайратланиб, уларни “Инон худ-хўранд” (“*inan hužhurand*”), яъни ўз овқатини топиб ейувчи, бировларга муҳтож бўлмовчилар, деб таърифлайди. Ушбу моҳир жангчилар ўлкасини эса “Худ-хур” (“*hužhur*”) номи билан атай бошлаганлар. Фонетик ўзгаришлар туфайли “худ”-“у”га алмашган ва “удхуд” деб ўзгарган. Йиллар ўтиб ушбу сўз замирида “уйғур” атамаси вужудга келади². Ушбу асарда

¹ Исхаков Г.М. Исследования по уйгуроведению. – Алматы: Наш мир, 2005. – С.28.

² Маҳмуд Қошғарий. Девону луғоти турк (Нашрга тайёрловчи: С. Муталлибов). Т.III. – Т.: Фан, 1963. – Б.422.

уйғурларнинг 22 қабиладан таркиб топганлиги ҳақида ҳам маълумот берилган.

Уйғур атамаси янги эранинг бошларида туркий қабилалар иттифоқининг номи сифатида хитой манбаларида тилга олинган. Шу боис, уйғурларни бир қабиладан кўпайган халқ деб билиш тарихий ҳақиқатга тўғри келмайди. Абулғозий Баҳодирхоннинг таъкидлашича, улар кўп авлодлар ва қабилалардан таркиб топган, юз йигирма уруғ эдилар¹. “Туркий қавмлар тарихи”да келтирилишича, уйғурлар туркий қабилаларнинг бирлашган бош бўғинларидан бири бўлган². Сўнгра мазкур атама уруғ номидан қабилалар иттифоқига ўтган. А. Хўжаевнинг “Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар” номли монографиясида хитой ёзма манбалари асосида қадимда уйғурлар 9 қабиладан иборат бўлиб, ўз навбатида, уларнинг таркиби 30 тага кўпайгани, уйғур этнонимининг талқинлари ва ёзилиши истифода қилинади³. VII асрга келиб уйғурлар таркибида *ёғлиқор*, *қутурғур*, *турлам вейбур*, *буқосир*, *овачиғ*, *хазар-қасар*, *хўғурсу*, *яғмо*, *аёвир* каби 9 қабилалар мавжуд бўлиб, кейинчалик Сирдарёнинг юқори қисми бўйларида яшаган *адиз* қабиласининг қўшилиши билан 10 уйғур иттифоқи шаклланди⁴. Демак, улар қабилалар иттифоқи сифатида шакллана борган. Яна бошқа бир манбада келтирилишича, Тангри тоғнинг шарқий томонидагиларни “*уйғур*”, Селенга ва Ўрхун дарёси атрофида яшовчиларни эса “*йуғро*” ва “*хуй-хуй*” деб атаганлар, Ҳасан Ато Абушийнинг таъкидлашича, “... турк-ўғуз қавмларидан бир шўъба тузиб, жануби-шарқ тарафида яшаганлар “*уйғур*” деб аталинур⁵.

¹ Абулғозий. Шажарайи турк. – Т.: Чўлпон, 1992. – Б.32.

² Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. – Т.: Чўлпон, 1995. – Б.145.

³ Хўжаев А. Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар. – Т.: Наврўз, 2015. – Б.260.

⁴ Дониёров А.Х., Бўриев О., Аширов А.А. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи. – Т.: YANGI NASHR, 2011. – Б.215.

⁵ Ҳасан Ато Абуший. Туркий қавмлар тарихи. – Т.: Чўлпон, 1993. – Б.143.

Уйғур сўзининг келиб чиқиши ҳақидаги фикр-мулоҳазалар орасида “уй” ибораси (уймоқ, ёпишиб бирлашмоқ)га “ғур” қўшимчасининг қўшилиши натижасидир, деган фикрлар асослидир. Уйғур иборасининг этимологик маъносига оид тушунчалар қаторида “*ёпишқур*” ҳам пайдо бўлди¹.

XIX–XX аср тадқиқотчиларининг кўпчилиги хитой тилидаги манбаларга асосланади. Хусусан, Н.Я. Бичурин тадқиқотларида ушбу этноним “*гаогюй, хойху, вейвуэр*” каби талқин қилинган. Шу билан бирга, XIII–XIV асрлардаги тарихий манбаларда учрайдиган “*вейхи, хуэйхэ, хуэйху, вейвур*” этнонимлари ҳам айнан уйғур атамасининг транскрипциясидир².

“Уйғурларнинг қисқача тарихи” номли жамоавий монографияда “уйғур” сўзи туркийда “уймоқ”, “хуйхэ” эса хитойчада бирлашмоқдир, дейилади³. “Уйғур” атамаси ҳақида ўзбекистонлик тарихчи А. Айтбаев хитойшунос А. Хўжаевнинг тахминий фарази ҳақиқатга уйғун келиши мумкин, деб ҳисоблайди. А. Хўжаев “уйғур” атамаси, туркий халқлар тилидаги “бирлашган” деган маънодаги “уй” иборасига, хитой манбаларидаги туркий халқларга нисбатан қўлланилган “ху” (“хур” ёки “хуз”, “ғуз”) сўзини қўшиш билан “уйишган хурлар” (“бирлашган хурлар”)дан шаклланган бўлиши керак⁴, деган янги бир фикрни айтган. “Уйғурлар тазкираси” номли асарда келтирилишича, “...уйғурлар буку, тунгро, бойирғулар билан бирлашиб, туркларга қарши исён кўтариб, мустақил бўлиб, ўзларини аввалига *эркин*, сўнгра *уйғур* деб атадилар”⁵. Бу изоҳлар, албатта, юқоридаги шарқшунос олимлар А. Хўжаев ва А. Айтбоевнинг “уйишган хурлар” деган фаразига айнан

¹ Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк... – Б.32; Насрулло Йўлбўлсин, Муҳаббат Қосим. Жунғоудаги туркий тиллар... – Б.53.

² Бичурин Н.Я. Средняя Азия и Восточный Туркестан. – Алматы: Гилым, 1997. – С.46.

³ Исхаков Г.М., Литвинский Б.А., Шеркова Т.А., Боровкова Л.А. Краткая история уйгуров. – Алма-Ата, 1991. – С.11–12.

⁴ Aitbayev A.A. Brief Introduction on Uighurs // Uighur Affairs Survey. September. 2001. – №1. – P.32.

⁵ Хўжаев А., Айтбоев А., Қўлдашев Ш., Джуманиёзова Ф. Марказий Осиё тарихи Хитой манбаларида. – Т., 2016. – Б.251.

яқин келади. Шунингдек, уйғур атамаси “ухун” этноними билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Дастлаб ҳарфлар ва товушларнинг ўзгариши, масалан, “н”нинг “р”га айланиб, “ухун” “угур” сифатига ўзгарган бўлиши ҳам тахмин қилинади. Ҳарфларнинг ўзгариши ҳақидаги қарашларни уйғур олими Абдурахим Ҳабибуллонинг куйидаги таъкидлари билан асослаш мумкин. Uygur//ogur, кейинчалик талаффузда oʻygur<on ogur< on(ўн)+ ogur (бургутдек тез ва қўрқмас)га ўзгарганини таъкидлайди¹.

Бу масаладаги тадқиқотларнинг натижасига асосланиб, “уйғур” атамаси “бирлашган” ёки “ташкил топган” деган маъноларни билдирадиган, туркий қабилалар иттифоқига нисбатан қўлланилган, деб хулоса қилиш мумкин. Жумладан, шуни қайд этиш мумкинки, уйғур атамаси “уй” ва “ғур” каби икки сўздан иборат. Биринчиси, яъни “уй” ўзак ҳисобланиб, бирлашиш, иттифоқлашиш, уюшиш маъносини билдирса, иккинчиси, “ғур” туркий тилда сўз тузишда ишлатиладиган қўшимча деб қаралган. Уйғур атамаси “уюшганлар” маъносини англатади. Шарқий Туркистоннинг жанубидаги туб жой аҳолиси бўлган уйғурлар, ўзларининг яшаб турган жой номлари билан, чунончи, Қашқарда яшаганлар “қашқарлик”, Ёркентда яшаганлар “ёркентлик”, Хўтанда яшаганлар “хўтанлик” каби номлар билан аталган.

Шарқий Туркистон аҳолисининг жой номлари билан аталганини В.М. Певцов, И.И. Зарубин, Г.М. Исхаков, Б.А. Литвинский, Т.А. Шеркова, Л.А. Боровкова, С.С. Губаева, И.В. Захарова каби рус тадқиқотчилари ҳам қайд этганлар².

¹ Ҳабибулло А. Уйғур этнографияси. – Урумчи: Шинжон халқ нашриёти, 2000. – Б.29.

² Певцов В.М. Путешествия в Кашгарию и Кун-Лунь. – М.: Госиздат, 1949. – 113 с.; Троицкая А.Л. Из отчета о командировке 1936 г. в национальные районы Среднеазиатских республик // СЭ. 1937. – №1. – С.146; Исхаков Г.М., Литвинский Б.А., Шеркова Т.А., Боровкова Л.А. Краткая история уйгуров... – С.13; Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX в. (по данным топонимии). – Т.: Фан, 1983. – С.86; Захарова И.В. Материальная культура уйгуров Советского Союза // Среднеазиатский этногра-

XVI асрнинг иккинчи ярмида Тангритоғнинг шимолидаги чорвадор уйғурлар ёппасига ўтроқлашиб, жойлашган худуд номи билан ўзларини атаганлар. Ўзининг қимматли этнографик маълумотлари билан кўпчилик эътиборини тортган “Бобурнома” асарида шундай қайдлар учрайди. Уйғур этнонимининг ўрта асрларда ҳам фойдаланишда бўлгани куйидаги фикрларда исботини топади: “... Абдулкарим ашрит эди, уйғур эди. Султон Аҳмад мирзо қошида эшик оға эди”¹. Кўриниб турибдики, XIX асрнинг охирига қадар манба ва адабиётларда уларни “уйғур” деб номлаш давом этиб келади. Шунингдек, шимолдаги уйғурлар ўзларини “уйғур” деб, жанубдаги аҳолини “қашқарлик” деб номлаш ҳоллари ҳам мавжуд бўлган.

Уйғур уруғларидан бирининг номи “дўлан” асли мўғулча “долоо” сўзи ўзагидан олинган бўлиб, “етти” маъносини англатади². Демак, дўланлар етти уруғ бирлашувидан келиб чиққан аҳоли, уйғурлар таркибидаги этнографик гуруҳлардан бири ҳисобланади. Уларнинг асосий машғулоти чорвачилик ва деҳқончилик ҳисобланади. Айрим манбаларда қайд этилишича, дўланлар шимолдан жанубга кўчиб борган. Улар Чингизхон даврида турғунлашиб қолган мўғулларнинг маҳаллий аҳоли билан аралашган қисмидан тарқалган авлодлардир. Тарихчи Л.Н. Гумилёвнинг “Қадимги турклар” асарида дўланлар этногенезига доир шундай мулоҳазалар билдирилган³. Қадимда дўланларнинг авлодлари Шарқий Туркистоннинг Оқсу, Қашқар, Ёркент атрофларида яшаган. Шунингдек, Ғулжа, Қўбуқсар, Янгишаар, Авот шаҳарлари атрофларида ҳам “Дўлан” деб номланган бир қанча қишлоқлар учрайди⁴.

Шарқий туркистонлик туркий аҳолининг яшаб турган фический сборник. – М.-Л., 1959. Ч.II. – Т.47. – С.223; Народы мира (историко-этнографический справочник). – М., 1988. – С.471.

¹ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т.: Шарқ, 2002. – Б.46.

² www.narod.ru. / Uighuri / dalan.

³ Гумилёв Л.Н. Қадимги турклар. – Т.: Фан, 2007. – Б.70–71.

⁴ Эмин Турсун. Уйғурларда ахлоқ ва маданият (Булоқдан бир култум). – Қашқар: Қашқар уйғур нашр, 2000. – Б.84–85.

жой номлари билан, масалан, “қашқарлик”, “ёркентлик”, “ғулжалик”, “хўтанлик” деб аталиши, уларнинг уйғур этнонимига тенглаштирилган номлар эканлигидан далолат беради. Уйғурлар, асосан, Қашқардан ўтадиган йўллар орқали шимолга ва ғарбга борганлиги боис Тангритоғнинг жанубидан келганларга нисбатан “қашқарлик” этнонимини ишлатиш одатдаги ҳол бўлган. Натижада, Фарғона водийсига кўчиб ўтган уйғурлар маҳаллий аҳоли томонидан “қашқарлик” деб аталган. Яъни, Қашқар шаҳри орқали ўтиб келган уйғурларнинг ҳаммасига нисбатан “қашқарлик” атамаси ишлатилган.

1921 йилнинг май ва июнь ойида Тошкентда чақирилган “Жунғор ва Олтишаар меҳнаткашларининг 1-қурултойи”да Шарқий Туркистондан келган барча аҳолига нисбатан ягона “уйғур” умумий ном сифатида қабул қилинган¹. Қурултойдан сўнг, “уйғур” атамаси Шарқий Туркистон ва ундан келган “қашқарликлар”га нисбатан ҳам қўлланила бошлади. Россиялик этнограф С.Н. Абашин “... илгари улар (уйғурлар – Г.В.) ўзбеклар билан бир миллат ҳисобланган, 1921 йилдан сўнг “уйғур” номи билан алоҳида аталган”,² дейди. Кўриниб турганидек, уйғур атамасини қайта қўллаш ташаббуси совет даврида бошланди, албатта, ушбу фикр кўпчилик олимлар томонидан ҳам тасдиқланган.

“Ўзбеклар билан уйғурлар этник ва антропологик жиҳатдан ниҳоятда яқин халқлар”, деб таъкидлайди А. Хўжаев, ўтмишда уйғурлар таркибига кирган бир қатор уруғ ва қабилалар кейинчалик ўзбеклар таркибига кириб кетган. Ўзбеклар орасида уйғурлар билан аралашиб кетганлари кўп учраб туради, бу жараён Фарғона водийсида фаолроқ

¹ Аблаз Орхун. Ҳазирқи заман уйғур миллатининг шэкиллиниши жэрияни // Уйғуроведение в Казахстане: традиция и новация. Материалы международной конференции. Алматы, 30 сентябрь 2005. – Алмата: Наш мир, 2006. – С.18; Захарова И.В. Материальная культура уйгуров Советского Союза... – С.216.

² Абашин С.Н. Население Ферганской долины (к становлению этнографической номенклатуры в конце XIX–XX века) // Ферганская долина: Этничность, этнические процессы, этнические конфликты. – М.: Наука, 2004. – 78 с.

кечган”¹. Дарҳақиқат, жануби-шарқий ва шимолий Фарғона ҳудудларида европеоид тип аҳоли орасида мўғулий ирқий белгилар анча кучли эканлиги кузатилади².

Шарқий туркистонлик ўндан ортиқ субэтнос вакиллари-нинг барчаси ҳам Фарғона водийсига кўчиб ўтмаганлиги маълум бўлди. Яъни, турфанлик, қашқарлик, хўтанлик, ёркентлик, ғулжалик, отушлик ва дўланликлар этнографик гуруҳ вакилларидан кўчиб келган. Дала этнографик тадқиқотлари ва этнососоциологик сўровлар пайтида респондентларнинг кекса ёшлилари ҳалигача ўзларини кўчиб келган жой номлари билан аташларига гувоҳ бўлдик. Масалан, Шаҳрихон тумани Дўлон қишлоғида яшовчи Қашқар яқинидаги Янгисаар қишлоғидан кўчиб келган Сайдихон Холбоева “... мен уйғур эмасман, мен дўланликман”, деб қатъий фикр билдирди. Яна бошқа ахборотчи, Марғилон шаҳрида яшовчи Абдусаттор Абдуқаҳҳоровнинг таъкидлашича, “... улар ўзларини қашқарлик” деб билади. Ахборотчилар орасида талаба йигит Шерзодбек Эргашев эса уйғур эканлигини эътироф қилган ҳолда шуни таъкидлайдики, “ўзбеклар ва уйғурлар орасида деярли фарқ йўқ, биз (уйғурлар – Г.В.) ҳам бошқалар каби шевада сўзлашамиз, бошқа фарқ йўқ деб ўйлайман”.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, уйғурларнинг исмларига одатда “хўжа”, “охун”, “тўра”, “хон” иборалари кўшиб айтиш кўп кузатилади. Аввало, “хўжа” ибораси, улар Хўжгон сулоласи вакиллари, уларнинг водийдаги авлодларига масалан, Жаҳонгирхўжа, Бузрукхўжа каби исмларига кўшиб айтилган. “Охунлар” уйғурларнинг зиёли қатлами ҳисобланади³. Тўралар ҳам тақводор гуруҳ, ижтимоий тоифа вакил-

¹ Хўжаев А. Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар. – Т.: Наврўз, 2015. – Б.267.

² Дониёров А.Х., Бўриев О., Аширов А.А. Марказий Осиё халқлари этнографияси, этногенези ва этник тарихи. – Т.: YANGI NASHR, 2011. – Б.71.

³ Ма Пиньянь. Религия в Синьцзяне. – Пекин: Межконтинентальное издательство Китая, 2001. – С.89; Хайназаров Б. Фарғона водийсига уйғурларнинг кўчиб келиши тарихидан // Водийнома. 2016. – №1. – Б.48.

ларидир. Уйғур аҳоли орасида исмларга “хон” кўшиб айтиш кўп учраб, улар асосан Офоқхўжани ўзига пир деб билган ва “кўл олган”лар орасида учрайди¹.

Хуллас, мавжуд илмий адабиётлар ва дала тадқиқотлари натижаларига кўра, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Фарғона водийсига кўчиб ўтган аҳоли таркиби қуйидаги ижтимоий тоифа, этнографик гуруҳлардан иборат бўлган:

Қашқарликлар – Шарқий Туркистон туркий аҳолисининг яна бир этник номи ҳисобланиб, а) яшаб турган жой номи-ни англаган; б) Фарғона водийсига кўчиб ўтиш жараёнида энг қисқа ва қулай йўл Қашқар шаҳри орқали ўтганлиги боис, ушбу йўл орқали келганларга нисбатан водийда энг кўп қўлланилган атамидир.

Дўланлар – субэтнос ҳисобланиб, яъни уйғур уруғ номларининг бири деб қаралади. Уларнинг шимолдан жанубга кўчиб келиб яшаган ҳудудлари “Дўлан” деб номланган.

Тоғликлар – икки гуруҳ одамларга нисбатан қўлланилган: а) Олой ва Қурум (Кунь-Лунь) тоғининг этакларида яшовчи, асосан, чорвадор аҳоли. Улар текисликларга нисбатан баланд тоғ этакларида яшаганлиги боис, “тоғликлар” деб аталган; б) Ёркент хонлигининг Хўжалар сулоласи давридаги Офоқхўжа авлодлари икки диний мазҳабга бўлиниб, “оқтоғлик” ва “қоратоғлик” деб аталган. Уларни ҳам “тоғликлар” деб номлаш мавжуд бўлган.

Таранчилар – Шарқий Туркистон ҳудуди манжурлар томонидан босиб олинган, Яриш текислиги (Жунғория)ни ўзлаштириш мақсадида Оқсу, Кучор, Бой, Учтурфондан оилалар мажбурлаб кўчириб олиб борилган. Улар “таранчилар” деб номланган. “Таранчи” атамаси тариқчи (теримчи – экин экувчи) сўзидан келиб чиққан бўлиб, деҳқон маъносини билдиради².

Хўжалар – Қашқар хўжалари. Шарқий Туркистонда диний-сиёсий фаолият олиб борган нақшбандия тариқатининг

¹ Алишер Бек. Туркийзабон Саййид авлодлари. – Фарғона, 1998. – Б.28.

² <http://uighur.narod.ru/uighurn/uighur>.

йирик вакиллари билан бўлган Маҳдуми Аъзамнинг авлодлари. Улар ўзларини оқсуяклар деб ҳисобловчи диндор-руҳонийлар бўлиб, кўчиб ўтганлар орасида ижтимоий тоифа вакиллари ҳисобланади.

Анжанлик (андижонлик)лар – Шарқий Туркистонда яшаб, савдо ишлари билан шуғулланган Қўқон хонлиги фуқаролари (ўзбеклар)га нисбатан ишлатилган атамасидир.

Шундай қилиб, уйғур атамаси хусусида бир қатор тадқиқотчилар ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Ушбу тадқиқотчиларнинг хулосалари кўплаб тарихий манбаларнинг таҳлилига асосланади. Олимлар турли тилларда мазкур этнонимнинг ифодаланишини ўзгарганини таъкидлашади. Аслида эса унинг ўзаги, маъноси бирлигича сақланган. Умуман, Фарғона водийсида уйғур атамаси билан бирга унга тенглаштирилган жой номлари, охун ва хўжа иборалари қўшиб ишлатилади.

1.2.5. Уйғурларнинг Фарғона водийсига миграцияси

Маълумки, уйғурлар Шарқий Туркистоннинг туб жой аҳолиси ҳисобланади. Географик жиҳатдан бир-бирига жуда яқин жойлашган Шарқий Туркистон ва Фарғона водийси ҳудудларида яшовчи барча этнослар қадимдан ўзаро сиёсий-иқтисодий, қизгин маданий ва этногенетик алоқада бўлганлар. Шарқий Туркистоннинг қулай географик жойлашуви, савдо-сотиқ ишларининг мунтазам олиб борилиши яқин атрофдаги давлатларни, айниқса, Жунғор (1635–1758) хонлари ва хитой-манжурларининг диққат-эътиборини тортган. Уйғурларнинг асл Ватани хитой-манжур (Чин империяси) қўшини томонидан 1755–1759 йилларда ўлкани тўлиқ босиб олиб, ўлкада янги “Синьцзян” деб номланган ҳарбий-маъмурий бошқарув ташкил қилинади¹. Хитойда ҳукмронлик қи-

¹ Хўжаев А. Буюк ипак йўли: муносабатлар ва тақдирлар. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси давлат илмий нашриёти, 2007. – Б.41.

лаётган Цин деб аталган империя ўлкадаги мавжуд хонликларни йўқ қилиб, 1644 йилдан 1911 йилга қадар ҳукмронлик ўрнатади¹. Бир асрдан ортиқ давом этган босқинчилик, жабр-зулм уйғур халқи вакиллариини ўз ватанларини ташлаб, ўзга ерларга кўчиб кетишга мажбур қилади.

Илгаридан мустақкам қарор топган яқин қўшничилик муносабатлари натижасида икки ҳудуд ўртасида этносиёсий ва этнодемографик алоқалар шакллангани ҳам маълум. Тўғри, кўплаб тадқиқотчилар уйғур этник гуруҳи вакиллариини илгаридан ҳам Фарғона водийси ҳудудларига савдо ва бошқа юмушлар билан доимий келиб турганликларини ҳамда водийда вақтинча яшаганларини ҳам таъкидлайдилар. Тадқиқотчилар Ч. Валихонов, В. Наливкин, М. Қутлиқов, О. Боқи, Ш. Қўлдошевларнинг ишларида уйғурларнинг маълум бир гуруҳи кўчиб келганлиги қайд этилади. Тўғри, уйғурларнинг кўчиши хусусида баъзи тадқиқотчилар XV–XVI асрларда бошланган дейди². Бироқ, миграция характеридаги қисқа-қисқа гуруҳий кўчишлари XVIII аср ўрталаридан бошланиб, XIX аср бошларида ҳам катта бўлмаган кўчишлар кўринишида бўлиб туради. Бироқ, Шарқий Туркистонда вазиятнинг кескинлашишига сабаб бўлган шундай воқеалар ва ҳодисалар юз бердики, натижада ўз юртини ташлаб қочиб кетишга мажбур бўлган аҳоли гуруҳларининг катта тўлқинлари пайдо бўлди.

Шу ўринда Цин империяси маъмурлари томонидан маҳаллий аҳолига оғир мажбуриятларнинг юкланиши:

- деҳқонларнинг ерлари тортиб олиниб, ўзлари эса чекка ерларга ҳайдалиши;
- аҳоли учун янги солиқ ва тўловларнинг жорий қилиниши;
- маҳаллий савдогарларга эса алоҳида мол олиб сотгани учун махсус солиқлар белгиланиши³.

¹ Хўжаев А. Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар. – Т.: Наврўз, 2015. – Б.243.

² Сауров М.Д., Сауров М.М. Современные этнические процессы у национальных групп Узбекистана. – Т.: Изд. А. Навои, 2016. – С.6.

³ Куропаткин А.Н. Очерки Кашгарии. – СПб., 1878. – С.32–56; Ус-

Солиқ тўламаганларга қаттиқ жазолар жорий қилинади. Тазйиққа олинган уйғурлар ер-суви, чорва ва бошқа мулкларидан айрилган. Ҳатто болаларини сотиб, солиқ тўлаш ҳолатлари ҳам юз бериб, моҳиятан қулчилик томир ота бошлади. Хитой-манжурларининг шафқатсизлиги, истибдоди асносида миллий-озодлик қўзғолонлари юз бера бошлади. Қўзғолонлар ҳар доим ҳам муваффақият қозонмаса-да, уйғур халқининг озодлик учун кураши тўхтамади. Қашқар (бутун ўлка)да қўзғолонлар, норозилик чиқишлари одатий ҳолга айланиб қолди. Уюшмаган қўзғолонлар шафқатсизларча бостирилгач, иштирокчилар таъқиб остига олинган. Босқинчиларнинг мактаб, мадраса ва масжидлардаги хунрезликлари, уларни талон-торож қилишлари халқ ғзаби ошишига сабаб бўлган. Айниқса, мусулмон аҳолига қаттиқ зулм ўтказилди. Мазкур сабаблар оқибатида XIX аср ўрталаридан Шарқий Туркистон ўлкасида қаршилик ва озодлик ҳаракатларининг янги тўлқини вужудга келди.

Ёркент тахти ворислари бўлган хўжалар томонидан босқинчилар зулмига қарши ва албатта, ҳукмронликни қайтадан қўлга олиш мақсадида бир неча бор қўзғолонлар кўтарилган. Бу қўзғолонлар шафқатсизларча бостирилгач, қўзғолонда иштирок этганлар қочишга мажбур бўлган. Қўзғолончи хўжаларнинг хатти-ҳаракатлари натижасида қочиб кетаётган аҳоли кўпайган эди, бу ҳақда Ч. Валихоновнинг гувоҳлик беришича, XIX асрнинг ўрталарига қадар Туркистонга кўчиб келган уйғурлар сони 300 мингга етган эди¹. Аммо, миграция жараёнларига жиддий эътибор қаратганимизда тўхтовсиз давом этиб, бир неча минглаб одамларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб кўчиб, баъзан эса қочиб ўтган алоҳида даврлари борлиги маълум бўлади.

манов К. Восстание в Кашгаре. – М.: МИВ, 1947; Сборник. – №5. – 1947. – С.150–153; Исиев Д.А., Меметов М.Р. Бейрем-элилик уйғурларнинг отмуши ва ҳазирқи ҳаяти. – Алмута: Наука, 1976. – С.14.

¹ Валиханов Ч.Ч. Собр. соч. в 8-ми томах. – Алма-Ата, 1968. – Т.2. – С.172.

Шарқий туркистонлик уйғурларнинг Фарғона водийсига кўплаб, доимий оқимда кўчиб ўтган даврига “оммавий тус олган миграция*” даври деб тавсиф бериш тўғри бўлади. Ушбу даврга таъсир кўрсатган сабаблар, тўлқинлари, унинг оқибатлари ва босқичлари бошқа даврлардан ўзининг алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туради.

“Оммавий тус олган миграция”нинг *дастлабки босқичи* 1840–1860 йиллар ҳисобланади. Бу давр муҳожирлигига жиддий таъсир кўрсатган сабаблардан бири – бу Қашқар тахти ворисларининг (сўнгги вакиллари Ёркент тахтини бошқарган), яъни ҳукмдор хўжа авлодларининг Цин империяси ҳарбийлари билан юзага келган тўқнашувлари эди. Бу босқич ўз характериغا кўра қуйидаги сабаблар билан бевосита боғланади:

– 1826 йили Жаҳонгирхўжа ва 1830 йилда Юсуфхўжа раҳнамолигида¹, 1858 йили Валихонтўра, 1860 йилда Каттахонтўра бошчилигидаги “Етти хожа исёни”² Шарқий Туркистондаги вазиятни анча ўзгартириб, халқнинг аҳволини мушкуллаштирган.

– Албатта, юзага келган бундай вазиятда Цин ҳукумати ҳам хўжаларни ҳокимиятга яқинлашишини истамаган, уларга қарши таъқиб ва тазйиқни кучайтирган. Кўзғолончи хўжалар, уларнинг тарафдор (мурид)лари, ҳарбийлар зулм ва тазйиқидан безиган бир гуруҳ аҳоли қочиб, Фарғона томонлардан қўним топган.

– Хўжа авлодларининг нафақат хитой-манжурлари, ҳарбийлари билан келишмовчилиги, балки уларнинг ўзаро икки гуруҳ (оқтоғлик ва қоратоғлик)га ажралиб кетиши оқибати-

* “Оммавий тус олган миграция” тушунчаси мазкур тадқиқотда муаллиф томонидан шартли равишда қўлланилиб, Фарғона водийси ҳудудига шарқий туркистонлик аҳолини, биринчи галда уйғур этник гуруҳи вакилларининг катта оқимда кўчиб ўтган даврлари назарда тутилган.

¹ Лин Ган, Гоб Зиху. Қадимги уйғурлар тарихи... – Б.564–569.

² Хайназаров Б. Фарғона водийсига уйғурларнинг кўчиб келиши тарихидан // Водийнома. 2016. – №1. – Б.46.

да юзага келган келишмовчилик ҳам ўлкадаги вазиятга салбий таъсир кўрсатган эди¹.

Бу ҳолнинг босқинчиларга жуда қўл келганлигини Шарқий Туркистонда турли хизмат вазифалари билан бўлган К. Риттер, Н. Куропаткин, Н. Петровский, В. Певцов, Ч. Валихановлар таъкидлаб, ўз ҳисоботларида ўлканинг сиёсий аҳволи, иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида айрим маълумотларни баён қилганлар.

Оммавий миграцияга катта умидворлик берган қўшни мусулмон давлати, яъни Қўқон хонлиги эди. Қашқар аҳолиси босқинчиларга қарши курашда ҳамиша Фарғона ҳукмдорларидан ҳарбий кўмак кутишгани манбаларда келтирилади². Хўжаларнинг яна ҳокимиятни эгаллаш ҳаракатга тушишидан, халқни кўзғолонга бошлашидан ташвишланган хитой-манжур ҳукумати қочиб кетаётган хўжаларни қайтармаслик учун Фарғона ҳукмдорлари (Қўқон хонлари) билан келишувга интилган. Мазкур масала юзасидан Қўқон хони Умархон (1810–1822) даврида хитой-манжурлари билан махфий битим ҳам тузилган³. Мирза Шамс Бухорийнинг қайд этишича, Қўқон хонлари билан тузилган шартномада Цин ҳукумати Шарқий Туркистон шаҳарларидаги савдодан тушадиган божларни Қўқон хонига таклиф қилган ва эвазига хўжаларни ортга қайтишига йўл бермаслик мажбурияти юклатилган⁴.

¹ Маматохунов У. Уйғур адабиёти классиклари. – Т.: Ўзбекистон бадиий адабиёти нашриёти, 1960. – Б.20.

² Жалилов О. Мусо Сайрабий. – Т., 1968. – Б.20.

³ Землеведение. К. Риттер. Восточный или Китайский Туркестан (с примечаниями В.В. Григорьева). – Вып.2. – СПб., 1873. – С.457; Куропаткин А.Н. Очерки Кашгарии. – СПб., 1878. – С.119; Валиханов Ч.Ч. Материалы и исследование о Кашгарии // Соч. Т.II. – М.: АН КазССР, 1962. – С.62; Кутлуков М. Рукописи и документы по истории Восточного Туркестана в XVI–XIX 60-х гг. в. и его взаимосвязии со Средней Азией // Актуальные проблемы Советской уйгуроведения I уйгуроведческой конференции в 1979 г. – Алма-Ата: АН Каз ССР, 1983. – С.205.

⁴ Бухорий Мирза-Шамс. О некоторых событиях в Бухаре, Хоканде и Кашгаре. – Казань: Университет, 1861. – С.40–48.

Таниқли олим Ҳ. Зияев ҳам ўз асарида бу фикрнинг тўғрилигини қайд этади: “Хитой маъмурияти Қўқонга ён беришга мажбур бўлган, ҳар хил совғалар юбориб турган. Бунинг эвазига эса, Қашқар тахтига даъвогар Офокҳўжа (оқтоғликлар) авлодлари назоратда ушлаб турилган”¹. Тарихий манбаларда қайд этилишича, Қўқон хонлиги Қашқарда юз берган қўзғолонларни, озодлик ҳаракатларини қурол-яроғ ва ҳарбийлар юбориб қўллаб-қувватлаб келган². Мулла Олим Махдум Хожининг “Тарихи Туркистон³” ва Ибратнинг “Фарғона тарихи⁴” асарида ҳам Қўқон ҳукмдорларини Қашқардаги сиёсий воқеаларга тез-тез аралашгани келтирилади. Қашқар ўлкасида бевосита воқеалар гувоҳи бўлган Мирза Шамс Бухорий ўз эсдаликларида Мадалихон (Муҳаммад Алихон 1822–1841) уч минг лашкари билан Қашқар шаҳридаги Хитой гарнизонини олишда шахсан ўзи иштирок этганлигини қайд этади. Қўқон хони хитойликлар томонидан асирга олинган 10 мингдан ортиқ аёллар, ёш йигит-қизлар ва болаларни ўз ватанларига қайтаришга Хитой маъмурларидан рухсат олиб берган⁵.

Кўчиб ўтаётганларнинг аксарият қисми водий аҳолиси орасида “тоғлик” номи билан ҳам маълум бўлган. Тоғликлар ўз ўрнида “оқтоғлик” ва “қоратоғлик” гуруҳларга ажралган. Икки диний йўналиш раҳнамолари ўз муридларига дўппилари орқали фарқлашиб туришини буюрганлар. Натижада, Исҳоқия йўналиши муридлари “қора тоқи” (қора рангли дўппи), Ишқия тарафдорлари “оқ тоқи” (оқ дўппи) кийганлар⁶. Мазкур масалага аниқлик киритиб яна шуни таъкидлаш жо-

¹ Зияев Ҳ. Туркистон Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Т.: Шарқ, 1998. – Б.31.

² Жалилов О. Мусо Сайрабий. – Т., 1968. – Б.20; Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига... – Б.30–31.

³ Мулла Олим Махдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. – Қарши: Насаф, 1992. – Б.48–49.

⁴ Ибрат. Фарғона тарихи. – Т.: Камалак, 1991. – Б.258–328.

⁵ Бухорий Мирза-Шамс. О некоторых событиях в Бухаре, Хоканде и Кашгаре... – С.40.

⁶ Маматохунов У. Уйғур адабиёти классиклари. – Т.: Ўзбекистон бадиий адабиёти, 1960. – Б.20.

изки, бу икки йўналиш ўзаро икки географик ҳудудни марказ қилади. Хусусан, ўлканинг ғарбий томонида жойлашган Қоратоғ этакларида ва унга яқин бўлган шаҳар Ёркентни марказ қилган Исҳоқия тарафдорлари ўзларини “қоратоғликлар” деб атаган. Шимол томон, яъни Оқтоғ этакларини ва Қашқарни марказ қилган “Ишқия” тарафдорлари кўпинча “оқтоғликлар” деб аталиб, Нақшбандия тариқати таъсирида вужудга келган¹. Қоратоғликлар раҳнамози Хожа Исоқи Валий ўлкада жуда катта обрўга эга бўлган ва улар, яъни “Исҳоқия” йўналиши раҳнамолари Ёркент тахтини бошқарган. Ўзаро муҳолифга айланган бу икки гуруҳ ўртасида доимий зиддият сақланиб турган. Умуман, бу икки гуруҳ таълимотларида айтарли фарқ бўлмаган². Кейинчалик оқтоғликлар (Ишқия йўналиши) раҳнамози Офоқхўжа томонидан Ёркент тахти эгаллаб олингандан сўнг оқтоғликлар мавқеи ортади. Кучсиз бўлган гуруҳ вакиллари Фарғона водийсига қочадилар. Шу сабаб ҳам Фарғона водийсига қочиб ўтган “оқтоғлик”лар “қоратоғлик”ларга нисбатан кўпчиликни ташкил этади³. Қашқар ўлкасида узоқ вақт саёҳатда бўлган Ч. Валихоновнинг маълумотларида XIX асрнинг иккинчи ярми давомида 160 мингга яқин қашқарлик Фарғона водийсига келиб жойлашгани қайд этилади⁴. Қозоғистонлик уйғуршунос олим Г. Исхаков эса, худди шу даврда Кўқонга 150 минг аҳоли кўчиб келган деб ёзади⁵.

Омон қолишига ишонган қашқарлик хўжа авлодлари ва уларга қўшилиб водийга келган аҳоли сони йилдан-йилга ортиб бораверган. Шу тарзда оммавий миграциянинг дастлабки босқичида хўжалар бошчилигидаги қўзғолонлар оқи-

¹ Иброҳим Ниёз. Торихдин қисқача баёнлар. – Қашқар: Уйғур, 1989. – Б.276.

² Куропаткин А.Н. Очерки Кашгарии... – С.14.

³ Валиханов Ч.Ч. Материалы и исследования о Кашгарии... – С.172.

⁴ Валиханов Ч.Ч. Собр. соч. – Алма-Ата: АН КазССР, 1961. – С.131.

⁵ Исхаков Г.М. Исследования по уйгуроведению. – Алматы: Наш мир, 2005. – С.143.

батида мавжуд манбаларга асосланиб айтиш мумкинки, бу даврларда тахминан 175 мингга яқин шарқий туркистонлик аҳоли, асосан уйғурлар кўчиб келади.

Иккинчи йирик босқич. 1864–1878 йилларда 500 мингдан ортиқ аҳоли гуруҳ-гуруҳ бўлиб Фарғона водийсига кўчиб ўтган. Бундай қочоқлар оқимининг кўпайишига 1864 йил Қашқарда юз берган қўзғолон¹ жиддий таъсир кўрсатган. Ундан кейин ҳам тўхтовсиз давом этган қўзғолонлар ва уларнинг ғалабасидан сўнг пайдо бўлган “Еттишаҳар уйғур давлати”²нинг тузилиши уйғур халқи учун катта муваффақият бўлган. Аммо, 1877 йил мазкур давлат асосчиси Ёқуббекнинг ўлдирилиши давлатнинг йўқ қилинишига сабаб бўлди. Натижада, мусулмон аҳолига нисбатан хитой ҳарбийларининг тазйиқ ва зуғумлари ўн карра кучайди³. Хитой-манжурларининг Шарқий Туркистонни қайтадан ишғол қилиши натижасида юз минглаб аҳоли (асосан уйғурлар ва дунғон) қириб ташланган. Қўзғолончиларнинг аёллари ва болалари қул қилинган. Қўзғолонларда иштирок этган уйғурлар Хитой ҳарбийларига қул сифатида ҳадыя қилинган. Шунингдек, қўзғолонда иштирок этган “анжанлик”ларнинг мол-мулклари тортиб олиниб, мусодара қилинган⁴. Қаттиқ тартиб ва назорат ўрнатилгач, қўзғолон иштирокчиларидан 7450 нафари асир олиниб, 1166 қўзғолончи эса қаттиқ жазоланган⁵.

Ўн минглаб қўзғолончиларнинг яқинлари, қариндошлари, болалари ўлдирилиб, ҳатто уларга қўшиб тинч аҳоли ҳам қирғин қилинган. Натижада, бундай хунрезликлардан

¹ Усманов К. Восстание в Кашгаре. – М.: МИВ, 1947. – С.153.

² Исиев Д.А. Йеттишаар уйғур долити... – С.110.

³ Камалов А.К. Миграция населения Кашгарии в Ферганскую долину после падения Кашгарского Эмирата в конце XIX в. // Уйгуроведение в Казахстане: традиция и инновация. Материалы международной конференции. Алматы, 30 сентябрь 2005 г. – Алматы: Наш мир, 2005. – С.97.

⁴ Кузнецов В.С. Цинская империя на рубежах Центральной Азии... – С.101.

⁵ Исиев Д.А. Йеттишаар уйғур долити. – Алма-Ата: Казахстан, 1990. – Б.100.

безор бўлган қочоқларнинг йирик оқими пайдо бўлди. Бир неча қўзғолонлардан сўнг тазйиққа олинган қўзғолончилар, уларнинг оила аъзолари, қариндош-уруғ ва ҳатто қўшнилари биргалашиб Фарғона водийси худудига кўчиб кета бошлаган.

Муҳожирлик масаласини архив материаллари асосида тадқиқ этган Г.Б. Никольская ҳам бу даврда Туркистонга кўчиб келган уйғурлар сони бир неча ўн мингдан ошиб кетган, деб таъкидлайди¹. Кўплаб уйғурлар Фарғона водийсига иш излаб келган. Демак, миграция қўлами шу тарзда кенгайиб борган ва сиёсий, иқтисодий қийинчиликлар сабаб тўхтамаган. Бундай пайтда Цин ҳукумати раҳбарлари айёрона тадбирлар қўллайди. Хусусан, маҳаллий бой-зодагонларга нисбатан ён бергандек кўриниб, солиқ ва тўловларни камайтиради. Оддий халққа нисбатан бир-неча ўн баробар оширади. Бу ўз-ўзидан норозиликлар ортишига ва маҳаллий зиддиятларни кучайишига олиб келади.

Маҳаллий шарт-шароитларда аҳолининг мажбуриятларини тўлолмай қочиб кетаётгани аъёнларни, судхўрларни ташвишга солади ва уларнинг ташаббуси билан айрим камбағал деҳқонлар жамоасига, улар орасидан ишончли бошлиқ тайинланиб, мардикорчилик қилишга рухсат берилади². Судхўр бойлар ушбу йўл билан ўзларининг қарзларини ундириб олишни кўзлаган эдилар.

Бу оралиқ даврда кўчиб кетаётганларнинг умумий характери ва хусусиятлари ранг-баранг эди. Яъни, мигрантлар таркибида уйғурлар билан бирга ўлкада яшовчи қирғиз, қозоқ, дунғон, анжанлик (ўзбек)лар ҳам бор³. А. Хўжаев ўзи-

¹ ЎзР МДА, И-36, 1-р, 1468-йиғма жилд, 81-в.: Никольская Г.Б. Выходцы из Синьцзяна в Туркестане... – С.103–104.

² Исиев Д.А., Меметов М.Р. Бейрем-элилик уйғурларнинг отмуши ва ҳазирқи хаяти... – С.30.

³ Зарубин И.И. Список народностей Туркестанского края. – Л., 1925. – С.18; Ғаффоров Ш. Уйғурлар ва дунганларнинг Туркистонга кўчирилиши тарихидан // Жамият ва бошқарув. 2002. – №4. – Б.45–47.

нинг “Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар” номли тадқиқотида қайд этилишича, 1878 йилга қадар Туркистонга кўчиб чиққан уйғурлар сони 500 мингдан ортиб кетган¹.

Оммавий миграциянинг *учинчи босқичи деб*, 1880–1920 йилларни кўрсатиш мумкин. Бу даврда ҳам юқоридагидек янада сиёсий зиддиятлар кучайган. Бу даврда икки географик минтақада ҳам вазият кескинлашган, яъни бутун Туркистон ўлкасида сиёсий ҳокимият ўзгарган. Айни кўрсатилган даврлар оралиғида 160 мингдан зиёд уйғурлар водий ҳудудларига кўчиб келган². Кўчиб ўтаётган аҳоли иқтисодий жиҳатдан танг аҳволда қолган камбағал аҳоли бўлиб, улар орасига мардикорлик, умуман тирикчилик мақсадида келаётганларнинг кўшилиши билан оқим салмоғи кўпайган.

Бу босқичнинг кескинлашувига яна бир сабаб сифатида 1881 йил 12 февралда Рус–Хитой ҳукуматлари ўртасидаги “Петербург” шартномасининг имзоланиши бўлган. Осим Боқининг таъкидлашича, шартномада Россия ҳудудига кўчиб ўтишни хоҳлаганларга танлаш имконияти берилган. Шартномага кўра, Или ҳудуди Хитойга қайтарилган, хитойликларнинг зулми остида қолишдан кўра кўпчилик аҳоли Рус подшосига қарашли ерларга кўчишни маъқул кўрган. Масалан, келишувдан сўнг 11.835 уйғур оиласи Ўрта Осиёнинг икки минтақасига кўчиб ўтиб жойлашади³. Бу даврда, асосан, оилавий кўчишлар кузатилади.

Шунингдек, бу босқичда кўчиб келувчилар оқимининг узлуксизлиги доимий ҳаракатдаги йўллар пайдо бўлишига олиб келди. Қашқардан чиққан аҳоли карвон йўлларидан эмас, балки қисқа бўлган Терек довони орқали Ўшга етиб келишган. Бир неча йўналиш орқали Қашқар билан Фарғонани боғловчи довон йўлларининг энг гавжуми хонликлар

¹ Хўжаев А. Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар... – Б.273.

² Валиханов Ч.Ч. Собр. соч. в пяти томах. Т.II. – Алма-Ата: АН КазССР, 1962. – С.172.

³ Осим Боқи. Уйғурлар. – Т.: Билим, 1990. – Б.11.

даврида Қашқар–Қўқон йўли эди¹. Бевосита ушбу миграциянинг иштирокчиси бўлган Алихонтўра Соғунийнинг фикри ушбу маълумотларни тасдиқлайди. Қочиб кетаётган уйғур аҳоли Жилақарағай, Терек каби довлар ошиб, 12–15 кунда Фарғона водийсига келган². Ўз уйини ташлаб кўчиб кетаётган аҳолининг барчаси ҳам Фарғона водийси ҳудудига етиб келолмаган. Аввало очлик, касаллик ва ноқулай об-ҳаво шароити таъсирида кўплаб қочоқ аҳоли қирилиб кетади. Довон йўлларидаги йўлтўсар-талончилар ва ёввойи ҳайвонлар ҳужуми ҳам кўчиб кетаётган аҳолини тўхтага олмаган. Россия империясининг Қашқардаги вакили А.Н. Куропаткин “... довлон ўта совуқ бўлганлиги сабабли уйғур қочоқлари йўлни жуда тез 12–13 кунда босиб ўтиб манзилга келишган. Айниқса, қиш ойларида қочиб ўтаётган аҳоли қаттиқ қийинчиликларга дуч келган. Бундай вақтларда довлон очлик ва совуқдан қирилиб кетган одамларнинг ўликлари билан тўлиб кетган³” лиги ҳақидаги маълумотларни ўз ҳисоботларида қайд этган. Туркистон Генерал Губернаторлиги ахборотларида ҳам Терек довлон орқали қочиб келаётган қашқарликлар совуқдан музлаб қолаётгани, уларга тиббий ёрдам зарурлиги билдирилган. Ҳукумат кўрсатмаси билан Ўш шаҳрида вақтинчалик шифохона барпо этилади ва унда 20 киши даволаниши мумкин эди⁴. Фарғона вилояти ҳарбий губернатори томонидан Тошкентга юборилган бир неча ахборотларида моддий ёрдам сўраб мурожаат қилинган. Масалан, 1877 йил 29 декабрдаги телеграммасида қашқарлик қочоқлар учун 50 минг ёрдам пули ажратишни сўраган⁵. Шу йили яна бошқа хатида

¹ Матбобоев Б., Шамсутдинов Р., Мамажонов А. Буюк Ипак йўлидаги Фарғона шаҳарлари. – Андижон: Мерос, 1994. – Б.27; Жалилов С., Мусаев Х. Қондош ва қардош халқ // Коммунист газетаси. 1989 йил 16 май.

² Соғуний А. Туркистон қайғуси. – Т.: Шарқ, 2003. – Б.102.

³ Куропаткин А.Н. Очерки Кашгарии... – С.47–48; Соғуний А. Туркистон қайғуси... – Б.158.

⁴ ЎзР Марказий Давлат архиви, И-1. 16-рўйхат. 2363-йиғма жилд, 60-в.

⁵ ЎзР МДА. И-1. 16-рўйхат, 2363-йиғма жилд, 53-в.

эса уларга (қочоқларга) тиббий ва молиявий кўмак учун 1500 рубль зарур дейилган¹.

XX аср арафасида, аниқроғи шартномадан сўнг икки давлат ўртасида чегаралар аниқлаб олингач, Чор Россияга қарашли бўлган ҳудудларга кўчиб ўтаётганларни чегарада рўйхатга олиш бошланади. Шу даврларда шарқий туркистонликлар орасида кўчиб кетиш ҳожишини билдириб Чор ҳукумати вакилларига расмий мурожаат қилувчилар сони сезиларли даражада кўпайгани Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архиви маълумотларида ўз исботини топади². Бундай маълумотлар Г.Б. Никольская томонидан ҳам келтирилади. Масалан, 1900 йили кўчиб кетиш ҳожишини билдириб 14.000 киши, 1901–1905 йилларда 42.964 нафар аҳоли Россия консуллигидан махсус рухсатнома олган³. 1930 йилларда Советлар давлатида бошланган қатағонлик сиёсатидан водийда яшаётган уйғурлар ҳам четда қолмади. Қўқон ва Андижонда катта мавқега эга бўлган Мулла Исҳоқ қори ўғли Муҳаммаджон Маҳжурий ва яна кўплаб бадавлат, диний уламолар таъқибга олингач, Олойга қочиб кетади. 1933 йили бир гуруҳ уламолар яна водийга қайтади. Аммо, 1938 йил ҳукумат вакиллари илтимоси билан Маҳжурий домла Тошкентга кўчириб олиб кетилади⁴.

Йирик оқимдаги оммавий кўчиш XX асрнинг ўрталарида Шарқий Туркистон аҳолисини, асосан, уйғурларни водий ҳудудига миграцияси кузатилади. Бу миграция жараёнини сўнгги йирик кўчиб ўтиш деб ҳисоблаш мумкин. Хитой ва шўро давлати ҳукуматларининг расмий келишуви асосида амалга оширилган кўчиш натижасида икки давлат фуқаролигига эга уйғурларнинг катта қисми Тошкент ва Фарғона водийсига ўз хожишлари ва танловларига кўра кўчириб кел-

¹ ЎЗР МДА. И-1. 16-рўйхат, 2363-йиғма жилд, 54-в.

² ЎЗР МДА. И-1. 16-рўйхат, 2363-йиғма жилд, 4, 5, 33, 101-в.

³ Никольская Г.Б. Выходцы из Синьцзяна в Туркестане... – С.113.

⁴ Андижон вилояти адабиёт ва санъат музейи жамғармаси қўл-ёзмалар фонди. ИНВ №8149.

тирилган¹. 1954–1962 йилларида Марказий Осиё ҳудудлари-га 350 мингга яқин одам кўчирилган бўлса², уларнинг қарийб 10 мингдан ортиғи Фарғона водийсига, яъни танишлари ёки қариндошлари ёнига келиб жойлашган³.

Сўнгги миграция босқичида Андижон шаҳрига кўчиб келиб истиқомат қилаётган Омонулло Валихонов (Боқир)⁴ қашқар хўжаларининг таъқибга олинган авлодларидан ҳисобланади.

Хуллас, Шарқий Туркистон тўла забт этилганидан сўнг, аввало, иқтисодий фойдани кўзлаб янги ерларни ўзлаштиришга жиддий эътибор қаратилади. Худди шу масалада Г.Б. Никольскаянинг қуйидаги фикрлари эътиборли: “Бу жараёнда уйғурларнинг кўчиб ўтишидан манфаатдор бўлган Чор ҳукумати плацдарм сифатида уларни чекка, кам ўзлаштирилган Хитойга яқин бўлган чегара ҳудудларга жойлаштиришга ҳаракат қилди. Чегара ерларга келиб ўрнашган уйғурлар ўн йиллар давомида солиқ тўловларидан озод қилинган. Оила хўжалигини тиклаб олишлари учун 5–7 ҳатто, 10 десятинадан ер ҳам ажратиб берилган⁵”. Ўз ватанларидаги оғир иқтисодий аҳволдан безор бўлган шарқий туркистонлик уйғурлар бундай имкониятлардан хабардор бўлгач, бу ерга кўчиб кела бошлади. Дарҳақиқат, ҳукуматнинг қўллаб-қувватлашлари, тиббий ва иқтисодий ёрдам қочиб келаётган уйғурлар сони янада кўпайишига сабаб бўлган.

Уйғурларнинг Фарғона водийсига миграциясининг энг катта оқими XIX аср ўрталаридан XX асрнинг 60-йилларига қадар давом этган. Миграциянинг охири даври хусусиятига

¹ Aitbaev A.A. Brief Introduction on Uighurs // Uighur Affairs Survey. September. – 2001. – №1. – P.35.

² Хўжаев А. Марказий Осиё тарихига оид маълумотлар... – Б.277–278.

³ Андижон вилоят давлат архиви, 59-фонд, 1-рўйхат, 85-йиғма жилд, 47–71 в.

⁴ Андижон вилояти адабиёт ва санъат музейи жамғармаси қўл-ёзмалар фонди. ИНВ №8201.

⁵ Никольская Г.Б. Выходцы из Синьцзяна в Туркестане... – С.107.

эътибор қаратиш жоиз. Ўтган асрнинг 1912, 1931, 1944–1949 йиллари Шарқий Туркистонда йирик халқ чиқишлари юз берди. Кейинги қўзғолонлар бевосита шўролар давлатининг ҳарбий ва сиёсий аралашуви билан амалга ошди¹. Натижада, яна минглаб уйғурлар иштирокчи давлатнинг ҳудудига кўчирилган. Таъкидлаб ўтиш жоизки, советлар давлати ҳукмронлиги бошланган пайтларда уларнинг тазйиқига учраган, “қулоқ” қилинган бой деҳқонлар ва диндор уламолар 1917–1930 йиллар орасида Қашқарга қочган. Қўқонлик ва андижонлик аҳоли вакиллари ўрнашган мавзеларда жойлашиб яшаган асли ўзбеклар ҳам охириги кўчиш йиллари ватанларига қайтишга уринадилар.

Хуллас, XIX аср ўрталарида Қўқон хонлигининг яқин қўшниси бўлган Шарқий Туркистон ҳудудида хитойлик босқинчиларга қарши мусулмон аҳолининг озодлик ҳаракатлари кучаяди. Иқтисодий қийинчилик, сиёсий нотинчлик сабабли кўплаб шарқий туркистонлик аҳоли оилалари, қариндош-уруғлари билан бирга ўзларига илгаридан маълум бўлган ҳамда ҳудудий жиҳатдан яқинроқ кўринган Фарғона водийсига кўчиб кета бошлайди. Уларнинг айнан водийга кўчишларига қуйидагилар асос бўлди:

- аввало, бу халқлар қадимдан ягона этномаданий муҳитда яшаганлари;
- мустаҳкам қон-қардошлик алоқалари;
- ҳудудий яқинлик;
- дин ва маданият яқинлиги;
- савдо-иқтисодий алоқаларнинг мустаҳкамлиги;
- қадимдан ҳаракатдаги савдо ва карвон йўлларининг мавжудлиги;
- уйғурларнинг водийга кўчишларидан маҳаллий ҳукмдорларнинг манфаатдорлиги.

¹ Aitbaev A.A. Brief Introduction on Uighurs... – С.35.

1.3.5. Фарғона водийсида уйғурларнинг жойлашув хусусиятлари

Фарғона водийси билан Шарқий Туркистон худудлари-ни Помир ва Тянь-Шань тоғ тизмалари ажратиб туради. Бу минтақалар қадимдан ягона тарихий ва этномаданий худуд ҳисобланган¹. Бир-бирига яқин жойлашган бу икки минтақа аҳолисининг маълум қисми сиёсий вазият тақозоси ва савдо ишлари юзасидан у ёки бу худудда кўчиб юрган. Шарқий Туркистоннинг Қашқар шаҳрида, айниқса водийликлар кўпчилиги эди. Яна Урумчи, Ғулжа, Оқсу, Кучор худудларида ҳам ўзбеклар кўп жойлашган². Бироқ, улар “андижонлик”лар деб аталган. Андижон шаҳри Қўқон хонлигининг муҳим савдо, ҳунармандчилик ривожланган марказларидан бири сифатида Шарқий Туркистон билан савдо алоқасида айниқса муҳим роль ўйнаган. Шу сабаб ҳам Қашқар, Ёркент, шаҳарларида Қўқон хонлигидан борган савдогар ва ҳунармандларнинг алоҳида маҳаллалари бўлиб, улар “андижонликлар” номи билан юритиларди³. Албатта, манбаларда қайд этилганидек, икки географик минтақа ўртасида қизғин кечган ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларда “андижонлик” савдогарлар етакчи бўлган. Ҳатто, улар давлатдан-давлатга кўчиб юриш ҳуқуқига эга эдилар. Ўлкада “андижонлик”ларнинг кўпайиб боришдан ташвишга тушган Хитой ҳукумати улар билан муносабатларни тартибга солишга уринган⁴.

Уйғур аҳолиси тазйиқ ва қийинчиликларга дуч келганда ўзлари учун энг яқин худуд сифатида Фарғона водийсига

¹ Литвинский Б.А. Исторические судьбы Восточного Туркестана и Средней Азии (Проблемы этнокультурной общности) // Восточный Туркестан и Средняя Азия. – М.: Наука, 1984. – С.4–29.

² Дорошенко Т.И. Туркоязычное население Восточного Туркестана // Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар: тарихи ва ҳозирги замон (илмий-амалий анжуман). – Т., 2003. – Б.112.

³ Зияев Ҳ. Ўрта Осиё ва Сибирь. – Т.: Фан, 1962. – Б.162.

⁴ Петровский Н. Отчет Императорского Российского Консульства в Кашгарь. – СПб., 1885. – С.46.

қочиб кела бошлади. Келаётган аҳоли гуруҳларининг йўналиши уларнинг жойлашувида муҳим асос бўлган. Уйғурларнинг Фарғона водийсига кириб келиш йўли шимол бўйлаб чўзилган. Шунга қарамай кўчиб келаётган уйғур аҳолининг сон ва салмоғидан ташқари уларнинг жойлашув географияси айниқса эътиборлидир.

– Дастлабки кўчишлар даврида кичик гуруҳларда ёки оз сонли аҳоли водийнинг маҳаллий аҳолиси билан аралаш жойлашиб таркибига сингиб борган. Кейинги “оммавий миграция” да келган аҳоли эса ўзига хос тарзда жойлашади.

– Хусусан, дастлабки тўлқиндаги хўжалар бошчилигидаги миграция оқими вакиллари Андижон, Марғилон, Қўқон шаҳарларида жойлашган.

– Кейинги тўлқинда кўчиб келган камбағаллашган аҳоли эса асосан шимоли-шарқий томонларга, кам ўзлаштирилган, деярли бўш ҳудудларга жойлашди¹. Уларнинг кўпчилиги Қашқарда ер-жойсиз, камбағаллашган аҳоли қисми эди. Азалдан дехқончилик билан шуғулланган бир гуруҳ аҳоли ҳали ўзлаштирилмаган ерларга, чорвадорлар эса адир яқинларига ўрнаша бошлаган.

– Кўчиб ўтаётганларнинг учинчи тўлқини вакиллари илгаридан савдо ва бошқа юмушлар билан келиб турганлар (улар танишлари ёнига, хунармандлар, табиблар, ошпазлар) эса шаҳар ва шаҳар атрофларига ўрнашади. Улар орасида савдогарлар, бадавлат уйғурлар ҳам бўлиб, айтарли кўпчиликни ташкил этмасди. Шу сабаб улар шаҳар қисмига, аҳоли орасига ўзларига илгаридан маълум бўлган ҳудудларга жойлашган.

– Сўнгги кўчиб ўтган аҳоли эса, асосан, шаҳар қисмига жойлашган.

XIX аср ўрталарида юз берган “оммавий миграция”нинг ҳомийлари бўлган Қўқон хонлари фармони билан Фарғона водийсига кўчиб ўтаётган уйғурларга бўш ерлар ажратиб берилди. Ажратилган ерларнинг аксарияти тошлоқ, чака-

¹ Инагамов Ш.Ш. Этнический состав населения и этнографическая карта Ферганской долины в границах Узбекской ССР: Дисс... кан. ист. наук. – Т., 1955. – С.84–85.

лакзор ёки чекка ҳудудлар бўлган¹. Қадимдан ўтроқ деҳқончилик хусусан, шоли етиштириш билан кўпроқ шуғулланган аҳоли дарё ва сув мўл ҳудудларга ўрнашиб қолишга ҳаракат қилган. Водийнинг шимолий томонидан, яъни Андижон ва Наманган вилоятлари ҳудудларидан оқиб ўтувчи Норин ва Қорадарё бўйларига жойлашган уйғурлар Фарғона водийсида янги ерларнинг ўзлаштирилишида муҳим роль ўйнаганлар. Фарғона водийсидаги бўш ерлар деҳқончилик, жумладан, суғорма деҳқончилик учун ўзлаштириш кенгайиб борган сари, оқиб келадиган сувга бўлган талаб ортиб борган. Натижада водийнинг кўп сонли аҳолиси, жумладан, уйғурлар томонидан ҳам экин майдонларини суғориш мақсадида бир неча янги ариқлар қазиб сув чиқарилган.

Уйғурларнинг оммавий кўчиб келиб жойлашишлардан анча илгари водийдаги йирик сув иншоотлари Қорадарё, Сирдарё, Оқбўра ва Тентаксойдан атрофни сув билан таъминлаш мақсадида бир қанча ирмоқлар чиқарилган эди. Биргина, Оқбўра дарёсининг ўзидан тўққиз ариқ (тарнов) очилиб, уларнинг барчаси Андижонни сув билан таъминлаган. Улардан бири Хўтанариқ деб аталган². Шаҳарнинг марказидан кесиб ўтувчи мазкур ариқни қайта қазиб ва кенгайтиришда муҳожир уйғурлар фаол қатнашганлар. Кейинроқ мазкур ариқ атрофида Хўтан маҳалла – Хўтандан кўчиб келган уйғурлар ўрнашган маҳалла пайдо бўлди. Шунингдек, водийда яшаган уйғурлар янги ариқларни очишда фаол қатнашганлар. XIX аср ўрталарида асирликдан озод қилиниб, водийга кўчириб келтирилган аҳоли кучи билан Чинобод (Чин – Хитойдан озод этилган) ариғи³, Тентаксой яқинида Истанариқ (Сталин ариғи) каби янги сув иншоотлари очилиб, янги ўзлаштирилган ерлар сув билан таъминланган.

Тарихий манбалар ва мавжуд адабиётлар таҳлили шуни

¹ История народов Узбекистана. – Т.: Изд. АН УзССР, 1947. – Т.II. – С.146.

² Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома... – Б.34.

³ Бейсимбиев Т.К. “Тарихи Шахрухи” как исторический источник. – Алма-Ата: АН КазССР, 1987. – С.80.

кўрсатадики, водий худудига келиб ўрнашаётган аҳоли маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олган ҳолда жойлашган. Масалан, Қўқон хони фармони билан кўчириб келтирилган аҳоли қаторида уйғурлар жойлашган худудда янги шаҳар бунёд этилади¹. Тадқиқотчи Ш.Ш. Иноғомов 1926 йилда ўтказилган “Бутун иттифоқ аҳолини рўйхатга олиш” маълумотлари асосида Фарғона водийси аҳолисининг этник таркиби акс этган харита тузади. Мазкур этнографик харитада ҳам уйғурларни водий бўйлаб жойлашуви юқорида биз келтириб ўтган худудларга мос равишда кўрсатиб ўтилган².

Водийнинг қатор туман ва шаҳарларида уйғурлар Ўрта Осиёнинг бошқа худудларига нисбатан зич жойлашгани билан ажралиб туради. Андижон вилоятининг деярли барча туманида уйғур (қашғарлик)лар манзилгоҳлари учрайди. Айниқса, улар Пахтаобод, Шаҳрихон, Асака, Қўрғонтепа, Олтинқўл ҳамда Андижон шаҳрида кўпроқ жойлашган. Наманган вилоятининг Поп, Норин, Тўрақўрғон туманлари, Наманган шаҳар маркази, Фарғона вилоятининг Қўқон, Марғилон шаҳарлари ва Қува, Ёзёвон, Олтиариқ тумани уйғурлар нисбатан кўп жойлашган худудлар ҳисобланади.

Қирғизистон Республикаси Ўш, Жалолобод вилоятлари худудларида ҳам уйғур этник гуруҳи вакиллари кўпчиликни ташкил этади. Кўчиб ўтаётган уйғурлар иложи борича компакт бўлиб жойлашишга ҳаракат қилган. Улар янги жойлашган худудларини илгари Шарқий Туркистонда ўзлари яшаган қишлоқ ва маҳаллалар номи билан атаганлар³.

Водийда Қашқарқишлоқ, Қашқартўпи, Қашқарий, Қашқарча, Уйғурқишлоқ, Уйғуробод, Тоғлик, Дўлан, Қўштепа, Оқшоҳ, Пайноб, Қовул, Тўкў, Пушмон, Озоқ, Жанжал, Шоврук, Дўнг-

¹ Насритдинов Қ. Шаҳрихоннинг бунёд этилиши тарихидан // Мозийдан садо. – Т., 2005. – №4. – Б.36.

² Инагамов Ш.Ш. Этнический состав населения и этнографическая карта Ферганской долины в границах Узбекской ССР. Дисс... кан. ист. наук. – Т., 1955. – С.84–85.

³ Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX в. (по данным топонимии)... – С.86.

қишлоқ, Тахтакўприк, Ортиш, Тўққизоқ, Жанжал, Чангот, Ғузо, Пайдо, Олақанот, Қўрғонолди, Қўрғонтепа, Эшакчи, То-воқчи, Овот, Қирмачи, Қоракий, Ғодира, Кепакчи, Султонттепа, Эскилик, Иттифоқ, Бешкарам, Тўққизариқ, Хўтанариқ, Эвой, Сунтоқ, Қизмаси, Оғушлик, Терактаги, Тувадак, Қизилаяқ, Майрамтепа каби ўнлаб уйғур қишлоқлари мавжуд. Фарғона водийси бўйича уйғурлар Андижон вилоятида кўпроқ жойлашиб, икки аср оралиғида кўчиб ўтганларнинг ярми шу ҳудудда яшаб қолган ва шу сабаб ҳам айна даврда янги уйғур қишлоқ ва маҳаллалари кўплаб ташкил қилинган.

Уйғурларнинг жойлашиши жиҳатидан Пахтаобод¹ тумани етакчи ҳисобланади. Барча уйғур мавзелари дастлаб кичик маҳалла сифатида барпо бўлиб, кейинчалик кенгайиб борди. Қирғизистон Республикаси билан чегарадош бўлган туман ҳудудидан оқиб ўтувчи Қорадарё ва Тентаксой оралиғидаги ботқоқ ерларни ўзлаштириб, Қашқаргузар (ҳозирги Уйғуробод), Озоҳ (Озод), Жангал (Жанжал), Тўкў (бир оёғи калта), Қовул, Пушмон, Шовруқ, Тўққизоқ, Сунтоқ каби уйғур маҳаллалари бунёдга келган. Туман тарихини қисқача ўрганган журналист Жўра Қўлдош қишлоқ билан боғлиқ қуйидаги маълумотларни келтиради: "...уйғур аҳоли оқсоқоллари етакчилигида Тентаксой ёнидан янги ерлар ўзлаштиришган. Сиддиқ Чаққон, Боқи Охунд, Мулла Раҳмон каби кекса қашқарликлар томонидан бўлғуси қишлоқ режаси тузилиб, ҳар бир

¹ Пахтаобод – Андижон вилоятининг шимоли-шарқий қисмидаги туман. Уйғурлар зич жойлашган туман ҳисобланади. Туман ҳудудидан иккита Қорадарё ва Тентаксой, Чиртаксойлар оқиб ўтган. 1917 йилга қадар ҳудуд Қўқонқишлоқ деб аталган. Муазинбой тўпи гузари атрофида қўқонликлар, ўнгда марғилонликлар, шимолий томонида эса қашқарликлар жойлашган қишлоқ шўролар даврида Тентаксой тумани деб аталган. 1939 йили пахта топшириш мажбуриятини биринчи бўлиб бажариши муносабати билан ҳукумат номидан вакиллар туманга ташриф буюради. Пешқадам уйғур хўжалиги раҳбари Олим Қурбонов сўзга чиқиб, туман номини ўзгартиришни сўраб мурожаат қилади. Шундан сўнг пахтачиликда эришган ютуқлари учун туман номи "Пахтаобод" деб ўзгартирилган.

кўчиб келган оилага ишлаш ва уй-жой қуриш учун ер ажратиб берилган”¹.

Пахтаобод туманига яқин адир ерларни уйғурлар маҳаллий қирғиз чўпонларидан битта қашқар гилами эвазига алмашиб олиб, Озоҳ (Озод) маҳалласини ташкил қилганлар. Қирғизлар келишувни бузиб, узоқ вақтгача яйловга даъвогарлик қилиб турган. Кейинчалик можароли бу ерга нисбатан “жанжалли ер” ибораси ишлатилган. Вақтлар ўтиб, бу ибора қишлоқ номига айланиб кетган. Юқорида таъкидланганидек, Шарқий Туркистондаги жой номларининг водий худудида такрорланиши кузатилади. Худди шу боис “Жанжал” қишлоқ номи ҳам топонимикада такрорланиши мумкин. Алихонтўра Соғуний хотираларида Ғулжа яқинидаги Қопсанг қишлоғи атрофида “Жангал” номли кичик қишлоқ бўлганлиги тилга олинади². Бу эса “жанжал” ва “жангал” иборалари ўртасидаги яқинликни ифодалайди.

Шарқий Туркистондан оммавий миграция жараёнида дўлан субэтноси вакиллари ҳам кўчиб ўтгани алоҳида қайд этилади. Таъқиб, хавф-хатардан қутулиш, турмушини яхшилаш мақсадида келганлар Қашқарнинг Оқти-чоршанби тумани Дўлан қишлоғидан бўлганлар. Дастлаб, 17 нафар дўланлик Андижон вилоятининг Шаҳрихон тумани худудидаги Оқработ тепалиги атрофидаги бўш ерларни ўзлаштириб, жойлашган. Шундай қилиб, Шаҳрихон ва Олтинкўл тумани чегарасида “Дўлан” номли қишлоқ пайдо бўлади. Дўлан қишлоғи кенгайиб, ҳозирда унинг ўрамида Тумор, Мамаюсуфчек, Қўштепа, Гулқишлоқ, Аълам каби маҳаллалар барпо бўлган.

Асака тумани худудидаги Ахтачи мавзесида Қўрғонолди, Отиш, Товоқчи, Тувадак, Қизилаяқ, Терактаги, Повон каби аҳоли масканларида уйғурлар яшайдилар. Бу мавзеларда яқин бўлган Бешкарам, Чем посёлкаларида ҳам уйғурлар кўпчиликни ташкил этади. Андижон туманининг Қашқар,

¹ Қўлдош Жўра. Мустақиллик нури билан (Пахтаобод тумани тарихи). – Андижон, 1996. – Б.8.

² Соғуний А. Туркистон қайғуси... – Б.232.

Оқ-ёр, Ёр-боши, Полосон мавзеларининг пайдо бўлиши ҳам уйғур аҳолининг кўчиб келиши билан боғлиқ, Шарқий Туркистоннинг Оқсу, Оқёр, Ёрбоши, Полесанг каби ҳудудларидан чиққан уйғурлар мазкур маҳаллаларни барпо этганлар. XX аср бошларида Андижон шаҳри ва унинг атрофида Охунтўпи-1, Охунтўпи-2, Чингузар, Рўзаохун, Тунгон, Чангаллик, Қўштепа каби уйғур муҳожирларининг маҳаллалари пайдо бўлади. Қашқарда давом этаётган хунрезликлар оқибатида 1920–1930 йиллар орасида яна минглаб оилалар кўчиб келиб, айнан Андижон шаҳрига жойлашишни истаганлар кўпчиликни ташкил қилган. Кўчиб келаётганларнинг кўпи маҳаллий ҳукумат томонидан қайд этиб борилган. Масалан, Андижон вилоят давлат архиви 59-фондида сақланаётган айрим ҳужжатлар масалани ойдинлаштиради. Унда ҳар бир кўчиб келаётган муҳожир уйғурлар, хусусан, Абдуғопир Ёкубохун ўғли Охунтўпи-1 маҳалласига, Саврихон Абдужаббор ўз оиласи билан Чингузарга, яна Абдуқодир Қосимохун ўғли Чангалликка, яна кўплаб муҳожир уйғурларни қайси маҳалла ёки қишлоққа жойлашгани ҳақида маълумотлар мавжуд¹. Шу йиллар орасида Ўш ва Андижонга кўчиб келувчилар сони ошиб борган. Албатта, маҳаллий ҳукумат уларга тегишли ҳужжат, яшаш учун жой белгилаган². Айрим вақтларда кўчиб ўтган аҳоли илтимосига биноан ўзлари сўраган мавзеларга ҳам жойлаштириш ҳолатлари учраган.

Катта Фарғона канали водийдаги йирик сувиншооти ҳисобланиб, унинг шимолий тармоғи бўйлаб кўплаб уйғур қишлоқлари пайдо бўлади. Наманган вилояти ҳудудининг шимолий географик қисмида, хусусан, Норин туманида Қашқармаҳалла, Уйчи туманида Қашқар, Поп туманида Уйғур, Уйғурсой, Тўрақўрғон туманларида эса Қашқаргузар деб номланган янги қишлоқлар қад кўтарган.

Бу даврда Фарғона вилоятининг Кўқон, Марғилон шаҳар-

¹ Андижон вилоят давлат архиви, 59-фонд, 1-рўйхат, 85-йиғма жилд, 70–71-в.

² Андижон вилоят давлат архиви, 59-фонд, 1-рўйхат, 85-йиғма жилд, 47-в.

ларига кўплаб уйғур аҳоли кўчиб боргани маълум. Қўқон водийнинг савдо ва маданият маркази сифатида қадим даврлардаёқ Шарқий Туркистон билан Қўқон шаҳри аҳолиси ўзаро муносабатларда бўлган. Ушбу яқинлик кўпчилик уйғурларни ҳеч иккиланмай Қўқонга бориб ўрнашишига сабаб эди. Вилюятнинг қатор туманлари масалан, Данғара туманида Қашқар, Бешариқ туманида Қашқар, Ёзёвон туманида Хонобод, Қува тумани ҳудудида Қашқарча, Қашқар-1, Қашқар-2, Марғилон атрофларида Тоғлик, Оқшоҳ, Қўқон яқинида Охунқайнар каби мавзеларда уйғурлар ўрнашган. Тадқиқотчи Н. Абдулаҳатов водийдаги зиёратгоҳларни тадқиқ этиб, Олтиариқ туманида Қашқартўпи маҳалласининг пайдо бўлишига доир қимматли маълумотларни ҳам келтиради¹.

Қўқоннинг ноқулай табиий иқлими, кучли шамоли сабабли қўқонликларнинг ўзлари ҳам бошқа жойларга кўчиб кета бошлаган. Уларнинг ортидан, албатта, уйғурлар ҳам кетади. Кўплаб Қўқонда яшаб турган уйғурлар Қўқонқишлоққа (ҳозирги Пахтаободга) кўчиб борадилар².

Уйғурларнинг катта қисми Фарғона вилюятининг Қува туманида жойлашган. Дастлаб, Асака туманига кўчиб келган оилалар каттароқ майдонда деҳқончилик қилиш мақсадида чегарадош Қува ерларига ўтиб боради. Ёввойи ҳайвонлар кўп, бутазор, чакалакзор ерларни ўзлаштириб яшаб қолишиб, бу ерга “Қашқарча” деб ном берилган. Ахборотчилардан бири Қашқар қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Хусанбой Аҳмаджонов берган маълумотларга қараганда, “шўроларнинг жамоалаштириш сиёсати натижасида қишлоқ иккига ажратилиб, Қашқар-1 ва Қашқар-2 деб номланган, иккига ажратилган”. Яна маълумотларга қараганда, тахминан олтмиш, етмиш йиллар илгари бу ерларда повон (қашқарлик лўли)лар ҳам яшаганлар. Қашқарлик повонлар ҳунарманд-

¹ Абдулаҳатов Н. Этник номлар билан боғлиқ зиёратгоҳлар // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 1 қисм. – Т.: ТДШИ, 2005. – Б.158.

² Тожибоева О. Пахтаобод дурлари ёхуд туташ тақдирлар. – Т.: Наврўз, 2009. – Б.95–181.

чилик билан машғул бўлиб, элак ва сават тўқиб тирикчилик қилган.

Фарғона водийси таркибига кирувчи Ўш ва Жалолободнинг бир қанча туманлари, хусусан, Ўш шахрининг ўзида бир нечта уйғур маҳаллалари вужудга келган. Уйғурларнинг кўпчилиги Оқбўра дарёси воҳасининг юқори қисмларида, Қуршоб ва Кўгарт водийсида, Ўзган, Жалолобод, Кетмонтёпа, Тошкўмир, Кўкёнғоқ, Сузоқ туманлари атрофларига ўрнашиб, ўз қишлоқларини ташкил қиладилар¹. Тожикистон Республикасининг Фарғона водийси билан чегарадош қисмида “Қашғариҳо” номли маҳалла уйғурлар миграцияси натижасида пайдо бўлади². Аммо, ҳудудда қизғин кечган этник ва миграцион жараёнлар таъсирида қолган қишлоқ аҳолиси (қашқарлик лўлилар) тожиклашиб борган.

Шарқий Туркистондан водийга кўчиб ўтган уйғур этник жамоаси вакиллари бу ҳудудда жойлашув географиясини топономик материаллар асосида ўрганиш шуни кўрсатадики, уларнинг яшаш манзилгоҳлари асосан Қорадарё, Нориндарё, Оқбўра дарёси ва Тентаксой атрофларида пайдо бўлган. Негаки, юқорида таъкидлаганимиздек, деҳқончилик билан шуғулланиб келган уйғур аҳоли имкон даражасида дарё ва сойлар яқинига жойлашишга ҳаракат қилган. Кўчиб ўтганлар иқтисодий жиҳатдан анча ночор бўлиб, уларнинг бир гуруҳи дастлабки жойлашган манзилларидан бошқа ерларга тарқала бошлаган.

XX асрнинг ўрталаридан Тошкент, Хоразм, Қашқадарё ва ҳатто Қорақалпоғистон ҳудудларида ҳам уйғурлар истиқомат қилган³. Охирги кўчиб ўтган уйғур муҳожирлари, асосан, Андижон ва Тошкентга жойлаштирилади. И.В. Захарованинг тадқиқотларида ҳам Тошкент яқинида “Янги-шаар” ном-

¹ Жалилов С., Мусаев Ҳ. Қондош ва қардош халқ // Коммунист, 1989 йил 16 май; Ғаффоров Ш. Уйғур ва дунғонларнинг Туркистонга кўчирилиши тарихи // Жамият ва бошқарув. – 2002. – №2. – Б.47.

² Губаева С.С. Население Ферганской долины XIX – начале XX в... – С.93–94.

³ Боқи О. Уйғурлар... – Б.13.

ли қашқарлик эмигрантларнинг маҳалласи борлиги ҳақида маълумот берилган¹. Фарғона водийсининг барча вилоят ва туманларида уйғур аҳоли учрайди. Айрим уйғур қишлоқларининг номлари индикатор² сифатида сақланса-да, бу жойларда умуман уйғур этноси учрамайди.

Уйғурлар таркибида бир қанча субэтнослар, масалан, дўланлар, тоғликлар, қашқарлик ва ҳоказолар бу гуруҳ таркибида қайд этилмаслиги ҳам учрайди. Умуман, водийга кўчиб ўтган уйғурлар кўпчиликни ташкил қилса-да, сон ва салмоқ жиҳатидан маълумотларда кам қайд этилади.

Хусусан, оммавий миграциянинг қизғин кечган даврида Фарғона вилоятининг этнографик таркиби ҳақида этнолог олим С. Абашин тадқиқотларида қуйидагича маълумотлар кўрсатилиб, бунда аҳоли таркиби қашқар баъзан эса уйғур деб кўрсатилган³.

Этник номи	1897 йил аҳоли рўйхати	11904	11905	11906	11907	11908	11909	11910	11911	11912	11913	1914
Уйғур (қашқарлик)	4915	47388	48651	59238	56857	49517	53981	55008	55761	қайд этилмаган	52094	57106

XIX аср иккинчи ярмигача Фарғона водийсига кўчиб ўтган уйғур аҳолидан ташқари, XX аср бошларидан яна 1914 йили

¹ Захарова И.В. Материальная культура уйгуров Советского Союза // Среднеазиатский этнографический сборник. Ч.II. Т.47. – М.-Л., 1959. – С.223.

² Индикатор – лот. *indicator* – аниқлагич, кўрсаткич маъносини ифодалайди. (Бу ҳақда қаранг: Бегматов Э, Улуқов Н. Ўзбек ономастикаси терминларининг изоҳли луғати. – Наманган, 2006. – Б.34–95).

³ Абашин С.Н. Населения Ферганской долины (к становлению этнографической номенклатуры в конце XIX – начале XX века) // Ферганская долина: Этничность, этнические процессы, этнические конфликты. – М., 2004. – С.92–96.

40 мингдан¹, 1920–1927 йиллар оралиғида Қашқардан Андижонга кўчиб келганлар сони ўн мингдан ортиқни ташкил этган. 1922 йилнинг ўзида 2200 га яқин аҳоли Андижон ва Бозоркўрғон уездлари ҳукуматларидан ер ва ўзлари учун тегишли ҳужжат сўраб мурожаат қилади².

Уларнинг талаблари маҳаллий ҳукумат томонидан қаноатлантирилиб борилган. Фарғона водийси ҳудудига кўчиб келган ҳар бир уйғур (қашқарлик) маҳаллий “уйғур ячейкаси”га мурожаат қилиб, яшаш учун рухсат сўраган. Вужудга келган муаммони туман ёки шаҳар ижроқўми ҳал этиб, муҳожирларни маҳаллий аҳоли рўйхатига киритиб борган³.

Кўчиб ўтаётган уйғурларнинг барчаси Андижон орқали ўтганлиги сабаб йўл-йўлакай ўрнашиб қолаверган. Шу тарзда водийда уйғур аҳоли сони ортиб, янги пайдо бўлган қишлоқ ва маҳаллалар кенгайиб борган. С.С. Губаева Фарғона водийси аҳолисининг этник таркибини топономик материаллар асосида таҳлил этар экан, жуда кўп қишлоқлар номи этнонимлардан ташкил топганлигини кўрсатиб ўтади⁴.

Дарҳақиқат, узоқ давом этган этник ва миграцион жараёнлар натижасида XX аср ўрталарига келиб, Фарғона водийси аҳолисининг этник таркиби анча мураккаб кўринишга келади, шу жиҳатдан водий шаҳарлари ўзининг этник ранг-баранглиги билан бошқалардан ажралиб туради. Бу даврда водий аҳолисининг 98 фоизини ўзбеклар, қирғизлар, тожиклар ташкил қилса, уйғурлар, қорақалпоқлар, руслар, татарлар ва сон жиҳатдан унча кўп бўлмаган бошқа халқлар ҳам истиқомат қила бошлаган⁵. 1926 йилдаги аҳолининг умумий рўйха-

¹ Исхаков Г.М., Решетов А.М., Седловская А.Н. Современные этнические процессы у советских уйгуров // Этнические процессы у национальных групп Средней Азии и Казахстана. – М., 1980. – С.75.

² Андижон вилоят давлат архиви. 59-фонд, 1-рўйхат, 85-йиғма жилд. 47–70-в.

³ Андижон вилоят давлат архиви. Ф-59, 1-р, 85-иш. 70-в.

⁴ Губаева С.С. Этнический состав населения... – С.17–28.

⁵ Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2005. – Б.9.

тида уйғурлар нуфузи 10 мингга яқин кўрсатилади¹. 1959 йил аҳоли умумий рўхатида уларнинг сони 19.377 деб қайд этилади².

Фарғона водийсининг икки йирик вилоятлари Ўш ва Андижонда уйғурлар зичлиги жиҳатидан бошқаларга нисбатан юқори ҳисобланади. Ўш вилоятида қирғиз, ўзбек, уйғур, Андижонда эса ўзбеклардан кейин уйғурлар салмоқли ўринни эгаллайди³. Уйғур аҳолининг катта оқим билан кўчиб келиши натижасида тадқиқотчи И.В. Захарова қайд этганидек, Ўзбекистон ҳудудида қирқдан ортиқ уйғурлар зич яшайдиган қишлоқлар вужудга келган⁴. Тошкент шаҳрида ҳам уйғурлар кўпчиликини ташкил қилиб, шаҳарнинг маркази Ўрда маҳалласида зич ўрнашган. 1966 йил Тошкент зилзиласига қадар бу мавзе “Қашқар маҳалла” деб аталган⁵. Ўзбекистон миқёсида Фарғона водийсидан кейин улар 1959 йил аҳоли рўйхатида 0,3 фоизни ташкил этган бўлсалар, 1979 йилга келиб уйғурлар шаҳар аҳолисининг 0,5 фоизини ташкил этган⁶.

Хуллас, олиб борилган тадқиқотлар натижасида, Фарғона водийси ҳудудининг биргина ўзида уйғурлар юқорида қайд этилганидан анча кўплиги аниқланди. Аксарият қишлоқлар Қашқар, Уйғур каби этник ном билан боғлиқ бўлса, бошқалари Эскилик, Дўлон, Отиш, Султонтепа, Хўтанариқ, Қўштепа каби номланганлари учрайди. Аммо, бир қанча уйғур маҳаллалари номлари совет тузуми мафқурасига мос тарзда ўз-

¹ Всесоюзная перепись населения 1926 года. Ч.ХV. Народность, Родной язык. Возраст. Грамотность. – М.: Издание ЦСУ Союза ССР, 1928. – С.22–90.

² Итоги Всесоюзной переписи населения 1959 года. Узбекская ССР. – М.: Госполитиздат, 1962. – С.198.

³ Винников В.Р. Современное расселение народов и этнографических групп в Ферганской долине // СЭС. Т.И. – М., 1959. – С.385–391.

⁴ Захарова И.В. Материальная культура уйгуров Советского Союза... – С.215.

⁵ Хўжаев А. Марказий Осиё тарихига оид маълумотлар... – Б.269.

⁶ Этнокультурные процессы в современном полиэтническом городе (на материалах Ташкента). – Т., 2011. – С.13–15.

гартирилди. Масалан, Рўзиохун гузари – Бирлашган кўчаси, Эскилик – Парковая каби ўзгартирилган. Водий топонимикасида Қашқардаги жой номларининг такрорланиши учрайди, яна шундай ҳолатлар учрайдики, илгари уйғурлар яшаган кейинроқ аралашган ёки умуман маҳаллий массивига айланиб кетган жойларда ҳам “уйғур” номи сақланиб қолган. Умуман қашқарлик муҳожир аҳоли яшаган жойдаги “уйғур” ёки “қашқар” номлари этно-индикатор сифатида мавжуд. Юқорида кўриб чиқилган ҳудудларда уйғур аҳолининг зич ўрнашагани ўз исботини топди. Бу хусусда уйғур аҳоли билан ўтказилган сўровларда миллатдошлари билан алоқалари ва кўпроқ қаерларда жойлашгани, бундан хабардорлигини ўрганиш мақсадида берилган саволларга аксарият ахборотчилар Андижонда деб жавоб берди.

Уйғурларнинг кўчиб келиши Фарғона водийсининг баъзи ҳудудларида жой номларининг ўзгаришига ҳамда янги аталарнинг пайдо бўлишига, умуман водий топонимикасига таъсир кўрсатди. Шунингдек, янги ерларнинг ўзлаштирилишига, ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётига таъсир кўрсатган.

Мазкур қисм бўйича қуйидаги хулосаларни баён этиш мумкин:

XIX аср ўрталарида Кўқон хонлигининг яқин кўшнисини бўлган Шарқий Туркистон ҳудудида хитойлик босқинчиларга қарши мусулмон аҳолининг озодлик ҳаракатлари кучаяди. Хитой ҳукуматининг ҳар қандай қўллаган чоралари натижасиз бўлди. Иқтисодий қийинчилик, сиёсий нотинчлик сабабли кўплаб шарқий туркистонлик аҳоли оилалари, қариндош-уруғлари билан бирга ўзларига илгаридан маълум бўлган ҳамда ҳудудий жиҳатдан яқинроқ кўринган Фарғона водийси ҳудудларига кўчиб кета бошлайди. “Оммавий тус олган миграция”га таъсир этган жиддий сиёсий воқеалар қуйидагилар:

– “Оммавий тус олган миграция”нинг дастлабки босқичида яъни, 1840–1860 йиллар оралиғида қашқарлик хўжалар бошчилигидаги қўзғолонлар муваффақиятсизлиги натижа-

сида, асосан, Қашқар хўжаларига кўшилиб, шарқий туркистонлик уйғурларнинг кўчиши бошланган.

– Йирик оқимдаги миграциянинг юзага келган даври 1864–1878 йиллари уйғур аҳоли гуруҳ-гуруҳ бўлиб Фарғона водийсига кўчиб ўтган. Бундай қочоқлар оқимининг кўпайишига 1864 йил Қашқарда юз берган кўзғолон, Ёқуббек давлатининг қулаши жиддий таъсир кўрсатган.

– Оммавий миграциянинг учинчи босқич даври 1880–1920 йиллар бўлиб, 1881 йил 12 февралда Рус–Хитой ҳукуматлари ўртасидаги “Петербург” шартномасининг имзоланиши натижасида кўплаб аҳоли Фарғона водийсига кўчиб ўтади;

– Оммавий характердаги миграция 1954–1962 йилларда амалга оширилиб, Марказий Осиё ҳудудларига 350 мингга яқин одам кўчирилган бўлса, уларнинг қарийб 10 мингдан ортиғи Фарғона водийси ҳудудларига кўчиб ўтишни маъқул кўрганлар.

Шу ўринда уйғурларни ўз Ватанларини ташлаб кетишларининг сабаблари тавсифи:

– Шарқий Туркистон ҳудудининг хитой-манжурлари томонидан босиб олиниши ва ундан кейинги шафқатсиз сиёсат ҳамда халқнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маънавий жиҳатдан турмушининг оғирлиги, ўлка аҳолисининг камбағаллиги, қашшоқ турмуши, деҳқончилик учун ери етишмаслиги сабаб кўплаб уйғурларнинг мардикорликка ёлланиб кетиши;

– Шарқий Туркистон ўлкасидаги икки диний гуруҳнинг ўзаро кураши ва хитой босқинидан аввалроқ бошланган хўжаларнинг муҳожирлиги ҳокимиятни эгаллаш учун олиб борилган курашнинг кескинлашуви оқибати бўлди. Мазкур давр муҳожирлигига сабаб диний омил эди;

– Миграциянинг сабаблари 1864 йилдан кейинги хитойликлар экспанцияси, мусулмон аҳолини тазйиққа олиниши, солиқ ва бошқа тўловларнинг ҳаддан зиёд оширилиши, жабр-зулмнинг кучайиши;

– 1902 йилги Қашқарда юз берган даҳшатли зилзила оқибатлари натижасида уйғурларнинг нажот излаб Фарғона

водийсига қочишига ҳам азалий дўстона муносабатлар асос бўлган.

Хуллас, ўтган асрнинг 60-йилларига қадар кўчишлар давом этган. Миграциянинг охириги босқичларида эса икки давлат ҳукуматлари келишуви асосида яна минглаб уйғурлар Қозоғистон ва Ўзбекистон ҳудудларига кўчиб ўтган. Кўчиб ўтган уйғур аҳолининг сони салмоқли қисмни ташкил этган эди. Шарқий Туркистон уйғурларининг иқтисодий ва сиёсий сабаблар билан Ўрта Осиёга миграцияси, уларни миллат сифатида босқинчилар томонидан камситилиши, зўравонлиги, шафқатсизлиги ва қирғинидан асраб қолди. Уйғурларнинг Фарғона водийсига оммавий равишда кўчиб келиши натижасида водийдаги жой номлари ўзгариб, янги этнопонимлар пайдо бўлган. Қолаверса, уйғурларнинг миграцияси туфайли водийда янги ерларни ўзлаштирилишига, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётга ҳам сезиларли таъсир қилган. Шундай қилиб, уйғурларнинг кўплаб кўчиб келиши натижасида юртимизда кўпсонли уйғур диаспораси шаклланди.

II БОБ

АНЪАНАВИЙ МОДДИЙ МАДАНИЯТДАГИ ЭТНИК ВА УМУММИНТАҚАВИЙ ЖИХАТЛАР

II.1.§. Уй-жойларни тиклашдаги минтақавий ва этник хусусиятлар

Анъанавий уй-жойлар моддий ва маънавий маданиятнинг муҳим компоненти бўлиб, халқларнинг кўп асрлик тарихи, миллий менталитети хусусиятлари, оилавий ва ижтимоий муносабатлари характери ўзида акс эттиради. Зеро, анъанавий моддий маданиятда ҳар бир халқнинг этник тарихи, ўзга халқлар билан ўхшаш ёки тафовутли томонлари намоён бўлади¹. Демак, моддий маданият ҳар қандай этник жамоа турмуш тарзининг асосий кўрсаткичидир. Анъанавий моддий маданиятда ҳар бир халқнинг этник тарихи, ўзга халқлар билан ўхшаш ёки тафовутли томонлари, этник тарқоқлик ёки ўз этник ядроси теварагига жипслашув даражаси ҳамда моддий маданиятнинг бир қанча таркибий қисмларига хусусан, уй-жойлар, кийим ва тақинчоқлар, таомлардаги этник ва умумминтақа хусусиятларининг шаклланиб бориш тенденциялари кўзга ташланади. Хусусан, Фарғона водийсида яшовчи уйғурлар моддий маданиятининг ўзига хос жиҳатлари, хусусан, уй-жойлар ва меъморчиликдаги этник хусусиятлар, анъанавий кийимлар ва миллий таомлардаги умуминтақавий жиҳатларнинг шаклланиши этнографик жиҳатдан муҳим ҳисобланади. Айни вақтда таъкидлаш ўринлики, Фарғона водийсининг табиий-географик хусусиятлари бу ҳудудда кечган этник жараёнлардаги локал жиҳатларнинг шаклланишига сезиларли таъсир кўрсатган.

Маълумки, уйғурларнинг XIX асрнинг иккинчи ярмидан

¹ Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар... – Б.88–113.

Фарғона водийсига оммавий равишда кўчиб келиши алоҳида уйғур қишлоқларининг пайдо бўлишига олиб келди. Илгари бир қишлоқда яшаган уйғурлар Фарғона водийсига кўчиб келгандан кейин ҳам ўзаро бир-бирларини қўллаб-қувватлаб, қариндош оилалар, қўни-қўшнилар, ҳамқишлоқлар биргаликда янги манзилгоҳларини барпо эта бошлаганлар. Айниқса, улар Андижон вилоятининг Пахтаобод, Шаҳрихон, Асака, Қўрғонтепа, Олтинкўл ҳамда Андижон шаҳрида зич жойлашган. Шунингдек, Наманган вилоятининг Поп, Норин, Тўрақўрғон туманлари, Наманган шаҳар маркази, Фарғона вилоятининг Қўқон, Марғилон шаҳарлари ва Қува, Ёзёвон туманлари уйғурлар кўп жойлашган ҳудудлар ҳисобланади.

“Фарғона водийси аҳоли манзилгоҳларида, – деб ёзади этнолог олим У.С. Абдуллаев, – асосан икки турдаги уй-жойлар мавжуд бўлган. Биринчи турдагиси ўтроқ аҳоли турмуш тарзига мос бўлиб, ушбу турдаги уй-жойларга нисбатан илмий адабиётларда “доимий”, “кўчмас”, “турғун” каби иборалар, чорвадор халқлар учун хос бўлган иккинчи турдаги уй-жойларга нисбатан эса аксинча “вақтинчалик”, “кўчириладиган”, “кўчма” уй-жойлар сингари атамалар қўллаш қабул қилинган”¹. Бу каби этнографик хусусиятлар аҳолининг уй-жой қурилиши (капа, чайла, хуржун том, тош том, синч том ва бошқа), ундан фойдаланиш (доимий, мавсумий), оила аъзолари ўртасида тақсимланиши (ота уйи ва мулки одатда кенжа ўғилга мерос қолган) ва у билан боғлиқ кўпгина урф-одатларнинг ўзига хос тизими шаклланишига олиб келган. Бу ҳудудда уй-жой қуришнинг қатор ўзига хос хусусиятлари, аввало, ранг-баранг ландшафтлар (тоғ ва тоғ олди, адирлик ва даштлар) ижтимоий-иқтисодий омиллар (ишлаб чиқариш қуроллари ва воситалари билан таъминланганлик даражаси) ҳамда этник анъаналарга боғлиқ ҳолда ривожланган.

Уйғурлар дастлаб Фарғона водийсида Қорадарё ва Тентаксой оралиғидаги ботқоқ ерларни ўзлаштириб, *хутор*, *овул* кўринишидаги мавсумий манзилгоҳларини барпо эт-

¹ Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар... – Б.90.

ганлар. Дарҳақиқат, тадқиқотчиларнинг қайд этишича, Фарғона водийсида ертўлалар эндигина ўтроқлашаётган камбағал аҳоли орасида ҳам кенг тарқалган¹. Бу жойда улар *капа, чайла, олачиқ, ертўла* каби вақтинчалик ва мавсумий уй-жойларда истиқомат қилиб, кейинчалик ўзларининг доимий уй-жойлари ва ўтроқ қишлоқларини (Қашқаргузар (ҳозирги Уйғуробод), Озоҳ (Озод), Жангал (Жанжал), Қовул, Пушмон, Шовруқ, Тўққизоқ, Сунтоқ, Тоғлик, Дўлан, Қўштепа, Оқшоҳ, Пайноб, Тўкў, Дўнгқишлоқ, Тахтақўприк, Ортиш, Чангот, Ғузо каби) бунёд этганлар². Уйғурларда бу каби мавсумий ва доимий ўтроқ манзилгоҳлар ҳамда уй-жойларнинг қурилиши этнолог олим У.С. Абдуллаев таъбири билан айтганда, “кўп жиҳатдан иқтисодий ва табиий-географик омилга боғлиқ бўлган”³.

XIX асрнинг иккинчи ярмида кўчиб келган уйғурлар жамоанинг кексалари, оқсоқоллар етакчилигида бу ҳудудда, яъни Тентаксой атрофида янги ерлар ўзлаштиришган. Ахборотчиларнинг маълумотларига кўра, аҳоли сайхон, ботқоқ ерларни қуритиш учун тош ва тупроқ ташиб келишган. Сиддиқ Чаққон, Боқи Охунд, Мулла Раҳмон каби кекса қашқарликлар томонидан бўлғуси қишлоқ режаси тузилиб, ҳар бир кўчиб келган оилага ишлаш ва уй-жой қуриш учун ер ажратиб берилган⁴.

Дастлаб, кўчиб келган аҳолининг уй-жой қуриш учун имконияти бўлмаган. Аҳолининг кўпчилиги иссиқ кунларда капа тиклаб, совуқда эса ертўлаларда яшаган. Уйғур қишлоқлари-

¹ Ўзбекистон ҳудудида анъанавий этнослараро жараёнлар. – Т.: Yangi nashr, 2011. – Б.83.

² Уйғурлар ташкил этган янги қишлоқларнинг аксариятини илгари Шарқий Туркистонда ўзлари яшаган қишлоқ ва маҳаллалар номи билан атаганлар. Қаранг: Губаева С.С. Этнический состав населения Ферганы в конце XIX – начале XX в. (по данным топонимии). – Т., 1983. – С.86.

³ Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар... – Б.91.

⁴ Қўлдош Жўра. Мустақиллик нури билан (Пахтаобод тумани тарихи). – Андижон, 1996. – Б.8.

да олиб борилган дала этнографик тадқиқотлари натижалари ҳам бунини исботлаб турибди. Масалан, Пахтаобод тумани Уйғуробод қишлоғида яшовчи Раҳмонова Тўхтаҳон аянинг гувоҳлик беришича: “Бутун оила, қариндошлар, амакилар биргаликда зарур буюмларини аравага юклаб, шу ер (ҳозирги Пахтаобод тумани Уйғуробод қишлоғи – Г.В.)ларга кўчиб келган. Баҳорда, кунлар исиши билан кўчиб келган аҳоли тўртта оила учун қапа тиклаб яшашган. Одатда, капалар ёғоч, қамиш, енгил шох-шаббалардан қурилган”. Яна бошқа ахборотчи, Андижон шаҳри Эскилик маҳалласида яшовчи Тоипов Ғиложиддиннинг айтишича, “... кўчиб келганимизда шаҳар четидаги ерда ота-онам, акаларим деҳқончилик қилишган ва шу ерга яқин давлат хўжалигида ишлашган. Кунлар иссиқ бўлганидан қапа қуриб, рўзғор буюмларимизни жойлаштириб шу ерда яшаганмиз. Деҳқончилик ишлари тугаб, ҳаво совиб кетганда Андижон шаҳридаги отамнинг қариндошлари яшайдиган маҳаллага, ҳозирги Чорғузар (ҳозирги “Уйғуробод” МФЙ)га келиб қиш тугагунга қадар яшаб қолганмиз” деб хотирлади.

Уйғурлар жойлашган ҳудудлар мунтазам ўзлаштирилиши натижасида ўтроқ деҳқончилик хўжалигининг аҳамияти тобора ортиб борди. Улар табиий-иқтисодий шароитлардан келиб чиқиб, суғорма деҳқончилик, кўра-яйлов ва яйлов чорвачилиги билан баравар шуғуллана бошладилар. Бу ҳолат уй-жой, хўжалик иншоотлари қурилишининг (молхона, сомонхона) такомиллаштирилишида, дала-боғларнинг эса девор билан ўраб олиниши ҳамда қишлоқларнинг кўкаламзорлаштирилишида ҳам кузатилади.

Дала-этнографик кузатишлардан маълум бўладикки, уйғурларнинг қишлоқлари ўзига хос тарзда кўкаламзорлаштирилган. Кўчанинг икки тарафида ариқлар бўйлаб тол, терак, қайрағоч, тут дарахтлари экилган. Баъзида нисбатан торроқ кўчанинг икки томони бўйлаб экилган дарахтлар ўзига хос арка (ровоқ) кўринишини олган. Маҳаллалардаги уй-жойлар ва хўжалик иншоотлари бир-бирига уланиб кетган. Кўча бўйлаб баланд пахса деворлар кишиларнинг ҳовли ва томорқа

ерларини ажратиб турган. Томорқа ҳисобланган боғ ва полиз ерлари ҳовли ортида жойлашган.

Ҳовли ичида барча уйғурларга хос жиҳатлардан бири гулзорнинг мавжудлигидир. Албатта, бу ҳолат улар гулларни яхши кўриши ва ажойиб тарзда парвариш қилиши билан боғлиқ. Гуллар ҳовли ўртасида шийпонча олдида жўякларга қатор қилиб экилган. Улар *қашқаргул, қўқонгул, атиргул, гултожихўроз, райҳон, хинагул* ва бошқа манзарали гулларни етиштирганлар. Таъкидлаб ўтиш жоизки, Қозоғистондаги уйғурлар ҳам шийпонча ёнига манзарали ва соя-салқин бўлиши учун “қовоққади” экишган. У жадал ўсиб томгача етиб борган ва шийпончани қуёшнинг тик нуридан тўсган.

Қишлоқларда анъанавийликни сақлашга катта аҳамият берилади. Хусусан, Дўлан қишлоқ аҳолиси қадимда ва ҳозирда ҳам тандирни ҳовлининг саҳни қисми рўпарасида қурган. Бу орқали улар ризқ-рўз манбаи сифатида тандирни эътиборли ва эъзозли жойда қурилиши керак деб ҳисоблайди. Этнолог олим И.М. Хўжахонов “Тошкент вилояти “Қутб Юлдузи” маҳалласида уйғурларнинг уй-жойларни қурилиши ва тарҳида анъанавий усуллар сақланиб келади. Қашқарча айвон, мўри ўчоқ ва кан деб номланувчи иситиш тизими, уйни турли парда, кашта туширилган сочиқлар билан безатилиши ва ҳовлининг маълум қисми гулзор қилиниши ҳам уйғурларнинг миллий анъаналаридан ҳисобланади”,¹ – деб маълумот беради.

Жамоат бинолари (масжид) ва маиший иншоотлар (бозор, хунармандчилик дўконлари, сартарошхона, тегирмон, жувоз) вазифаларига қараб уй-жойлар қурилишидан анчагина фарқ қилган. Хусусан, Андижон шаҳри Эскилик маҳалласида XIX аср охирларида уйғурлар томонидан қурилган масжид анча баландлиги ва безаклари билан ажралиб турган.

Фарғона водийси уйғурларининг уй қурилиши техника-

¹ Хўжахонов И.М. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон уйғурлари этномаданий идентиклиги тараққиётининг айрим жиҳатлари // Ўзбекистон ҳудудида миллатлараро муносабатлар. – Т., 2014. – Б.142–151.

си, режаси ва тарҳи Қозоғистон уйғурларининг уйларидан кескин фарқ қилади. Андижонлик ва Ўшлик уйғурларнинг эътироф этишларича, уларнинг уй-жой қуриш билан боғлиқ аксарият анъаналари ва у билан боғлиқ атамалар қўшни ўзбеклардан ўзлашган. Албатта, бу ўзлаштирилган маҳаллий анъаналар миллий хусусиятлар билан уйғунлашиб борди.

Фарғона водийси уйғурларининг тураржойлари ва хўжалик бинолари кўчадан ажратиб турувчи баланд девор билан ўраб олинган. Ҳовли ичига киришдаги деворга эшик ёки дарвоза ўрнатилган бўлиб, айрим хонадонларда эса ҳовлининг ички томони кўзга ташланмаслиги учун ҳовли девордан кўча томонга бир оз чиқиб турувчи девор билан ўралган алоҳида дарвозахона (айримлари томи ёпилган) ҳам қурилган. Қозоғистон уйғурларидан фарқли равишда эшик ва деразалар кўча тарафга эмас, балки ҳовли ичида жойлашган¹. Шунинг учун, одатда, бу ердаги уйлар пастқам девор билан ўраб олинган ҳовли деворининг ичкарасида жойлашган. Барча эшик ва деразалар уйнинг бир узун девори бўйлаб усти ёпиқ йўлак – айвонда жойлашган. Уйдан ташқари унинг давомидан ҳовлида ёрдамчи – хўжалик бинолари ҳам қурилган. Боғда уйнинг қарама-қаршисида томи икки томонга нишаб қилиб ёпилган кичикроқ тўртбурчак хона – шийпонча (болахона) жойлашган ва у баланд устунлар билан кўтарилган ҳамда ёғоч ёки ёғочли панжара билан ўраб олинган. Унинг ичида тахтасупа (парна, супа) жойлашган. Баъзида шийпончанинг пастки қисми ёғоч билан ёпилган бўлиб, у яримертўла – омборхона вазифасини, устки қисми эса супа вазифасини ўтаган. Шийпонча айрим хонадонларда фақатгина устунлар билан кўтарилган усти ёпиқ иншоотдан иборат бўлган. Яшайдиган хоналар ҳовлининг олд қисмига қаратиб қурилган.

Одатда уйлар икки-уч хонали бўлган. Кўпхонали уйлар алоҳида иншоот тарзида қурилиб, айвон (*чуқур айвон*) бўйлаб жойлашган. Ўш вилоятида баъзида бошқачароқ типдаги уйлар ҳам жойлашган. Улар тўрт хонадан иборат бўлиб, режаси квадрат шаклни ташкил этган. Бир хонаси очиқ, яъни

¹ Уйгуры // Народы Средней Азии и Казахстана... – С.504.

айвон ёки *чуқур айвон* шаклида қурилган. Айвоннинг бир томонида лой супа жойлашган¹.

Фарғона водийси ва Шарқий Туркистон аҳолисининг хўжалиги, асосий машғулоти ва моддий маданияти ҳам бир-биридан айтарли фарқ қилмаган. Шу жумладан, моддий маданиятнинг ажралмас қисми ҳисобланган уй-жой қурилишида ҳам кўплаб ўхшашликлар шаклланиб борган. Дарҳақиқат, Фарғона водийсининг йирик маданий марказлари Қўқон, Марғилон, Қува, Наманган, Андижон, Ўш шаҳарлари анъанавий меъморчилигида айни ўхшашликни кузатиш мумкин. Уй-жой қурилишида ишлатиладиган материаллар ҳам бир хил. Бу хусусда У. Абдуллаев таъкидлаганидек, бу икки минтақа халқларининг узоқ асрлик ўзаро иқтисодий-маданий алоқалари натижасида уй-жойларни тиклаш ва жиҳозлашда кўплаб умумийликлар шаклланиб борган². Яъни, ҳар икки минтақа аҳолисининг тураржойлари пахса девор ёки гувала деворлар билан ўралган. Ёғочли, айниқса синчли уйлар бу минтақада кўп тарқалган³. Фарғона водийси меъморчилигида илгари ҳам Қашқарга хос анъаналар маълум эди. Кўпсонли уйғурларнинг бу ҳудудда жойлашиши натижасида, меъморчиликнинг Фарғона ва Қашқарга хос анъаналари минтақада уйғунлашиб ўзига хос нафис ечимларни шакллантирди. Фарғона водийси ва Шарқий Туркистон аҳолисининг уй-жой тиклаш ва жиҳозлашда намоён бўладиган ўхшашликлар қарор топишини қуйидаги икки ҳолатда кўриш мумкин:

Биринчидан, кўплаб уйғур усталари, хусусан, қашқарлик уста Мулло Обиднинг ўғил ва набиралари Қўқон хонлари таклифи билан Ўрда қурилишида фаол қатнашган⁴. Шу ўринда, Андижондаги Жоме масжиди қурилишидаги айрим

¹ Ўша манба... – 505 б.

² Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар... – Б.84.

³ Воронина В.Л. Старые жилые дома Ферганы // Архитектура СССР. – М., 1940. – №3. – С.46.

⁴ Писарчик А.К. Строительные материалы и конструктивные приемы и народных мастеров Ферганской долины в XIX – начале XX в // СЭС. – М., 1954. – С.219.

жиҳатлар, ҳашаматли пешайвон “қашқарча” услубни эслатиши бежиз эмас.

Иккинчидан, “қашқарча” деб номланган услуб водий шарт-шароитларига ҳам мос, бежирим, нақшинкор ҳашамдорлиги билан эътибор тортган.

Уй-жой қурилишида иқлим, географик шарт-шароит, иқтисодий омилларнинг аҳамияти катта, албатта. Қашқар ўлкасининг ўтган аср ижтимоий-иқтисодий шароитларига мос тарзда шаклланган меъморчилик анъаналари водий аҳолисининг уй-жой қурилиши тартиблари билан уйғунлаша бошлади. Бу даврларда маҳаллий аҳоли орасида энг кўп учрайдиган уй типларидан бири – бу катта уй ва у билан ёнма-ён жойлашган даҳлиздан иборат уйлар кўп учраган. Бу кўринишдаги уйларда даҳлиз, одатда, ошхона вазифасини ҳам бажарган ва шу жиҳати, қулайлиги билан оммалашган. Шунга кўра, бу хонада мўри-ўчоқ қурилиб, барча ошхона анжомлари шу хонада турган. Катта уй эса бир вақтнинг ўзида меҳмон кутадиган ва оила аъзоларининг ҳам дам оладиган, ухлайдиган хонаси вазифаларини ўтаган. Олди томони айвонли, икки эшикли бир хонали уйлар ҳам XIX–XX аср бошларидаги энг кўп тарқалган уй-жой вариантларидан ҳисобланади. Водийда бундай уйлар “пешайвонли” уйлар деб аталган. Уйлар, одатда, жанубга қаратиб қурилган бўлиб¹, айвон хариси ўртасига устун ўрнатиш одати эса Андижонда кенг тарқалган эди².

Янгидан барпо этилган қишлоқларда бир-бирига яқин икки хонали, олди қисмини айвонли қуриш водийда ушбу даврда анча урф бўлди. Бундай кўринишдаги уйлар водий иқлимига хос бўлиб, қишда ҳам ёзда ҳам қулай бўлишини таъминлаган³. “Қашқарча” услубнинг машҳур бўлиши ўзига

¹ Шаниязов К.Ш., Исмаилов Х.И. Этнографические очерки материальной культуры узбеков... – С.45.

² Воронина В.Л. Заметки по народному зодчеству таджиков бассейна Зарафшана // СЭ. 1953. – №9. – С.178.

³ Воронина В.Л. Узбекские народные жилище // СЭ. 1949. – №2. – С.46.

хослиги: уйнинг олди томони симметрик бирлашганлиги ҳамда айвоннинг бир томонига супа қурилганлигида эди¹. Кейинчалик “қашқарча айвон”ли уйларнинг айвон қисмини ром билан ёпиш анча урфга айланиб², бундай кўринишдаги уйларни уйғурлар “равон” (ром) деб аташган. XIX аср охири – XX аср бошларида Тошкентда “қашқарча” услубда қурилган уйлар жуда кўп бўлган.

“Қашқарча” услубда иморат қуришнинг оммалашиб боришининг сабабларидан яна бири – бу Фарғона водийси қишлоқлардаги “катта уста”лар кўпчилигининг асл келиб чиқиши Қашқардан бўлганлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Дала тадқиқотларида Фарғона вилояти Кува тумани Қашқар қишлоғида яшовчи ахборотчи А. Солиевнинг айтишича, “... қишлоқда катта уста Абдувоид қашқарлик билан маслаҳатлашиб иморат режаси тузилган”. Уста бутун туманда машҳур бўлган.

Лойиҳалаштириш жиҳатидан иқтисодий тежамкорлик ва қулай шарт-шароитни яратиши мумкин бўлган “қашқарча айвон”лар водийнинг сейсмик ҳолатига нобпроқ эканлиги сезила бошлади. Яъни, очиқ (ёки ёпиқ) айвонни фақат тўртта (айримларида иккита) устун билан қурилган. Энг кўп тарқалган икки хонали уй вариантларидан яна бири сифатида даҳлиз ва катта уйдан иборат бўлган хоналарни кўрсатиш мумкин. Бундай уй-жойлар, одатда, олди томонига айвон ёки умуман айвонсиз кўринишларда қурилган.

Зилзила, қаттиқ шамол пайтида кўпинча мустаҳкам бўлмаган айвон қисми шикастланган. Кейинчалик услубнинг бироз такомиллашиши кузатилади. Андижонда бундай кўринишдаги айвон синч билан мустаҳкамлаб қурила бошлади. Ярим синчли равонлар энди гувала, пахса ёрдамида мустаҳкамланиб, хонанинг том қисмига “*вассажуфт*” (қамиш

¹ Каримова Р. Традиционные художественные ремесла и промыслы уйгуров... – С.143; Абдуллаев У.С. Отражение межэтнических связей в материальной культуре народов Ферганской долины в конце XIX–XX века // Ўзбекистон тарихи. – Т., 1999. – №4. – Б.64.

² Народы Средней Азии и Казахстана. Т.І. – М., 1962. – С.282.

тўқима) тўшаб, устидан лой босиб чиқилган. Бу кўринишдаги “қашқарча айвон”лар кенг тарқалган. Кўтарма дераза ва панжаралар билан ўралган “қашқарча айвон” Фарғона водийси ва Тошкент воҳасида айниқса кўп тарқалган. Равонни, уй пештоқини нақшинкор безаклар билан ишлаш маҳаллий ва уйғур усталари орасида кўпайди. Бундай уйлар Фарғонага хос шифт, устун ва бошқа элементларда нақшинкорлик маҳорати, халқ амалий санъатининг ўзгача хусусиятларини намоён қила бошлади¹. Бу даврдан хона пештоқини ўйма нақшлар билан безатиш анча оммалашган. Баъзан нақш безаклари икки қаторли, “қўшнаво” усулида ҳам бўлган. Урфга кирган “қашқарча айвон”ни водийнинг деярли ҳар бир хонадонидан топиш мумкин эди.

“Қашқарча мўри-ўчоқ” элементлари айниқса, Фарғона водийсида кенг тарқалди. Овқат тайёрлаш ва айни пайтда уйни иситиш учун ҳам қулай бўлган мўри ўчоқлар маҳаллий усталар томонидан ўзлаштирилган. Маълумки, водий халқлари қадимдан хонадаги мўриларга ҳам гўзаллик ато қилишга ҳаракат қилишган. Улар бир-биридан тарҳининг айлана бўлишида, очиқ қисми равоқ, учбурчак, ярим айлана шаклида тузилиши, устки қисми гумбаз, текис юза шаклида ёпилиши билан фарқ қилган. Баъзан токчабанд мўрилар ҳам учрайди². Қашқарча усулдаги мўри қуриш кенг тарқалган бўлса-да, водийда бу борада қатъий қоидалар шаклланган. Энг муҳим тартиб, бу хона деворининг ўнг томони ичига мўри-ўчоқ қурилиши эди.

Фарғона водийсида мўри-ўчоқларнинг уч хили, яъни “гумбазлик”, “қашқарча” ва “нўғайча” турлари кенг тарқалиб, энг оммалашгани “қашқарча мўри” ҳисобланарди. Ўчоқ қисмида деярли фарқ кўринмаса-да, мўрининг шифтга қадар бўлган қисмининг кўриниши ва функциясига алоҳида эътибор қаратилган. Ўзининг тузилиши жиҳатидан “қашқарча мўри”

¹ Аҳмедов М. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – Б.91.

² Нозилов Д. Марказий Осиё меморчилигида интерьер. – Т.: Фан, 2005. – Б.93.

учбурчак шаклдаги олд деворчаси усти текис ёпилиб, очиқ қисми оддий равоқ кўринишига эга бўлган¹. Бундай мўри ва ўчоқлар водийда яшовчи ўтроқ аҳоли уйларини иситишда фойдаланиладиган ўчоқлар билан тузилиши жиҳатидан катта фарқи бўлмаган, деярли ўхшаш эди.

Дала тадқиқотлари давомида ахборотчиларнинг берган маълумотлари аҳамияти катта. Марғилонлик Турсунбой Абдусатторовнинг таъкидлашича, ўчоқни уйғурлар икки қисмга ажратганлар, “ланғза” (пастки) қисмида олов ёкилиб, устига темир панжара тўшалган. “Кўшанг (тепа) қисмига човгум ёки қозон қўйилган. Овқат тайёрлаш ва айна пайтда уйни иситиш учун ҳам қулай бўлган мўри ўчоқлар кўпинча уйнинг даҳлиз қисмига қурилган. Бундай уйларда даҳлиз, одатда ошхона вазифасини ўтаган. Шунинг учун бу хонада мўри-ўчоқ қурилган бўлиб, барча ошхона анжомлари шу хонада турган. Катта уй бир вақтнинг ўзида оила аъзоларининг ётиб дам оладиган, меҳмон кутадиган ва кундалик машғулотлари билан шуғулланидиган асосий хона вазифасини ўтаган.

Сандал ўзбек хонадонларида интерьер ва қулайлик сифатида алоҳида эътиборга лойиқ. Айниқса, катта хоналарни иситишда сандалдан кенг фойдаланилган. Фарғона водийси аҳолиси томонидан кенг фойдаланилган сандал қишки иситиш воситаси ҳисобланган. Катта хона сандал ёрдамида, даҳлиз эса ўчоқ ёрдамида иситиларди². Илгари сандалдан фойдаланмаган уйғурлар водийнинг маҳаллий анъаналарига мос равишда меҳмонхона ёки каттароқ хонани иситиш учун сандал қура бошлаганлар³.

Фарғона водийсига кўчиб келиб ўз қишлоқ ва маҳал-

¹ Писарчик А.К. Традиционные способы отопления жилищ оседлого населения Средней Азии в XIX–XX вв. // Жилище народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1982. – С.88.

² www.etnomuseum.ru/section69 // Традиционное жилище в Средней Азии.

³ Воронина В.Л. Жилище народов Средней Азии и климат / Жилище народов Средней Азии и Казахстана. – М., 1982. – С.100; Народы Средней Азии и Казахстана. Т.I. – М., 1962. – С.282.

лаларига асос солиб яшай бошлаган уйғурлар шубҳасиз, маҳаллий аҳоли меъморчилик маданиятининг айрим хусусиятларини ўзлаштирганлар. Хусусан, Шарқий Туркистонда яшаган уйғурлар учун ҳовлини “ичкари” ва “ташқари”га бўлиш одат бўлмаган. Бироқ, водийнинг маҳаллий аҳолиси, асосан ўзбеклар таъсирида яшай бошлаган уйғурлар ўз хонадонларида “ичкари” (ичқилик) ва “ташқи” (ташқилик) қисмга бўлишни бошлаганлар¹. Ер жойнинг кенглиги ҳамда маҳаллий муҳит таъсирида айрим нисбатан бадавлат уйғур хонадонлари ҳовлини икки қисмга ажрата бошлаган. Уйнинг ички қисмида бир ёки икки қаватли токча ва тахмонлар ажратилиб, улар турли идиш ва бошқа буюмлар билан тўлдирилган. Ҳар бир мусулмон хонадониди тахмонлар орасида меҳроб бўлган. Одатга кўра, меҳроб қибла томондан очилган. Кўрпа, ёстиқ шу меҳроб орасига тахланган. Деворга гилам, палак, ёки сўзана, яна кўплаб уйғур оилаларида “қашқар рубоб” осиб қўйилгани кузатилади.

Хуллас, уйғур аҳоли ўз уй-жойларини водий меъморчилик анъаналари ва шароитларига мос тарзда режали асосда қурган. Ўтган асрнинг 70-йилларидан уйғур хонадонлари уй томларини шифер билан ёпа бошлаган шу даврдан бошлаб пахсали уйлар йўқолиб, асосан қишлоқларда синчли ва гувалали иморат қуриш оммалашди. Ҳовли-жой дарвозахона, меҳмонхона, болахона, омборхона, оғилхона каби қисмларга ажратилган. Водийнинг айрим ҳудудларида, хусусан уйғур қишлоқларида меҳмонхона “катта уй” деб ноанъанавий номланиш бошланган. Уйнинг интерьер ва жиҳозлари ҳам деярли ўхшаш бўлиб, албатта, “қашқарча мўри”, сандал қуриш анъанага айланган. Бой уйғурлар хонадонларда деворга гилам, бошқаларда эса палак осиб безатиш урф эди. Фарғона водийсининг уйғур қишлоқлари меъморчилигида ҳамон “қашқарча айвон”ли уйлар урфдан чиқмаган. Замонавий элементлар билан бойиб бормоқда. Бугунги кунда ҳам аҳоли уй-жой қурилиши, ундан фойдаланишда замонавий услублар

¹ Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар... – Б.84; Воронина В. Жилище народов Средней Азии и климат... – С.100.

билан уйғун бўлган анъанавий-миллий композициялардан кенг фойдаланиб келинади.

Шунингдек, анъанавий уй-жойлар ва унинг интерьерери миллий мерос сифатида сақланиб қолган. Айниқса, тўй маросимлари, оммавий байрам ва сайилларни ўтказишда уй-ғурларга хос бўлган анъанавий уй-жой композицияларидан фойдаланилади. Фарғона водийси уйғурларининг анъанавий уй-жойлари ва у билан боғлиқ урф-одатларида, анъаналарида ўзига хос миллий ва локал кўринишлар замирида умуман водий халқларига хос бўлган жиҳатлар ҳам яққол ажралиб туради.

II.2.5. Миллий кийимлар ва тақинчоқлар трансформацияси

Маълумки, халқ анъанавий кийимлари узоқ давом этган тарихий жараёнларда шаклланиб, халқнинг моддий фаровонлигини акс эттирувчи кўзгу ҳам ҳисобланади. Анъанавий миллий либосларнинг доимий ўзгариб, ривожланиб, такомиллашиб бориши жамиятда кечган ижтимоий-иқтисодий, тарихий-этник жараёнлар билан бевосита боғлиқдир. Анъанавий кийимлар, одатда, эркаклар, аёллар ва болалар кийимлари турларига бўлинган. Кийимлар ижтимоий-иқтисодий шароитларга кўра, ёшига ва мавсумга қараб тикилган. Марказий Осиёда яшовчи халқларнинг анъанавий кийимлари ўзлари яшаб турган географик минтақанинг иқлими, яъни қишининг қуруқ совуқ, ёзнинг жазирама иссиғига мос шаклланиб борган, албатта.

Фарғона водийсига кўчиб келган уйғурлар ҳам бошқа этнослар каби маҳаллий туб жой аҳоли билан этномаданий алоқаларга киришар экан, шубҳасиз, анъаналарини, миллий маданиятнинг асосий жиҳатларини сақлаб қолишга ҳаракат қилганлар. Бироқ ҳамма вақт ҳам минтақа ҳудудига кўчиб келган этник гуруҳлар миллий маданиятига хос бўлган (хусусан, моддий маданиятдаги) жиҳатларни сақлаб қололмаганлар. Фарғона водийси этносларини тадқиқ этган У. Аб-

дуллаевнинг таъкидлашича, “олиб келинган маданият”га хос жиҳатларнинг бир қисми ўша даврлардаёқ маҳаллий аҳоли томонидан қабул қилинмади. Бошқа бир қисми эса, маҳаллий аҳоли маданияти билан аралашиб, охир оқибат унинг таркибига сингиб кетди. Шубҳасиз, бу жараён халқ миллий кийимларида ҳам содир бўлди¹.

Авалло шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, “оммавий миграция” арафасидаёқ шарқий туркистонлик уйғурларнинг анъанавий-миллий кийимларида бир қатор ўзгаришлар ва янгиликлар кузатилиб, бу жараён қуйидаги сабаблар билан боғлиқ бўлиб, ўз навбатида:

– Хитой босқинининг шарқий туркистонликлар кийим-кечакларига таъсир этиши;

– бу даврга келиб уйғур аҳолиси катта қисмининг водий ўзбеклари орасида аралаш яшаб қолишидир.

Шу сабабдан бевосита маҳаллий халқлар таъсирида кийимларда, мато ва тикилиш услубларида ўзгаришлар юз берган. Бироқ, шу билан бир қаторда мазкур уйғурларнинг анъанавий кийимларини ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, бу ҳудуд аҳолисининг кийимлари қанчалик уйғунлашиб бормасин, барибир XIX–XX аср бошларида ҳар бир этник жамоа миллий кийимларида кўплаб этник ва маҳаллий хусусиятлар сақланиб қолган эди. С. Губаева ўз тадқиқотларида уйғурларнинг анъанавий либослари водийда яшовчи ўзбек, қирғиз, тожик, қорақалпоқ ва бошқа туркий этносларга хос бичилиш ва тикилиш услубидан фарқ қилмаганлигини таъкидлаган².

Асосий фарқлар уйғурларнинг кийим-кечакларидаги тасма ва безаклар кийимнинг ёқа, енг, кўкрак қисмларига кўпроқ тикилиши уни бошқалардан ажратиб туриши билан бирга, этник хусусиятларини ҳам қисман намоён қилади. Водий халқлари анъанавий кийимларининг шаклланишига таъсир этган асосий омиллар ичида этнос хўжалик фаолиятининг йўналиши омили етакчи ўрин тутиб, чорвачилик

¹ Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар... – Б.99.

² Губаева С.С. Население Ферганской долины... – С.514.

билан шуғулланувчилар ўтроқлашиб, деҳқончилик билан шуғулланиш тобора ривожланган.

Миллий кийимлар ҳақида сўз кетганда, энг аввало, газлама ва матолар, уларнинг турларига эътибор қаратиш лозим. Аҳоли кийимлари учун ишлатилаётган ип-газлама уй шароитида тайёрланиб, терига ишлов берилган чарм матолардан ҳам фойдаланилган. Қадим замонлардаёқ Шарқий Туркистоннинг Хўтан, Турфон, Қашқар каби шаҳарларидан нафис газлама матолар энг кўп келтирилган ҳудуд Фарғона водийси ҳисобланган. Қашқарда тўқиб тайёрланган матоларнинг 81 фоизи Ўрта Осиёга юборилган¹. Бироқ, қадимий хитой манбаларининг гувоҳлик беришича, “бодэ” (пахта) газмоли Фарғона ҳукмдорлари томонидан Шарқий Цинь сулоласи императорларига жўнатилган².

Тадқиқотларда қайд этилганидек, XIX аср бошларида Қашқардан сурп, сарик, қора, жигарранг бўз матоси Фарғона водийсига ва шимолий қирғизларга кўплаб келтирилган. Ҳунармандчилик буюмларидан ташқари жун ва терига талаб кучли бўлганлиги сабабли Ўрта Осиёга, унинг йирик марказлари ҳисобланган Қўқон ва Тошкентга ҳам олиб келиш бошланган³.

Қашқар бўзи (*даби*), пахтадан хонаки тайёрланган (*баранг*), хитой ипагидан тайёрланган товар (*товар*), ярим ипак ва бироз кўполроқ зарбоф (*парча*), тўқ кўк, йўл-йўл (*лас*) мато водий аҳолиси орасида жуда машҳур бўлган. Қўқон, Марғилон, Наманган, Хўжандда тўқиб тайёрланган Шойи,

¹ Чвырь Л.А. Об изучение художественных ремесл уйгуров... – С.171.

² Литвинский Б.А. Горное дело. Ремесло // Восточный Туркестан в древности и раннем средневековье. – М., 1995. – С.7–91; Матбобоев Б. Қадимги Фарғона аҳолисининг кийим-бошлари тарихига доир (археологик материаллар асосида) // Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. – Т., 2004. – Б.132.

³ Махова Е.И. Некоторые элементы киргизского национального костюма // Костюм народов Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С.219; Forsayth D. Report of a Mission to to Japkaand in 1873. – Calcutta, 1875. – P.490.

шойига ўхшаб тўқилган гулбара, беқасам, олачалар Шарқий Туркистон шаҳарларида анча харидоргир эди¹. Уйғурлар томонидан тўқилган матоларнинг асосий қисми пахтадан бўлиб, Қашқарда эса, парча ва атлас каби қимматбаҳо матолар кўпроқ тўқиб, савдо қилинган. Аёллар учун мўлжалланган байрам либосларини Хўтан, Андижон, Марғилонда тайёрланган ранг-баранг шойилардан тикиш урф бўлган².

Уйғур халқи анъанавий кийимларида икки муҳим жиҳат – мато ва тикилиш услуби ўзига хосликни ифода этган. Эркаклар анъанавий кийимларининг ўзига хослигини безаклар ва ёқада кўпроқ кўриш мумкин. Эркаклар анъанавий кийимлари олди қисми очиқ ёки ёпиқ ҳолатда, енгги кенг ва узун, бўйи тиззадан калтароқ ва тиззадан пастроқ шаклда тикилган. Бундай эркак кўйлаклари тасма билан безатилиб, “*туниканусха*” деб номланган. Кифтаки нусха кўйлаklar хўжалар, тўра ва саидлар орасида кенг тарқалган бўлиб, “муллача” номи билан ҳам аталган³.

Ўрта Осиё халқларининг “туниканусха” бичимидаги анъанавий кийимлари эволюциясини тадқиқ қилган О.А. Сухарева: “Фарғона водийси, Қирғизистон, Шарқий Туркистон ва Помир олди ҳудудларини ўз ичига олган маданий-тарихий ҳудудда яшовчи халқларнинг кийимларидаги табақаланиш (дифференциялашув) жараёни энг аввало, анъанавий кийимлар жинсга қараб ажралганлигида – эркаклар учун олди очиқ ҳолатдаги, хотин-қизлар учун эса олди ёпиқ бичимдаги кўйлак пайдо бўлганлигида”⁴ деб таъкидлайди.

Фарғона водийси ўтроқ аҳолиси кийимларини қиёсий ўр-

¹ Валиханов Ч.Ч. Собр. соч. в 5 томах... – С.202.

² Чвырь Л.А. Уйгуры Восточного Туркестана и соседние народы в конце XIX – начале XX в. – М., 1990. – С.128.

³ Рассудова Р.Я. Сравнительная характеристика мужской одежды населения Ферганско-Ташкентского региона (XIX–XX вв) // Традиционная одежда народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1989. – С.144.

⁴ Сухарева О.А. Опыт анализа покроев традиционной “туникаобразной” среднеазиатской одежды в плане их истории и эволюции // Костюм народов Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С.100.

ганган Р.Я. Рассудованинг таъкидлашича, XIX асрнинг охир-ларига келиб, ушбу нусхадаги кўйлақлар бичимида қатор ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар аввало, кўйлақ бичими калта ва торроқ қилиб тикилишида ҳамда елканинг кўнда-ланг кесими (ёқани) озроқ думалоқлашганида кўринади¹.

Туркистоннинг ҳар икки қисмида эркакларнинг асосий оммалашган кийими “яктак” (йэхтак) ҳисобланган. Айни даврда яктак водийдаги барча аҳолининг асосий устки кийими бўлиб, оқ ва очроқ рангдаги бўз ва сурп матолардан тикилган. Этнолог олим У. Абдуллаевнинг таъкидлашича, XX аср бошларида яктакнинг олд қисмини учбурчак шаклда очиб, белига белбоғ боғлаш русум бўлди. Бу пайтда яктак эркакларнинг ички кийими вазифасини ҳам ўтаган Яна бу даврда эркаклар кўйлақлари ичида “қозоқи ёқа”, “нўғай ёқа” нусхалар ҳам пайдо бўлади. Мазкур кўринишдаги кўйлақлар дастлаб қозоқ ва татарларда урф бўлиб, кейинчалик эса водийнинг маҳаллий халқларида ҳамда уйғурлар орасида оммалашган².

Аёлларнинг кўйлақлари, асосан, ёши ва ижтимоий ҳолатига қараб тикилиб, улар бир-биридан бичими жиҳатидан кам фарқ қилган. Одатда, уйғур аёллари кўйлақлари узун тикилмаган. Бу ҳақида европалик сайёҳ Роберт Ша ҳам қашқарлик аёлларнинг кўйлақлари жуда ҳам узун эмас, шалвори (лозим) озроқ кўриниб турганлигини эсдаликларида қайд этган³.

Бу фикрларни уйғур миллий кийимларини тавсифлаган Исломжон Қосимий ҳам тасдиқлаб, қашқарлик аёллар кўйлаги калтароқ бўлиб, шалворидаги тасмалар кўриниб турган⁴ деб таъкидлайди. Кўпроқ аёллар кийимларига эътибор қаратган тадқиқотчи ҳудудий эмас, балки умумий изоҳ берган.

¹ Рассудова Р.Я. К истории одежды... – С.156.

² Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар... – Б.107.

³ Ша Р. Очерки Верхней Татарии, Яркенда и Кашгара. – СПб., 1872. – С.343.

⁴ Касимий И. Уйгурский национальный костюм. – Алматы: Наш мир, 1996. – С.39.

Умуман, аёллар кўйлаклари ранги ва матоси билан бир-бирдан ажралиб турган. Масалан, кекса уйғур аёллари ёрқин рангли ва гулдор бўлмаган, оддий бўз ёки пахта матосидан тикилган “тўғри кўйлак”, ёш қиз-жувонлар орасида эса ёқани кенг ва кўркам қилиб тикилгани, яъни “қайтарма ёқа” урфга кирган. Кейинчалик маҳаллий хотин-қизларнинг замонавий русумдаги бурмача кўйлаги тарқалди. XX асрнинг 60-йилларида хотин-қизлар кийимларида бир қадар модернизация жараёни кечади, натижада аёллар орасида “хитойча кўйлак” ва “европача русум”даги кўйлаklar урфга киради¹. Умуман, турғун ўрнашган уйғур аҳолиси миллий кийим-кечаклари маҳаллий анъаналар таъсирида ўзгаришга учрай бошлаган. Бу уйғур аёлларининг бош кийимлари, чопон ва камзулларида янада яққол сезилади. Кўйлак устидан камзул ёки нимча кийиш кўплаб халқларга хос бўлган. Уйғур аёллари орасида “қашқар товар”идан камзул анча оммавий эди. Албатта, камзулларнинг бир қанча турлари бўлиб – пахталик камзул, авра камзул, бахмал камзуллар мавсумга қараб кийилган. Камзуллар кимхоб, духоба, товар каби матолардан тикилиб, унга изма-тугма қадалган. Уйғурча камзуллар эса ёнбошдан қадалган, кейинчалик бу русумдан қолди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳудудда хунармандчиликнинг, айниқса тўқувчилик ва тикувчиликнинг ривожланиши, унинг этнослар ва маданиятлараро таъсири кийим-кечакларда кўпроқ намоён бўлди.

Анъанавий кийимлар орасида тўн ва чопон барча туркий халқларга хосдир. Чопон қадимий кийим бўлиб, уни аёллар ҳам кийишган. Унинг безакли ва тасмаллари, безаксиз, тугмасизлари ҳам бор. Қашқарликлар чопонларининг кўкрак қисмига нақш безак ёки тасма кўшиб тикилган. Ғулжада тикилган чопонлар ҳам ўзининг безаклари билан бошқалардан ажралиб турарди. Саёҳатчи олим Н.М. Прежевальский, қашқарлик аёллар мавсумга қараб иккитагача чопон кийганига, гувоҳ бўлганини ёзади². Устки кийим ҳисобланган чо-

¹ Губаева С.С. Население Ферганской долины в конце... – С.512.

² Пржевальский Н.М. Этнографическое изучение уйгуров в 70–80-х годах XIX века // Этнографическое изучение уйгуров Восточ-

пон узун бўлиб, одатда аёллар чопон устидан белбоғ боғламайди. Аёллар чопонлари худди камзул каби қимматбаҳо матодан ёки “қашқарча товор”дан тикилган.

Мавсумий қишки кийим ҳисобланган тўннинг ҳам бир қанча турлари мавжуд. Авра тўн, қора тўн нусхалари оммалашган эди. Кўпинча тўн ибораси ўрнида чопон ибораси ишлатилади. Фарғона водийсида яшаётган қашқар хўжалари ҳамиша қора тўн кийган ва бу кийим уларнинг жамиятдаги мавқеини ҳам ифодалаган¹. Эркакларнинг белбоғи салобат ва жамиятдаги мавқени ифодалаш билан бирга катмон вази фасини ҳам бажарган. Шу сабаб бадавлат уйғурлар икки – учтагача белбоғ боғлаганлар.

Бош кийим, аввало, халқларнинг юксак маданиятидан бохабар этувчи жиҳат ҳисобланади. Бош кийимлари ҳам мавсумга, жинс ва ёшга ҳамда ижтимоий мавқеига қараб кийилган. Водийда кенг тарқалган дўппи барча ёш ва жинсдагилар учун асосий бош кийими ҳисобланган. Эркаклар дўппилари бир-бирларидан тузилиши, тикилиши, гул-нақшлари билан фарқ қилиб, Қашқар ва Ғулжада дўппи нусхалари Фарғона водийсида тайёрланган дўппиларга деярли ўхшаш бўлган. Марғилон, Наманган, Қўқон дўппи нусхалари ғарбий ва шарқий минтақалардаги барча этник жамоаларда кенг тарқалган бўлиб, уйғурлар орасида илгаридан водийда тайёрланган дўппилар машҳур эди². Қашқарда эркак дўппилар оқ, қора, тўқ кўк рангдаги лас, бахмал матоларидан тикилган. Тикилиш ва тайёрлаш услубига кўра, водийда тайёрланган дўппилар амалда бир хил бўлган. Шарқий туркистонлик уйғурлар байрам либослари ичида “пошшо дўппи” деб аталган бош кийим алоҳида ўрин эгаллайди. Бундай дўппилар водийда тайёрланган дўппилардан тепа қисмининг баланд ва кенглиги билан ажралиб турган. Ҳатто, Фарғонада яшаб

ного Туркестана русскими путищесвенниками второй половины XIX века. – Алма-Ата, 1975. – С.71.

¹ Рассудова Р.Я. Сравнительная характеристика мужской одежды населения Ферганско-Ташкентского региона... – С.146.

² Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар... – Б.119–120.

турган уйғурлар ўтган асрнинг 60-йилларигача “*пошио дўп-пи*”ларини қадрлаб кийишган. Баъзан эркакларида ҳам тўқ кўк рангдаги бахмал ёки гулдор, думалоқ шаклдаги нухсалари учрайди¹. Қашқар ва Фарғона водийсида дўппиларга бодом ёки қалампир нухаси оқ рангдаги ипак билан тикилган. Оқ ипак билан тикилган дўппиларни Хўтан ва Қашқар эркаклари кийишган². Шунга ўхшаш “тус дўппи” (чуст дўппи) лар Қашқарда ҳам, водийда ҳам анча урфга кирган эди³. Бундан ташқари, чорвадор қирғизларнинг оқ кигиз қалпоқларини, яна кўплаб теридан тайёрланган бош кийимларини ХХ аср бошларида водий уйғурларида ҳам кўриш мумкин.

Қишки иссиқ бош кийим “бўрук” анча қадимий ҳисобланади. “Девони луғоти турк” асарида “бўрк – қалпоқ бош кийим” эканлиги айтилган⁴. Унинг икки хили – дўпписимон ва телпак кўринишидаги нухсалари бўлиб, уни тикишда ҳайвон териси ва мўйнаси ишлатилган⁵. Уйғур аёлларининг бош кийимлари орасида худди водийдаги каби дўппи ва рўмол катта ўрин эгаллайди. Баланд, қизил, кўк бахмалга ипак ёки мунчоқда гул тикилган “қадақ” ва “маъпуда” дўппи деб аталган. Дўппиларни баъзан рўмол устидан ҳам кийишган⁶. Дўппини бундай усулда кийиш ўзбеклардагидан озроқ фарқ қилган⁷.

Аёлларининг қишки бош кийими “сувсар тумоқ”, “эмчи тумоқ” деб аталган бўрklar тулки ёки сувсар мўйналаридан

¹ Захарова И.В. Материальная культура уйгуров Советского Союза... – С.275–276.

² Касимий И. Уйгурский национальный костюм... – С.17.

³ Каримова Р. Традиционные художественные ремесла и промыслы уйгуров... – С.146.

⁴ Махмуд Қошғарий. Девони луғотит турк. – Т, 1960. – Т.1. – Б.333.

⁵ Чвырь Л.А. Уйгуры Восточного Туркестана и соседние народы... – С.135.

⁶ Каримова Р.У. Художественная ремесла уйгуров СУАР КНР: традиции и современность // Материалы международной конференции Центральная Азия–Китай: состояние и перспективы сотрудничества. – А., 2008. – С.252.

⁷ Чвырь Л.А. Уйгуры Восточного Туркестана и соседние народы... – С.240.

тайёрланган. Тадқиқотчи Ч. Валиханов “қашқарлик бадавлат уйғур аёллари сувсар тумаж кийганини таъкидлаган”¹.

Фарғона водийсидаги ўзига хос муҳит ва ислом динининг таъсири хотин-қизларнинг паранжи ёпинишини тақозо қилади. Бир-бирига яқин минтақада яшасалар-да, айрим манбаларда қайд этилганидек, Шарқий Туркистонда аёллар илгари паранжи ёпинмаганлар². М.В. Певцовнинг саёҳатномаларида эса уйғур аёлларининг бўрк кийиб, оқ мато билан фақат юзини ёпиб юргани айтилади³. Бевосита Шарқий Туркистоннинг турли шаҳарларида сайёҳатда бўлган Ч. Валиханов ҳам қашқарлик аёлларни ранги оқ, калтароқ мато билан юзларини тўсиб юрган⁴, деб ёзади.

Хотин-қизлар орасида айтилиши “паранжи” атамаси мавжуд бўлмаса-да, мусулмонларга хос бўлмаган юзини очиб юрган деб айтиш ҳам тўғри эмас. Улар чимматга ўхшаган “оқ пижа” билан юзини ёпган. Фақат юзни тўсган “пижа”лар паранжи-чачвонга қисман ўхшаб, оқ рангли шол рўмолни ҳам эслатади. Тадқиқотчи Л.А. Чвирнинг қайд этишича, Қашқарда “ойпижа”, “оқпижа”, Ёркент ва Оқсуда “лачак”, Турфонда “чимбат” деб номланган ёпинчиқ урф бўлса, Ғулжа, Кучор, Хами каби жойларда аёлларнинг юзини ёпиши мажбур бўлмаган⁵. Кейинроқ, Фарғона водийсига кўчиб ўтар эканлар маҳаллий мусулмон аҳоли, асосан, ўзбеклар таъсирига тушгач паранжи-чиммат ёпинишни одат қиладилар⁶.

¹ Валиханов Ч.Ч. Избранные произведения. – М., 1986. – С.177.

² Валиханов Ч.Ч. Избранные произведения... – С.177.

³ Певцов М.В. Путишествия в Кашгарию и Кунь-Лунь. – М., 1949. – С.124.

⁴ Валиханов Ч.Ч. Избранные произведения... – С.177.

⁵ Чвырь Л.А. Уйгуры Восточного Туркестана и соседние народы... – С.143.

⁶ Захарова И.В. Материальная культура уйгуров Советского Союза // Среднеазиатский этнографический сборник. – М., 1959. – Ч.2. – Т.47. – С.276; Каримова Р.У. Традиционные художественные ремесла и промыслы уйгуров. – Алматы: Дайк пресс, 2005. – Б.145; Абдуллаев У.С. Отражение межэтнических связей в материальной культуре народов Ферганской долины... – С.66.

Қашқарлик аёлларнинг яна бир кийими “бийжа” (пийжа) деб аталиб, у устки чопон ва ёпинчиқ-паранжи ўрнида фойдаланиларди. Бийжалар оқ муслин матосидан узун ва кенг тикилган. Бу устки кийимни, одатда, аёллар кўчага чиққанида, тўй-маъракага борганида маросим кийими сифатида кийишган¹. Бироқ, дала тадқиқотлари пайтида ахборотчиларнинг берган маълумотларида мусулмон (уйғур) аёлларнинг бутунлай очиқ юрмаганлиги таъкидланди. Дала этнографик тадқиқотларида ахборотчи уйғур миллатига мансуб аёлларнинг эътироф этишларича, ўтган асрнинг 80-йилларида ҳам қишлоқ аёллари эркак чопонлари билан ёпиниб юрганлар².

Қисқача айтганда, уйғурлар билан водий аҳолиси кийим-кечаклари орасида фарқ катта эмас. Кийимлар ва матоларнинг уйғурча номларининг ўзбекчадан катта фарқ қилмаганлиги, масалан, ойпижа (*паранжи*), чумбат (*чиммат*), кимхоб, шойи, дўппи деб номланганлиги ҳам уларнинг ўзаги бир эканлигини билдиради.

Уйғурларга хос анъанавий моддий маданият тизимида тақинчоқ ва безаклар алоҳида ўрин тутлади. Албатта, Шарқий Туркистон ва Фарғона водийси савдо-иқтисодий алоқаларида заргарлик буюмлари ва тақинчоқлар катта ўрин эгаллаган. Хўтан ва Ёркентдан нефрит, феруза, лаъл, ёқут тошлари, Хитойдан марвариднинг келтирилиб турилиши ушбу шаҳарларда заргарликнинг ривожланишига туртки берди. Уйғур заргар-хунармандлари ясаган тақинчоқлар Туркистоннинг йирик савдо марказларида харидоргир бўлган. Заргар хунармандларининг келиши эса мазкур соҳада анъанавий-маданий услубларни айирбошлаш жараёнининг жадаллашувига таъсир қилди. Натижада, Фарғона водийси ва Шарқий Туркистон хунармандчилиги соҳалари орасида заргарлик санъатида икки минтақага хос анъаналар билан уйғунлаша бошлади.

¹ Чвырь Л.А. Уйгуры Восточного Туркестана и соседние народы... - С.128.

² Дала ёзувлари. 2005 йил. Андижон вилояти Пахтаобод тумани. Ахборотчи С. Абдурахмонова. 69 ёшда.

Кўп асрлардан буён уйғур заргар (зага, загачи) хунармандлари ўзига хос мактаб яратганлар ва бу анъана давом этмоқда. Заргарлик, асосан, оилавий касб-кор сифатида қаралиб, унинг сирлари оила аъзоларига, ўғил ва набираларга ўргатиб борилган. Устозода заргарликнинг сиру асрорларини умрининг охирларидагина шогирдларига билдирган¹.

Одатда, заргарлик устахоналари устанинг уйида, гоҳида бозорларда ҳам савдо дўконлари бўлиб, кўпинча буюртма асосида тақинчоқлар ясалган.

Кўқон, Тошкент, Бухоро заргарлари ишлаган тақинчоқларда нақшли (орнамент) безаклар кўпроқ учраса, қашқарлик заргар усталар томонидан тайёрланган тақинчоқларда табиат манзараси, хусусан, гуллар, қушлар, илон тасвирлари ифодалангани билан фарқланарди. Масалан, олтин ва кумушдан ишланган узуклардаги панжара нусхалари ўрнига гул ва барглар тасвирлари, қимматбаҳо тошлардан кўшиб безак берилган.

Уйғур аёллари бўйин тақинчоқлари ичида маржон, йирик мунчоқлар, қимматбаҳо металлдан ясалган бўйин тақинчоқлари, кўкрак туморларида гул ёки қушлар тимсоли бўлган. Баъзан бўйин тақинчоқлари ичида туморлар ҳар хил ёмонликлардан, узукни эса ёмон кўздан асрайди, деб ишонганлар. Шунингдек, ахборотчи О. Шокированинг айтишича, қиз фарзанд туғилганда “чилла суви” тайёрланаётганида “*юраги бақувват, ўзи бадавлат бўлсин*” деб, сувга тилла зираклар солинган.

Уйғур аёлларининг энг машхур тақинчоқлари “*қашқарча балдоқ*”, “*қашқарча зирак*” ҳисобланади². Бундай нусха тақинчоқлар водий аёллари орасида уйғурларнинг кўчиб келмаси-

¹ Каримова Р.У. Ювелирное искусство уйгуров Семиречья (конец XIX–XX вв.) // Маловские чтения (материалы конференции)... – С.217.

² Каримова Р.У. Традиционные художественные ремесла и промыслы уйгуров. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. – С.85; Каримова Р.У. Художественная ремесла уйгуров СУАР КНР: традиции и современность // Материалы международной конференции Центральная Азия – Китай: состояние и перспективы сотрудничества. – Алматы, 2008. – С.251.

дан илгари машхур эди. Ярим ой шаклидаги “қашқарча сирға” маржон ва шодалар, “қашқарбалдоқ” эса ҳалқа шаклида бўлиб, олтин ва кумушдан фируза, ёқут, маржонлар билан безатиларди. Қашқарбалдоқнинг янги чиққан ойга ўхшаган чиройли шакли, панжарасимон гуллари, тилла ва марварид жилоси ҳамда заргарона ишланиши бу балдоққа жозиба бағишлаган¹.

Қашқарбалдоқнинг услуги Қўқон заргарлари услубига яқин эди. Қўқонлик усталар томонидан ясалган бундай кўринишдаги зираклар “қашқарча услуб”дан катта фарқ қилмаган. Маҳаллий заргарлар ясаган бу кўринишдаги зиракларни водийнинг ўзбек, қирғиз аёллари “қашқарча балдоқ” деб ҳисоблаган. Ҳатто, Тошкентда келин сеп тақинчоқлари орасида қашқарбалдоқ бўлишига алоҳида эътибор берилган².

Бундай машхур заргарлик буюмларини ясовчи дўконлар Андижон ва Қўқонда фаолият кўрсатган. XIX аср ўрталарида Фарғона водийсининг йирик шаҳарлари айниқса, Қўқонда яшаган уйғур заргарларининг сони 50 дан ортиқ бўлган³. Хусусан, Андижон шаҳрининг Сойгузар даҳасида Қашқарлик заргар-уста Насирдинохуннинг дўконида қашқарча нусхадаги тақинчоқлар ясалган. Ўш шаҳрида эса Султон Мирраҳимов, Шавкат Айсаяев каби уйғур заргарлари “қашқарча” нусхадаги тақинчоқлар ясаб, савдо қилишган. Ушбу зиракнинг катта, кичик турлари, ҳашамдор нусхалари бўлиб, ёшига ва мавқеига қараб ҳам тақилган. Ёш қиз-жувонлар кичикроқ, фақат ёқут тош билан безатилганини ёқтирганлар. Ўрта ёшли аёллар орасида эса ёқут ва феруза тошлар билан безатилган катта тури урф эди. Ўтган асрнинг 80-йилларида “қашқарбал-

¹ Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. – Т., 2005. Т.10. – Б.631; Давлатова С. Қашқадарё воҳаси аҳолиси тақинчоқларининг динамик ўзгаришлари ва локал хусусиятлари // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. 2-қисм. – Т.: 2005. – Б.77.

² Тошкент маҳаллалари: анъанавийлик ва замонавийлик (тарихий-этнологик тадқиқот). – Т.: 2002. – Б.183.

³ Қулдошев Ш. Политические, экономические и культурные связи между Кокандским ханством и Восточным Туркестаном (XVIII–XIX вв.) автореф. на соис. канд. истор. наук. – Т., 2009. – С.22.

доқ” аёллар орасида урфга кирган зирак ҳисобланган. Шунга қарамай “қашқарбалдоқ” ёки “қашқарча зирак”лар магазин ёки расмий дўконларда савдога қўйилмаган. Уларни фақат заргар уста дўконидан ёки “қўлдан” олиш мумкин эди.

Хуллас, уйғур аҳолининг миллий кийим-бошларида ҳудудий хусусиятлар кўпроқ кузатилиб, турли миллатлар таъсирида моддий маданиятнинг ушбу йўналишида трансформация жараёни жадал кечди. Водийга келиб яшаётган уйғурлар билан ўзбекларнинг амалий санъатнинг бир неча соҳаларида, хусусан заргарликда ҳам маданий ютуқлар, услублар алмашинуви содир бўлди. “Қашқарча” деб ном олган заргарлик буюмлари аҳоли орасида янада кенг тарқалди ва маҳаллий заргарлик услублари билан бойиб, минтақавий хусусият касб эта бошлади.

II.3.§. Уйғур миллий таомлари: анъаналар ва инновациялар

Дунёдаги ҳар бир халқларнинг таомлари ва уларнинг тайёрланиш анъанаси узоқ тарихга эга. Тарихий жараёнлар, ўзаро иқтисодий, ижтимоий-маданий алоқалар натижасида миллий ва анъанавий таомлар шаклланиб борган. Миллий таомларда халқларнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, анъаналари, расм-русумлари, меҳнат фаолияти хусусиятлари ва албатта, иқлим шароити, шунингдек, ҳудудий жойлашув ўз аксини топади. Ҳатто, таомлар билан боғлиқ анъаналар ва маросимий таомлар халқларнинг турмуш тарзига боғлиқ ҳолда шаклланиб борган. Шунинг учун ҳам озиқ-овқат ва таомлар моддий маданиятнинг ажралмас қисми деб қаралади. Дарҳақиқат, этнолог олим У. Абдуллаев таъкидлаганидек, “анъанавий таомлар моддий маданиятнинг бошқа элементларига нисбатан анча консерватив бўлиб, ўзида барқарор этник хусусиятларни сақлаб туриши билан характерлидир”¹.

Марказий Осиё минтақасида яшовчи халқларнинг таомлари, емаклари, айримларининг номланиши ва ҳатто, тайёрла-

¹ Абдуллаев У. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар... – Б.122.

нишида яқинлик сезилади. Масалан, ўзбекларнинг миллий таоми саналган палов (ош), водий аҳолиси уни ош деб атайти. Яқин ҳудудларда яшовчи қирғизларда ҳам ош тайёрланади. Ёки водий тожиклари, қорақалпоқлар, уйғур ва татарларда ҳам худди шундай таом тайёрланади. Бироқ, текислик ва тоғли ҳудудларда яшовчи аҳоли таомлари бир-биридан нисбатан фарқланади, бу табиий албатта. Бироқ, минтақа халқларини бир-бирига яқинлаштирган муносабатлар тизимига биз озиқ-овқат ва таомларни киритишимиз мумкин. Дарҳақиқат, овқатланишнинг ўзига хос хусусиятларини, таом тайёрлашдаги миллий анъаналарни билиш халқларнинг ўзаро жипслиги ва дўстлигини мустаҳкамлаш имконини беради¹.

Туркий халқлар орасида уйғурларни дунёга машхур қилган умуммаданият белгиларидан бири – бу уларнинг миллий таомларидир. Шунинг учун ҳам бутун Марказий Осиёда, жумладан, Фарғона водийси ҳудудида уйғур таомлари кенг тарқалган. Юқорида таъкидланганидек, миллий таомларнинг шаклланиб боришига табиий, ҳудудий, иқтисодий, маданий омиллар катта таъсир кўрсатган. Бунда ўтроқ ёки кўчманчи турмуш тарзи алоҳида аҳамиятга эга. Қадимдан ўзига хос маданият яратган уйғурларнинг маиший турмуши характерли жиҳатлари, энг аввало, уларнинг пазандачилик маҳоратида намоён бўлади.

Қадимда ва ҳозирда ҳам Марказий Осиё ҳудудида яшовчи ўзбек, қирғиз, қозоқ, уйғур, қипчоқ каби халқлар гўшти, сутли, сабзавотли таомлар, мол ҳамда қўй ёғини кўплаб истеъмол қилади. Манбаларда келтирилишича, қадимда уйғурлар гўшт, сут, қимиз билан кейинроқ буғдой, гуруч каби деҳқончилик маҳсулотларини истеъмол қилиб келган. Шу ўринда, тарихий манбаларда келтирилганидек, ҳатто уйғур ҳоқонлиги даврида ҳам улар кўпроқ сут, гўшт билан озиқланишни асос қилган².

¹ Худойшукуров Т., Маҳмудов О., Убайдуллаев Р. Ўзбек миллий таомлари. – Т., 1995. – Б.4.

² Лин Ган, Гоб Зиху. Қадимги уйғур тарихи. – Шинжон: Халқ наشريети, 1984. – Б.123.

Миллий таомлар тайёрлашда азалдан гўшт, турли хил ўсимлик маҳсулотлари кенг миқёсда ишлатилиб, озиқ-овқат ва таомлар таркибини буғдой, жўхори, гуруч, сабзи, пиёз, картошка, карам, бодринг, шолғом, турп, кунжут, зиғир, гўшт, зиравор ва ҳар хил кўкатлар ташкил қилган. Миллий пазандачилик хусусиятини ифодаловчи иккита асосий омил мавжуд: биринчиси масаллиқнинг қандай турини ишлатилиши бўлса, иккинчи омил эса таомни тайёрлаш услубидир¹.

Дарҳақиқат, ҳозирда уйғур пазандачилигида хамирли таомлар катта ўрин эгаллайди. Бундай таомларни тайёрлаш технологияси анчагина мураккаб, узоқ вақт ҳамда катта маҳорат талаб қилганлиги боис, кўп халқлар бу борада уйғурларни моҳир деб тан олади.

Хамирли таомлар уйғур пазандачилигига дунғонлар орқали кириб келган. Кўплаб хамирли таомлар номлари дунғон тилидан эканлигининг ўзи бунинг далилидир. 1862 йилги дунғонлар қўзғолонидан сўнг кўплаб дунғонлар Қашқарга қочиб келадилар ва тирикчилик ўтказиш мақсадида бозор ва йўл бўйларида емакхоналар очиб, овқат тайёрлаб сотган. Шу тарзда уйғур ошхонасига манти, лағмон, мампар, ютағза, санғза каби емаклар дунғонлар орқали кириб келди ва оммалашди².

Уйғур халқи анъанавий таомлари ичида хамирли овқатлар, манти, лағмон, чучвара, угра, ху-нон етакчи. “Манти” асли хитойча сўз бўлиб, “юмалоқ хамир” (миян – хамир, ту – бош ёки юмалоқ) маъносини билдиради. Худди шундай “лағмон” ҳам дунғонча “лёнмян”, яъни чўзилган ёки “совутилган узун хамир” дегани³. Санғза – хамирли пишириқ бўлиб, ўзбек таомномасига уйғурлардан кириб келган⁴. Кўпроқ водийнинг

¹ Маҳмудов К. Ўзбек тансиқ таомлари. – Т., 1989. – Б.11.

² Бу ҳақда қаранг: Савуров М. Секреты дунганской кухни. – Т.: Мехнат, 1989. – С.5–97.

³ Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б.166.

⁴ Шайхов А.И., Усманходжаев А.Х., Шайхов М.М., Махсудов М.Х. Узбекский дастархан. Рецепты, обычаи. – Т., 2003. – С.156.

Андижон, Марғилон каби шаҳарларида тўй-маросимларда пиширилади. Чучвара (чошура), ху – нон (хўшнон)лар қадимдан уйғурларнинг миллий таомлари ҳисобланади.

Миллий таомларини ҳазилнамо куйидагича таърифлайдилар. Масалан, палов меҳмонларга тайёрланадиган таом бўлса, лағмон меҳр-муҳаббат, манти (унинг 20 дан ортиқ тури бор, гўшт, қовоқ, куйруқ, бўлоқ, жувава, жусай, очиқ, гул, чингиз ва ҳоказо) – эркаклар таоми. Яна, чучвара (чошура) – бахт-синов таоми. Угра – ҳордиқ вақтида пишириладиган таом, ҳолва (ҳолвайтар) – болалар учун, кабоб эса савдо учун пишириладиган, норин – бой ва сахийлар таомидир¹.

Лағмон барча уйғур оилаларида энг кўп тайёрланадиган таомдир. Лағмон хамири кўл меҳнати талаб қилиб, ҳар бир кесилган хамир қаламчаси кўл билан бураб, эшиб, чўзиб чиқилади. Натижада, хамир ўзига хос таъмга эга бўлган. Фасллар ва иқлимга қараб лағмон қайласи ёки сайга турли сабзавот ва зираворлар қўшиш мумкин. Баҳорда лағмонга редиска, кўк пиёз, бодринг, кузда шолғом, турп, карам ва албатта қайси фасл бўлмасин, чин-сай, син-сай, жу-сай, ба-сай каби компонентлар, зиравор, кўкатлар қўшиб тайёрланган.

Ҳозирда водий уйғурлари орасида лағмоннинг чўзма ва кесма турлари кўп тарқалган. Уйғурларнинг миллий таомлари ўзида этник характерни сақласа-да, бироқ, худуднинг шарт-шароитлари, етиштириладиган маҳсулотлар турига қараб ўзгариб боргани кузатилади. Чўзма лағмоннинг хамирини тайёрлаш мураккаб ва кўп вақт олганлиги учун маҳаллий аҳоли (ўзбеклар) лағмон хамирини кесиб тайёрлаган. Бунда хамир тез тайёр бўлади. Лағмоннинг иккала хилига ҳам “қайла” қўшиб тортилади. “Қайла” сўзи водий уйғурларига хос ибора бўлиб, баъзан “сай”², деб ҳам аталади.

¹ Наринбаев А. Уйғуры // Под небом Кыргызстана. – Бишкек, 1995. – С.121.

² Сай – лағмонга қўшиб истеъмол қилинган, унинг қуруқ ва сувли турлари бор. Унга асосан гўшт, булғор қалампири, пиёз, бақлажон, албатта синсай, жусай, чинсай, саримсоқ ва шивит қўшиб чалароқ ковуриб тайёрланган. Алоҳида чинни косаларда тортилган. Бир порция лағмонга 3–4 хил сай қўшиб тортилади.

Чучвара уйғурлар учун алоҳида эътиборли таом ҳисобланади. Чучвара тайёрлашда ўйин – топишмоқ одати жуда машхур. Битта чучвара хаамири ичига ун ёки кул солиб тугилади. Уни топган одам бахтли бўлади дейишса, хаамир ичига кул солиб тугилганини топган қиз, албатта чевар (эпчил, зийрак) бўлади, дейди пахтаободлик уйғурлар. Яна тўй куни келин-куёвга серфарзанд бўлсин, деб чучвара едириш одати бор¹. Ўзига хос бундай ҳазил одатлар дунғонларда ҳам учраб, манти хаамири ичига кул, туз ёки қалампирдан бири солиб тугилиб, куёвга тортилган².

Маълумки, нон барча халқлар озиқ-овқат рационада асосий ўринни эгаллайди. Умуман, барча қатори уйғурлар ҳам нонни тириклик рамзи сифатида улуғлайди. “Нони йўқнинг жони йўқ” деган уйғур мақоли халқ орасида кенг тарқалган. Яна нон ҳақ ва ноҳақликнинг тортишувида онт (қасам) ичиш воситаси сифатида қаралади. Одоб-ахлоқ назарида нон ва буғдойга катта эътибор қаратилади. Чунончи, “Буғдой ноннинг бўлмаса ҳам буғдой сўзинг бўлсин”.

Уйғур миллий урф-одатларига кўра, меҳмонга, албатта, “тўқач нон” пиширилиб, ушбу тансиқ нон тури ўзгача таъмга эга бўлган. Тўқач нон жуда тотли пиширилиб, баъзан бозорларда ҳам сотилган³. Тўқач нон асосан буғдой унидан сут, ёғ, тухум қўшилиб хаамир қорилиб, озроқ кўпиртириб, тандирда пиширилади⁴. Бунинг ўрнида тандирда ёпиб тайёрланадиган бошқа бир қанча турлари ўзлаштирилди. Масалан, хаамирни кўпиртирмасдан ёғ қўшиб, тандирга ёпиб пиширилгани “тахмонпатир” водий аҳолисидан ўзлаштирилган, юпқароқ ёйиб қозонда пиширилгани “хўйлама” (қатлама) деб аталади. “Ёғлиқ нон”, “гўштли нон”, “пиёзли нон”лар каби тансиқ

¹ Исламова З. Этнограммы в кулинарной лексике уйгурского языка // Исследования по уйгурскому языку. – Алма-Ата, 1988. – С.54.

² Савуров М. Секреты дунганской кухни. – Т.: Меҳнат, 1989. – С.97.

³ Шоу Р. Очерки Верхней Татарии Яркенда и Кашгара. – СПб., 1872. – С.333.

⁴ Абдурахим Ҳабибулло. Уйғур этнографияси. – Урумчи: Шинжон халқ нашриёти, 2000. – Б.113.

турлари ҳам тандирда ёпилади. Ноннинг бу турларини тайёрлаш усули Марказий Осиёнинг кўп халқлари билан деярли бир хил.

Уйғурлар озиқ-овқат рационада чой алоҳида ўрин тутиб, унинг тайёрланиши бошқалардан ажралиб турган. Шарқшунос олим А. Хўжаевнинг берган маълумотларида VII асрда Турфонда чой билан меҳмон кутиб олиш одатга кирганлиги таъкидланади¹. Қадимдан чой шифобахш ичимлик сифатида қадрлаб келинган, шу билан бирга у меҳмондорчилик рамзи ҳам ҳисобланади. Масалан, чой тайёр, чой ичамиз, чойга келинг, чой бор деганда бутун бир зиёфат тушунилади. Бироқ, ўзбеклар ҳам чойни асосий ичимлик сифатида қадрлайдилар.

Аслида, аҳоли орасида чой тайёрлаш, ичиш, уни бошқаларга таклиф қилиш маданияти шаклланган. Чой узатишнинг ўзи бир санъат ҳисобланиб, пиёладаги чойни узатаётганда “чой байт”лари айtilган. Ўзаро оила аъзолари, ёки меҳмонларга нисбатан ҳурмат ва эътибор рамзи сифатида байт айtilган. Меҳмондорчиликларда, асосан янги келин тушганда, чой байтлари тўқиш одати уйғур аҳоли орасида учраб туради. Дастурхон атрофида ўтирганларга, вақтга, таомга уйғун равишда байтлар айtilган. Албатта, бу тарзда байт тўқиш учун киши анча зукко, билимдон бўлиши зарур. Шунга ўхшаш чой узатиш одатлари Фарғона водийсининг уйғурлар зич ўрнашган Андижон, Наманган, Фарғона вилоятининг турли қишлоқ жойларида ҳам оммалашган.

Уйғурларнинг миллий анъаналари, расм-русумлари, урф-одатлари ҳудуд бўйлаб кенг тарқалди. Уларнинг айримлари ўзга муҳитда унутилган бўлса-да, уйғурларнинг чой билан боғлиқ удумлари водийда тарқалганини кўриш мумкин. Масалан, “ипчой” удуми асакаликлар орасида тарқалган. Никоҳ тўйининг эртаси куни қайнонанинг ўзи келин учун алоҳида чой тайёрлайди. Чойнак ичига бир қатим ип солиб чой дамлаб, келинга ичирилади. Бу удум янги келинни мулойим, юмшоқ феълли бўлиши учун умидворлик сифатида бажарил-

¹ Хўжаев А. Буюк Ипак Йўли: мунобатлар ва тақдирлар... – Б.189.

ган. Ўзининг қизиқарлилиги, одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилиниши, умуман жамоа кайфиятининг устунлиги нуқтаи назаридан бу анъаналар ўзида миллий хусусиятларни сақлаб келган.

Уйғурлар орасида маросим номлари чой билан аталиб, бунда ҳар бир маросим мақсади, моҳияти чой билан ифода этилган. Масалан, “Аҳлиқ чой” (оқлик чойи) – унаштирув маросими сифатида бўлғуси келин уйида расмий совчилар келганда ўтадиган маросим ҳисобланади. “Маслаҳат чой” тўй харажатлари ва бошқа масалалар ҳал этиладиган, шунингдек, барча муҳим тадбирлар олдидан яқин қариндошлар билан ўтадиган маросим. “Селиқ чой” (солиқ чойи) келин учун куёв томонидан юборилган сеплар келадиган кун, анъанага кўра, қудалар яқиндан танишиб, бир дастурхонда маслаҳатлашишади. “Тотлиқ чой” (раҳмат чой) куёв хонадонидан келиннинг ота-онаси учун чақирилган меҳмондорчилик зиёфати. “Ҳодуқ чой” (Ҳордиқ чойи) тўйдан кейин яқин қариндошлар чақириладиган зиёфат. Маросим кўпинча “ҳордиқ оши” ҳам дейилади.

Оила ва никоҳ каби маросимлардан ташқари йил фаслларида ҳаётий муаммолар ечими билан боғлиқ “чой”лар ҳам бўлган. Масалан, “ҳам (ғам) чой” азадор хонадонга қўшнилар томонидан тайёрлаб олиб келинган егулик. Одатда, азадор хонадонда уч кунгача овқат пиширилмайди. Шу сабаб қўшнилар овқат пишириб олиб чиқади. “Анили чой” (оналар чойи) бефарзанд (фарзанд кўрмаётган) аёл томонидан кекса аёллар учун ўтказилган маросим. Бунга кўзи ёриш олдидан ҳам ўтказиб туришади. Бунда ширгуруч маросим таоми ҳисобланиб, серфарзанд аёллар (фарзанди вафот этган аёл маросимга келмайди) таклиф қилинади. “Қорлуқ чой (қорли кун чойи)” биринчи қор ёққан кун ўтказилган базм. “Машрап кеча” анъаналари асосида дўстлар ёки қўшнилар иштирок этиб, қиш кунлари хордиқ чиқарилган.

Уйғурлар орасида чой тайёрлашнинг ўзига хос усуллари шаклланган. Масалан, сут, қора чой, қаймоқни бирга қайнатиб тайёрланган “этгэн чой” хуш кўриб истеъмол қилинади.

Қашқарликлар бундай чойга қаймоқ ва кўк чой қўшишган бўлса, Ғулжада қора чой қўшиб истеъмол қилинган. Фарғона водийсига чойнинг ҳар хил турлари келтирилган, масалан қорачой, кўкчой, сабетчой, фу-чой, цянълунчой каби маҳсулотлар олиб келиб сотилган. Наманган ва Тошкент аҳолиси қора чой, Қўқон, Марғилонда яшовчилар сут ва туз қўшиб тайёрланадиган сабет чойни, Андижонда аҳоли кўпроқ кўк чой ичган. Бундан ташқари, “синчой” ҳам машҳур ичимлик бўлиб, россиялик этнограф олим С.Н. Абашиннинг қайд этишича, бу “хитой чойи” дегани¹. Бошқа манбаларда айтилишича, “син” – хитой тилида “кўк”, яъни кўкчой маъносини билдиради². Бу иборани асосан Қашқар, Ўш, Андижонда яшаган кекса ёшлилар қўллаган. XIX асрнинг ўрталаригача Андижон, Наманган, Қўқон савдогарлари Қашқарга тез-тез қатнаб, “син-ча-ийе (Хитой чойи)” олиб келишган³. Водийда яшовчи уйғурлар маҳаллий шароитларда ёввойи ҳолда ўсадиган баъзи ўсимликлардан чой тайёрлашни йўлга қўядилар. “Гул чой”, “олма чой”, “бошөпирмоқ чой”, “қашқар чой”, “сут чой” каби чой билан боғлиқ янгиликлар шу тарзда пайдо бўлади.

Асли Ғулжа ва Қашқардан кўчиб келган уйғурларнинг анъанавий таомлари орасида “эткэн (айтқан) чой” энгил таом сифатида кўп тайёрланади. Сутга қаймоқ, туз, қора чой, қўшиб қайнатиб, чини идишга қуйиб нон қўшиб истеъмол қилинган. Шарқшунос олим А. Хўжаев таъкидлашича, ҳақиқатдан ҳам уйғурларда сут билан чой ичиш кенг тарқалган, бундай энгил таом тури “этган чой” деб аталади⁴. Бундай усулда тайёрланадиган энгил таом маҳаллийлашиб, “қаймоқ чой”, айрим жойларда “ёғ чой” сифатида оммалашган.

Узоқ вақт давомида табиий шарт-шароитлар ва бевосита

¹ Абашин С.Н. Чай в Средней Азии: история напитка в XVIII–XIX веках // Традиционная пища как выражение этнического самосознания. – М.: Наука, 2001. – С.212.

² Исламова З. Этнограммы в кулинарной лексике уйгурского языка... – С.54.

³ Махмудов К. Чойнома. – Т.: Камалак, 1993. – 10 б.

⁴ Хўжаев А. Буюк Ипак Йўли: муносабатлар ва тақдирлар... – Б.188.

ҳар бир халқнинг турмуш тарзи таъсири остида шаклланувчи миллий таомлар ҳар бир этник маданиятнинг ажралмас қисми ва муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади. Дунёга машҳур уйғур миллий таомлари ҳам бундан истисно эмас. Бироқ, уйғурлар маданиятининг ана шу ўта муҳим қисмида ҳам бугунги кунда ўзгаришларни кузатиш мумкин. Буни этносоциологик тадқиқотлар ҳам кўрсатиб турибди. Масалан, респондентларнинг 42 фоизи анъанавий уйғур таомларининг ҳамирдан тайёрланадиган турларини санаб бердилар. Сўров иштирокчиларининг учдан бир қисми уйғур таомларининг аниқ номларини лағмон, чучвара, манти, зангза, угра оши, гўжа оши деб санаб ўтишди. Пахтаобод туманидаги респондентларнинг 48,1 фоизи Андижондан 33,3 фоизи ва Олтинкўлда истиқомат қилувчи респондентларнинг 15,7 фоизи миллий таомлар номларини кўрсатиб ўтди¹.

Маълумки, миллий таомлар нафақат таом сифатида қабул қилинади, балки миллий анъаналар ва урф-одатларнинг аксарият қисми мазмун жиҳатдан айнан миллий таомлар билан чамбарчас боғлиқдир. Уйғур миллий таомлари ҳам ана шундай боғлиқликлардан ҳоли эмас: ҳар бир муайян маросим тури учун аниқ муайян таомлар тайёрланади, масалан, ўтганларни хотирлаш маросимлари ёки никоҳ тўйларида, бошқа оилавий тадбирларда анъанавий тайёрланадиган таомлар бор. Кўпчилик ахборотчилар никоҳ тўйи маросимларида уйғурча *зангза*, *хўйлама*, *қовурма чучвара*, *йўрғам* пиширилганига гувоҳ бўлганларини айтдилар.

Албатта, таом тайёрлаш маданиятини маҳорат билан ўзлаштиришга ҳаракат қилган аҳоли бу ишга тарбия сифатида ҳам қарайди. Пахтаободлик респондентларнинг 47,4 фоизи ва андижонлик уйғурларнинг 39,4 фоизи, Олтинкўлдан иштирок этганларнинг 20,1 фоизи совчиларнинг таом тайёрлатиб ёки едириб синаш одатларини яхши билишади².

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, у ёки бу маросимга бағишлаб анъанавий тарзда таомлар тайёрланиши миллий

¹ Этносоциологик сўровлар. Андижон вилояти. 2012 йил.

² Этносоциологик сўровлар. Андижон вилояти. 2012 йил.

анъана ва урф-одатлардан хабардорликдан далолат беради. Сўров шуни кўрсатдики, Андижон вилоятида яшайдиган уйғурларнинг кўпчилиги миллий маросимларга бағишланган, анъана ва урф-одатлар билан боғлиқ равишда аниқ турдаги таомлар тайёрланишидан хабардор.

Уйғур анъанавий таомлари тез оммалашиб борди. Умуман, уйғур миллий таомларига эътибор кучлилиги боис йирик шаҳарларда уйғур ошхона ва емакхоналари фаолият бошлаган. Бу ўринда Андижон шаҳридаги “Оталар чойхонаси” бош ошпази Маматохун Соқиев тайёрлаган уйғурча таомлар бутун мамлакатда машҳур бўлганини таъкидлаш лозим.

Фарғона водийсида яшовчи уйғурларнинг анъанавий моддий маданиятидаги этник анъаналар ва уларнинг умуминтақавий жиҳатлари деб номланган қисми юзасидан қуйидаги хулосага келиш мумкин:

– Аввало шуни айтиш керакки, кўчиб келаётган уйғурлар ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан яхши аҳволда бўлмаган. Уларнинг водийда мустақкам ўрнашиб, яшаб, шу ҳудуднинг ривожланишига ҳисса қўшишларига асосий сабаб маҳаллий аҳолининг доимий қўллаб-қувватлагани эди. Уйғурлар кўчиб келиб, жойлашар экан ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини яхшилаб, секин-аста янги турар жойларини барпо этиш имконига эга бўлган.

– Водийнинг шимоли-шарқий ҳудудлари бўйлаб янги қурилган уйғур қишлоқларида уй-жойлар меъморчиликнинг икки минтақага хос анъаналарини ўзида мужассам этган ва меъморчиликнинг “қашқарча” услуби машҳур бўлган. Уйғур миллатига мансуб уста-меъморлар икки минтақа анъаналарини уйғунлаштириб, уни ривожлантиришга муваффақ бўлганлар. Иқлим, географик шарт-шароитлар асосида уйғурлар водий меъморчилигига “қашқарча” анъаналарни киритиш билан бир қаторда водийликларга хос жиҳатлар ҳам ўзлаштирилган.

– Иккинчидан, анъанавий кийимлар ҳудудга мослашиб, умумийлик касб этиб борган бўлса-да, миллий безакларининг сақлангани кузатилади. Уйғур аёлларининг миллий

безак ва тақинчоқлари, айниқса, “қашқарбалдоқ” нафақат водийда балки, Бухоро ва Тошкент аёллари орасида ҳам ом-малашиб кетган. Эркаклар ва болалар кийимлари, мавсумий кийимларда деярли фарқ сезилмай кетди. Аёлларнинг маросимий кийимлари орасида қашқар товоридан тикилган кийимлар миллийлик рамзи деб эъзозланади. Фарғона водийси муҳитига хос тарзда уйғур аёллар ҳам паранжи ёпинишни одат қилди. Замонавийлик, 60-йиллардан европача услубнинг кенг тарқалиши натижасида аёллар либосларида модернизация кузатилади.

– Учинчидан, моддий маданиятнинг анчагина консерватив намунаси сифатида таомларда анъанавийлик ва миллий хусусиятлар яхши сақланган, шунга қарамай, этномаданий жараёнлар таъсирида ўзгаришлар ва инновациялар ҳам кам эмас. Таом тайёрлаш учун зарур бўлган маҳсулотлар турлари кўпайди. Хусусан, уйғурлар ошхонасида картошкадан фойдаланиш бошланди. Миллий таомларнинг худудга мос янги турлари пайдо бўлди. Уйғур таомлари ўзбек ва минтақа аҳолисининг кундалик таомномасидан ўрин олди. “Чой” номи билан аталадиган баъзи одатлар, масалан “ипчой” инициацион маросим сифатида ўзбек аҳолиси орасида ҳам тарқалди.

III БОБ

ФАРҶОНА ВОДИЙСИ УЙҒУРЛАРИНИНГ ОИЛАВИЙ ТУРМУШ АНЪАНАЛАРИ

III.1.§. Оила-никоҳ муносабатларидаги анъаналар

Оила – ижтимоий ҳодиса. У муҳим ижтимоий институт сифатида жамият тараққиётига фаол таъсир кўрсатади. Аёл билан эркакнинг ўзаро никоҳланиши натижасида пайдо бўладиган оила бир неча энг муҳим ижтимоий функцияларни бажаради. Чунончи, инсон зотини давом этиши, фарзанд тарбиялаш, оила аъзоларининг турмуш шароитини ва бўш вақтини самарали ташкил этиш шулар жумласидандир.

Оилавий муносабатлар оила аъзоларининг (эр ва хотин, ота ва она, ака ва ука, опа ва сингил, бобо ва буви) бир-бири билан ўзаро муносабатларида намоён бўлади. Одатда, бундай муносабатлар уларнинг бурч ва мажбуриятлари асосига қурилади. Юқорида таъкидлагинимиздек, никоҳ – икки жинс вакилларининг ўзаро розилиги асосида тузилган иттифоқ. У оиланинг вужудга келишида бирдан-бир асос бўлиб, фақат ахлоқ меъёрлари билангина эмас, балки махсус қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

Айни вақтда, оила муайян жамият, миллат ва элатларга хос бўлган кўплаб анъаналарни ўзида сақловчи ҳамда давом эттирувчи ҳисобланади. Уйғур этноси, хусусан, Фарғона водийси уйғурларининг оила-никоҳ муносабатларидаги бундай анъаналар ҳақида тўхталишдан аввал, Марказий Осиё халқлари учун хос бўлган оила тури ва никоҳнинг тарихий шакллари ва этник ўзига хосликлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш жоиз.

Тарихий – этнографик адабиётларда XIX аср бошларида минтақамиз халқларида оиланинг асосан икки тури мавжудлиги қайд қилинади. Булардан биринчиси “катта патри-

архал оила”, иккинчиси эса “кичик” ёки “оддий оила”лардир. Биринчи турдаги “катта патриархал оила”ларга хос бўлган асосий хусусият шундаки, оила қурган фарзандлар ота-оналари билан бир оилада яшайдилар. “Кичик оила” ёки “оддий оила”ларда эса эр-хотин оилали бўлмаган фарзандлари билан бирга истиқомат қиладилар. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, юқоридаги ҳар икки турдаги оилалар ўтмишда Фарғона водийси халқлари, хусусан, уйғурлар учун ҳам хос бўлган. Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзини ўрганган эр-хотин Наливкинлар, М.А. Бикжанова, А.Н. Кисляков ва О.А. Сухарева, О.В. Горшуновалар бу каби оилалар ҳақида ўз ишларида маълумотлар берганлар.

Дала тадқиқотларидан маълум бўлдики, Фарғона водийси ҳудудига кўчиб ўтган баъзи уйғур оилалари ўзининг таркибига кўра “катта патриархал”ни ташкил қилган. Масалан, Андижон вилояти Пахтаобод тумани Уйғуробод қишлоғида яшаган Бўтавойохун Тожибоев оиласи 8 кишидан иборат бўлиб, 3 нафар уйланган фарзандлари, набиралари ҳамда уларнинг фарзандлари билан бирга 40 нафардан ортиқ киши яшаган. Яна бир мисол, Фарғона вилояти Марғилон шаҳрида истиқомат қилган 80 ёшли Абдуқаҳҳоров Турсунбойнинг таъкидлашича, 4 нафар ака-укалар уйлангач, ота-оналари билан бирга 30 дан ортиқ киши бир оилада яшаган. Хуллас “катта патриархал оила” XIX–XX асрнинг бошларида водийнинг барча этнослари каби уйғурларда ҳам мавжуд бўлган. Ушбу масалада тадқиқотчилар О.А. Сухарева ва М.А. Бикжановалар “бўлинмаган оилалар”нинг Фарғона водийси шимолий қисмидаги қишлоқларда XIX–XX асрларда ҳам характерли бўлган деб қайд этганлар¹.

Фарғона водийсида яшовчи барча этносларнинг оила ҳаётидаги ўзгаришлар, хусусан ижтимоий-иқтисодий омиллар натижасида “кичик оила” устуворлик қила бошлади. Ўтган XX аср ўрталарида уйғурларда ҳам 4–5 кишидан иборат кичик оилалар кўпайган. Тадқиқотчи А. Сайдуллаев ўзбекистонлик уйғурлар тарихига бағишланган мақоласида “уйғур-

¹ Сухарева О.А., Бикжанова М.А. Прошлое и настоящее селение Айкыран. – Т.: АН УзССР, 1955. – С.155–177.

ларда кичик оилалар анча олдин устуворлик қилган”¹ деб қайд этади.

Маълумки, ўтмишда ўзбек, қирғиз, тожик, қорақалпоқ, туркман, уйғур ва бошқа минтақамиз халқлари турмуш тарзида никоҳнинг бир неча тарихий шакллари сақланиб қолган эди. Хусусан, “эндогам никоҳ” (яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги ички никоҳ), “эгзогам” (ўзга уруғ элат (бегона)-лар билан бўладиган ташқи никоҳ), “левират” (бева қолган ака ёки уканинг хотинига уйланиш), “сорорат никоҳ” (хотини вафот этган йигит унинг синглисига уйланиши) каби никоҳ шакллари шулар жумласидандир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида келтириб ўтилган никоҳнинг тарихий шаклларига турли халқлар, ижтимоий тоифалар турлича амал қилганлар. Масалан, “эндогам” никоҳ тури уйғурларда ҳам тарқалган. Бунинг биринчи сабаби юқорида келтирилганидек, хўжалар гуруҳининг катта қисми водий ҳудудига ўрнашганлигидир. Улар мазкур ҳудудга жойлашиш билан бирга, ўз тартиб ва анъаналарини ҳам ўрнатишга эришади. Ўзларини олий насаб ҳисоблаган қашқарлик хўжалар фақат ўз уруғ (хўжа ва тўралар)дошлари билан никоҳларни қўллаб, аксинча маҳаллий ёки “қорача” (паст табақа)лар билан бўладиган никоҳни таъқиқлаган. Демак, кўриниб турибдики, “эндогам” никоҳ водий уйғурлари орасида бир оз ўзига хослик касб қилган. Яъни, никоҳнинг бу шаклига кўпроқ ижтимоий тоифа вакиллари бўлган хўжалар қатъий амал қилганлар. Тўғри, дала тадқиқотларидан маълум бўлдики, Фарғона водийси ҳудудига кўчиб ўтган уйғур этник вакиллари, дастлабки даврларда ички никоҳни кўпроқ маъқуллаганлар. Негаки, муҳожирликнинг дастлабки даврларида уйғурларнинг маҳаллий ўзбек, қирғиз, тожик этнослари билан оила-никоҳ муносабатлари ҳали жадал тус олмаган эди.

Фарғона водийсига кўчиб ўтган уйғурлар орасида “эндогам” никоҳ шаклини барқарорлиги яна бошқа бир сабаб ҳам кекса ахборотчилар билан бўлган суҳбатда маълум бўлди. Бу борада ахборотчи асакалик Холида Азизова шуни таъкидлай-

¹ Сайдуллаев А. Ўзбекистонлик уйғурлар тарихи ва этнографияси // Педагогик таълим. 2007. – №1. – Б.73.

ди: “Муҳожирликнинг дастлабки йиллари ҳукуматнинг яна ортга қайтариб юборишидан хавотирланиб, иложи борича қариндош ва танишлар билан оила қуришга, қариндошчиликка, қудачиликка интилишган”.

Яна бир ахборотчи Каримохун Содиқовнинг берган маълумотларидан эса қариндошлар ўртасида никоҳларнинг кўплиги маълум бўлди. Уларнинг авлодлари ўзларини оқсуяклар деб ҳисоблайдилар ва фақат хўжалар ёки ўз қариндошлари билан қуда бўлади¹. Маълумки, ислом динида бундай яқин қариндошлар никоҳи қораланади. Худди шундай, Қашқарда ҳам ака-ука, опа-сингиллар ўртасида қудачилик таъқиқланган. Бироқ, амаки, хола, амма ва тоғаваччалар ўртасида қудачилик кўп учраб туради. Фарғона водийсида яшовчи кўп сонли этносларни этнографик жиҳатдан тадқиқ этган С.С. Губаева ҳам ўз тадқиқотида водий уйғурлари орасида ота-оналарнинг амаки, тоға, хола ва аммаваччалари каби қариндошлар ўртасида қудачилик кенг тарқалганини қайд этади². Ҳозирда ҳам уйғурлар буни энг кўнгилдаги никоҳ деб ҳисоблайдилар³.

Фарғона водийси ҳудудига кўчиб ўтиб жойлашган уйғурларда никоҳланишнинг “эндогам” шакли аста-секин трансформацияга учраб, “эгзогам” никоҳ оммалаша борди. Чунончи, қашқарлик хўжалар маҳаллий хўжа тоифасига мансуб бўлмаган (“қорача”)лардан қиз олишни одат қилдилар. Айни вақтда уйғурларнинг ушбу гуруҳи ўзгаларга қиз узатмаган. Аммо, уйғурлар орасида никоҳнинг “левират” ва “сорарат” шакллари учрамайди. Бундан ташқари ўтмишда Марказий Осиё ҳудудидаги кўплаб этник жамоаларда никоҳнинг ўзига хос яна бир шакли – “чақалоқлар никоҳи” ҳам кенг тарқалган эди. Ушбу никоҳ турининг уйғур этник жамоаларида тарқалиши ҳақида қуйидаги маълумотларни келтириб ўтиш

¹ Турсунов Б.Р. XX асрда Фарғона водийсида оила, оилавий маросимлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари: Тарих. фан. ном... дисс. – Т., 2002. – Б.124.

² Губаева С.С. Население Ферганской долины в конце XIX – начале XX вв. – Т.: Фан, 1991. – С.517.

³ Сайдуллаев А. Ўзбекистонлик уйғурлар тарихи ва этнографияси // Педагогик таълим. 2007. – №1. – Б.73.

мумкин бўлади: Масалан, Ўш вилояти Қорасу тумани Қашқар қишлоғида яшовчи Роҳила Хўжаеванинг таъкидлашича, ўзаро қадрдон оилалар янги туғилган фарзандларини “бешик кетди” қилган. Бунда чақалоқ қизга тилла зирак ҳадя қилиб боши боғланган. “Бешик кетди” қилинган қизга бошқалар совчи қўймаган.

Маълумки, XIX аср охири – XX аср бошларида ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ, туркман, қорақалпоқ каби этник жамоаларда никоҳланиш учун келиннинг ота-онасига қалин тўлаш одати анъана сифатида мавжуд эди. Юқорида санаб ўтилган этник жамоаларда қалин моҳияти жиҳатидан бир хил умумийлик касб қилган. Фақат этнос хўжалигининг йўналиши, унинг турмуш тарзи, ижтимоий-иқтисодий мавқеидан келиб чиқиб ҳамда этник муҳит таъсирида қалин тўлаш ўзига хос ва локал хусусиятлари билан фарқланади. Қалин тўлашдаги бундай ўзига хослик унинг миқдори, тури, вақти ва бошқаларда намён бўлади. Шуни таъкидлаш керакки, муқаддам тадқиқотчилар томонидан қалиннинг ижтимоий-иқтисодий асослари, унинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи, турли даврлардаги кўриниши ва миқдори ҳамда бошқа шу каби жиҳатлари ҳақида бир қанча фикр мулоҳазалар билдирилган¹. Хусусан, илмий адабиётларда уйғур этник жамоасида ҳам қалиннинг оилавий никоҳ муносабатларидаги ўрни ҳақида бир қатор маълумотлар келтирилган. Бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрича, Фарғона водийси ҳудудида яшовчи уйғурларда турмушга узатилаётган қиз учун қалин олиш одати бошқа этник жамоалар (ўзбек, қирғиз, қозоқ, тожик, ва бошқа)даги каби барқарорлик касб қилмаган ҳолда ўзига хосликка эга бўлган. Чунончи, водий уйғурлари ўзаро никоҳланишда қалин олиш-беришга амал қилмаган бўлсалар-да², маҳаллий ўзбек,

¹ Наливкин В., Наливкина М. Очерки быта женщины оседлого туземного населения Ферганы... – С.195–202; Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана. – Л., 1969. – С.64.

² Губаева С.С. Население Ферганской долины... – С.517–518; Сайдуллаев А. Ўзбекистонда яшовчи уйғурлар тарихи ва этнографияси... – Б.74.

қирғизлар билан никоҳланишда қиз олса қалин берган, қиз берса қалин олганлар.

Этносоциологик сўровларда ахборотчиларнинг берган маълумотлари уйғурлар орасида қалин олиш ёки бериш хусусида умумий тушунчалар шаклланганини кўрсатди. Ахборотчиларнинг 66,1 фоизи турли кўринишлардаги “енгил тўлов, ҳадя, ёрдам” бўлганини таъкидладилар¹. Ушбу фикрлар россиялик этнограф С.Н. Абашиннинг “... номигагина, ёки рамзий бажариладиган белги”² деган таърифига мос келади. Худди шундай фикрни Тошкент шаҳрида тадқиқотлар олиб борган З. Расулова ҳам қайд этиб, “фақат расмиятчилик учун бажарилганини кўрамиз”³ дейди. Фикримизча, Фарғона водийси ҳудудида яшовчи уйғурларда бундай одатнинг пайдо бўлишига сабаб маҳаллий этномаданий муҳитнинг таъсири бўлса керак.

Марказий Осиё халқларида ўтмишда, асосан, моногам (бир эрак ва аёлнинг жуфтли) оила шакли⁴ кенг тарқалган бўлсада, полигамия – кўпхотинлилик⁵ ҳам мавжуд бўлган. Кекса ахборотчилар билан бўлган суҳбатдан маълум бўлдики, Фарғона водийси ҳудудига кўчиб ўтган уйғурларда ҳам кўп хотинли оила бошлиқлари бўлган. Масалан, Андижон шаҳрига кўчиб келган Ибрагимохунова Мамлакатхон қуйидаги маълумотларни берди. Унинг таъкидлашича, отаси савдогар, унинг иккита хотини ва 9 нафар фарзанди бўлиб, Андижонга келганда бир ҳовлида яшашган⁶. Бироқ, бундай ҳолат кўпроқ иқтисо-

¹ Этносоциологик сўровлар. 2015 йил. Андижон вилояти.

² Абашин С.Н. Калым и махр в Средней Азии. О “границах” в социальных отношениях // Человек и право. Книга о Летней школе по юридической антропологии (г. Звенигород, 22–29 мая 1999 г.). – М., 1999. – С.158–160.

³ Расулова З. Ўзбекларнинг никоҳ тўйигача бўлган маросимлари (қалин бериш одати мисолида). – Т.: Фан ва технология, 2009. – Б.52.

⁴ Бўриев О., Хўжамбердиев Т. Этнология атамаларининг қисқача луғати. – Қарши: Насаф, 2004. – Б.56.

⁵ Ўша манба. – Б.63.

⁶ Дала ёзувлари. Андижон вилояти Андижон шаҳри. “Уйғуробод” МФЙ. 2015 йил. Ахборотчи М. Ибрагимохунова. 72 ёшда.

дий тўқ, бой табақа вакили бўлган эркаклар орасида учраган. Баъзи бир тадқиқотчилар, масалан хитойлик уйғуршунослар Лин Ган ва Гао Зихулар уйғурларда кўп хотинлилик бошқа халқларга қараганда нисбатан кўпроқ учрашини таъкидлайдилар¹. Рус тадқиқотчилари ҳам бу фикрни қўллаб-қувватлаган. Бунинг сабаби – уларда куёв томонидан келин томонга қалин пулининг берилмаслиги ва бошқа халқларга нисбатан тўй маросими ҳаражатларининг камлиги билан боғлиқ эди². Кўпхотинлилик фақат бой уйғурлар орасида ва асосан, шаҳар жойларда кўпроқ учраган. Моногам никоҳ тури қишлоқ жойларда кенг ёйилганини унутмаслик лозим. Шуни таъкидлаш жоизки, уйғурларда ҳам Марказий Осиёнинг бошқа халқлари каби кўпхотинлиликка нисбатан салбий муносабат азалдан шаклланган.

Оилавий-маиший турмушга хос анъаналарда трансформация жараёнлари юз бера бошлаган даврларда Фарғона водийсида яшаётган уйғурлар орасида кўпхотинлилик деярли учрамайди.

Узоқ вақт давомида барқарорлик касб қилиб келган оилавий анъаналардан яна бири бу – оиланинг барча аъзолари, оила бошлиғи – отага муносабатидир. Тарихдан маълумки, ибтидоий жамият даврининг патриархал (юн. “pater” – “ота” ва “arche” – “бошқараман”) босқичида пайдо бўлган оила патриархат, яъни эркаклар бошчилик қилаганлиги билан характерланади³. Нафақат оилада, балки хўжаликда ҳам оила бошлиғининг ҳукмронлиги узоқ йиллар давомида минтақа халқлари ҳаётида, хусусан, уйғурлар турмуш тарзида турли даражада сақланиб келди ва доимий равишда трансформацияга учраб борди.

Фарғона водийсида яшовчи ўзбек, қирғиз, тожиклардаги

¹ Лин Ган, Гао Зиху. Қадимги уйғурлар тарихи... – Б.127; Кляшторный С.Г., Колесников А.А. Восточный Туркестан глазами русских путешественников. – Алма-Ата: Наука, 1989. – С.155.

² Валиханов Ч.Ч. Избранные произведения... – С.175; Певцов М.В. Путешествие в Кашгарию и Кун-Лунь... – С.128.

³ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – М.: Рус тили нашриёти, 1981. I том. – Б.579.

каби уйғур этник жамоаларида ҳам оила бошлиғи ота бутун оиланинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаган ҳамда етакчилик вазифасини бажарган. Оиланинг ички ва ташқи ҳаёти билан боғлиқ масъулиятли масалаларни ҳал қилиш ота зиммасида бўлган. Отанинг оиладаги ўрни оилага тегишли мулкка дахлдорлик (эгаллик) билан белгиланибгина қолмайди. Унинг оила аъзоларига, оила аъзоларининг унга муносабати кўп жиҳатдан одоб-ахлоқ меъёрлари доирасида ҳам шаклланган. Ушбу меъёрларга оиланинг барча аъзолари томонидан риоя қилиниши оиланинг иқтисодий ва маънавий жиҳатдан барқарорлигини таъминлайди. Оила бошлиғи сифатида ўз зиммасига катта бурч ва масъулиятни олган отанинг етакчилик фаолиятида онанинг кўмаги беқиёс ҳисобланади. Айнан она фарзандлар тарбиясида оила бошлиғининг асосий ёрдамчиси бўлиб келган. Бу нафақат уйғурлар, балки Марказий Осиёнинг бошқа халқлари учун ҳам хос хусусият, айтиш мумкинки, оилавий анъана ҳисобланади. Бу аввало, оиланинг асосчилари эр-хотин (ёки ота-она) ўртасидаги ўзаро муносабатларга алоқадор айрим одат ва анъаналарга тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Дала этнографик тадқиқотлар давомида уйғур этник жамоасига мансуб кекса ахборотчилар билан суҳбатдан маълум бўлдики, водий уйғурларида ҳам бошқа этнослардаги каби эр-хотин авваламбор, оилага авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган ва келажак насларнинг қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи сифатида муносабатда бўлганлар. Шу боис ҳам эр-хотин ўзаро муносабатларда фарзандларга намуна бўлишга эътибор берган. Эр-хотин бир-бирини исми билан мурожаат қилиши қузатилмаган. Уйғурларда ахлоқ нормаси сифатида шаклланган шундай одат борки, унга кўра эр-хотин ўзаро мулоқотда исми ўрнига “бу хоним” (яъни, эрнинг хотинга мурожаати), “бу кишим” (хотиннинг эрига мурожаати) каби ибораларни қўллайдилар. Маҳаллий ўзбек ва тожик халқларида эса бу ҳолда тўнғич фарзанд исми билан чақириш одати кенг тарқалган. Ушбу одат секин-аста водийлик уйғурларга ҳам сингиб борди.

Фарзанд туғилиши барча оилаларга хуш кайфият олиб келган. Айниқса, ўғил болани дунёга келиши отага алоҳида қувонч бағишлаган. Зеро, ўғил туғилиши билан насл-насаб давомийлиги таъминланади. Эр-хотин фарзандлар тарбиясига бирдек масъул бўлган ҳолда, ота ўғил болаларга, она қизлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратган.

Фарғона водийси худудига кўчиб жойлашган, ўз хўжалигини ташкил этган уйғурларда ҳам рўзғор ишларини бажаришда болалар меҳнатига эҳтиёж бўлган. Шу боис, улар ҳам уй-рўзғор ва хўжалик юмушларини бажаришга жалб қилинган. Хуллас, оиладаги маънавий-ахлоқий тарбия, меҳнат тарбияси билан бирга олиб борилган. Оилада фарзандлар тарбиясига бундай ёндашув, яъни тарбиянинг турли компанентларини уйғун олиб бориш бошқа этник жамоаларда ҳам анъана сифатида сақланиб келмоқда. Оила тарбиясида меҳнатсеварликни сингдириб боришнинг ниҳоятда муҳимлиги ўз вақтида Туркистон маърифатпарварларининг машхур намояндаси Абдурауф Фитрат томонидан ҳам таъкидлаб ўтилган эди. У ўзининг “Оила ёки оилани бошқариш тартиблари” деб номланган асарида бу хусусда шундай ёзади: “... болаларни ўзига ишонган, кучли, топқир, чаққон ва ақлли қилиб тарбиялаш учун ўз кадр-қиммати, шаънини хурмат қилиш руҳини тарбия қилмоқликни, шу билан бирга ён-атрофдаги одамлар билан ҳисоблашишни ўргатмоқ керак”¹.

Ота оила бошлиғи сифатида оила аъзоларининг ўзаро муносабатларини, меҳнат тақсимотини ташкил қилган ва назоратни олиб борган. Уйғур оиласида меҳнат тақсимоти аввало, оила аъзоларининг жинси, ёши ва лаёқатига қараб амалга оширилган. Она оила бошлиғининг асосий ёрдамчиси сифатида ёш болалар тарбияси билан шуғулланиш баробарида уй-рўзғор юмушларини бажарган. Бунда она оиладаги қизлар меҳнатидан ёрдам сифатида фойдаланган. Қизлар эса ёшлигидан (8 ёшдан) уй-рўзғор ишларини (кир ювиш, хона ва ҳовлини супуриб тозалаш, тикиш, тўқиш, хамир қориш, овқат тайёрлаш ва бошқа хўжалик юмушларини) бажаришга

¹ Абдурауф Фитрат. Оила ёки оилани бошқариш тартиблари (Иккинчи нашр). – Т., 2000. – Б.34.

ўргатиб борилган¹. Қиз болани оилавий ҳаётга тайёрлашда, унинг тарбиясида момолар ўгити, она ибрати муҳим аҳамият касб этган. Шу асосда фарзандларда ўзгалар билан мулоқотга киришиш, муомала маданияти шакллантирилиб борилган. Уйғур оиласида тарбия топган қиз ўзбек ва тожик қизлари каби ораста, маънавий-ахлоқий жиҳатдан комил бўлиб етишган. Бундай оилавий анъана аждодлардан-авлодларга ўтиб сақланиб борган.

Маълумки, Фарғона водийсига кўчиб келган уйғурлар ҳали ўзлаштирилмаган ҳудудларда манзилгоҳлар барпо қилиб, ўз хўжаликларини тиклаганлар. Деҳқончилик хўжалигини юритишда азалий анъаналарга эга бўлган уйғурлар ўз томорқаларидаги юмушларни бажаришга оиладаги ўғил болаларни жалб этишган. Оиланинг катта ўғил фарзанди ҳамisha ота билан бирга меҳнат қилган. Албатта, тўнғич ўғилни отадан кейинги оила бошлиғи бўлишга тайёрлаб борилган. Шу мақсадда тўнғич ўғилга ота оиланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётига алоқадор баъзи бир масалаларни мустақил ҳал қилишни ишониб топширган².

Фарзанд тарбиясида оиладаги ўғил-қизларнинг ўзаро муносабати муҳим аҳамият касб этади. Барча шарқ халқлари каби уйғурларда ҳам оиладаги тўнғич фарзанд ука-сингиллари олдида муайян масъулиятга эгалиги уқтирилган. Оиладаги катта ўғил болалар ўз опа-сингил ва укаларининг ор-номуси ва шаънининг посбони ҳисобланиб, уларга нисбатан талабчан, адолатли бўлишга ҳаракат қилганлар.

Барча мусулмон оилаларидаги каби уйғур оилаларида яна бир қатор анъаналар узоқ даврлар давомида яшаб келмоқда. Чунончи, фарзандлар, айниқса қизлар ҳеч қачон отадан аввал уйқуга ётмаган ва кеч турмаган. Бундан ташқари, катта оилаларда аёл ва қизлар, келинлар ота билан ёки эркаклар билан бир дастурхонда ўтириб овқатланмаганлар. Оила аъ-

¹ Решетов А. Обряды детства и воспитание детей в традиционном культуре уйгуров // Маловские чтения (по материалам конференции). – Алма-Ата: Гылим, 1990. – С.135.

² Бўриев О., Шоймардонов И., Насриддинов Қ. Ўзбек оиласи тарихидан. – Т., 1995. – Б.99.

золарининг овқатланиши билан боғлиқ анъанага айланган яна бир одат шуки, унга кўра дастурхонга тортилган таомга аввал ота, она, сўнгра ёшига қараб қўл узатганлар. Ушбу маънавий-ахлоқий қадрият, гўзал анъана бугунги кунда ҳам ўзбеклар ҳамда уйғурлар орасида сақланиб келмоқда. Демак, оилавий-маиший ҳаётдаги ўзгаришлар жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига қараганда бирмунча суст, секинроқ кечади, дарҳол кўзга ташланавермайди.

Ўрта Осиё халқларининг оилавий турмуш тарзини ўрганган тадқиқотчи Н.А. Кисляков шундай хулосалар баён қилган эди: “Оилада, унинг ички ҳаётида кўпинча жамиятнинг ижтимоий, сиёсий соҳасига бевосита алоқаси бўлмаган, юз йиллар давомида шаклланган ўзаро муносабатлар, одоб-ахлоқ меъёрлари ва анъаналари қарор топади. Одатлар алмашинуви, янги анъаналарнинг қарор топиши ҳатто жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар даврида ҳам бирдан рўй бермайди”¹.

Фарғона водийси уйғурларининг оила-никоҳ муносабатларидаги анъаналар кўп жиҳатлари билан ўзбек, қирғиз ва тожик халқлари билан ўхшаш. Албатта, бу ўхшашлик ва яқинлик ўзининг тарихий асосларига эга бўлиб, водий халқлари маданияти, анъаналари ягона этномаданий муҳитда шаклланганлиги ҳам сезилиб туради².

Шунга қарамай, оилавий-маиший турмуш анъаналарида миллий-этник хусусиятлар унинг тузилиш шаклида эмас, балки унинг анъаналарида, урф-одатларида кўпроқ сақлангани кузатилади.

Хуллас, ҳозирда уйғур халқининг турмуш тарзи ва маданияти билан боғлиқ бир қатор анъаналар оила-никоҳ муносабатларида янгича шаклланиб, уйғурлар томонидан қадрланиб келинмоқда.

¹ Кисляков Н.А. Очерки по истории семьи и брака у народов Средней Азии и Казахстана... – С.29.

² Daniel G.Hoskins. Uyghur-uzbek trader relations in the Fergana Valley // Уйгуроведение в Казахстане: традиция и инновация. Материалы международной конференции. Алматы, 30 сентябрь 2005 г. – Алматы: Наш мир, 2005. – 154 с.

III.2.§. Замонавий уйғур оиласи

Маълумки, оила ва оилавий муносабатлар турмуш тарзининг муҳим қисмини ташкил этади. Юқорида келтириб ўтганимиздек, уйғурларнинг оила-никоҳ муносабатларида ўзбек, тожик, қирғиз ва бошқа маҳаллий аҳоли каби кўплаб одатлар, ахлоқ-одоб меъёрлари аجدодлардан-авлодларга ўтиб анъана сифатида яшаб келган. Уларнинг аксарияти бугунги кунда ҳам ижобий характер касб этиб, замонавий уйғур оиласининг ўзига хос хусусиятларини белгилаб турибди. Шу билан бирга, замонавий уйғур оиласи, хусусан оила-никоҳ муносабатлари кейинги йиллар ичида трансформацияга учради, кўплаб инновациялар кириб келди.

Демак, бугунги уйғур оиласида қадрият даражасида шаклланган анъаналар ва инновациялар бир вақтда ўз ифодасини топган. Ҳеч бир оила йўқки, унинг кундалик ҳаётида анъаналар ва инновациялар акс этмаган бўлса. Бу ҳолат маҳаллий ўзбек ва тожик хонадонлар учун ҳам хос хусусият, албатта. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, ҳозирги уйғур оиласи, оила-никоҳ муносабатларида юқорида айтиб ўтганимиздек, бир қатор этник хусусиятлар сақланиб келмоқда. Бу эса биз олиб борган дала этнографик тадқиқотлари давомида ҳамда уйғурлар компакт яшайдиган аҳоли манзилгоҳларида ўтказилган этносоциологик сўровлар натижаларидан ҳам маълум бўлди.

Маълумки, этнологлар оилани шаклига кўра катта ва кичик (нуклеар) оилаларга ажратадилар. Оиланинг мавжуд бундай шакллари ҳозирги уйғур оилалари учун ҳам хосдир. 2012–2014 йиллар давомида ЎзР ФА Тарих институти “Этнология ва антропология” бўлими илмий ҳодимлари томонидан Фарғона вилояти Фарғона тумани Миндон қишлоғида этнографик ва этносоциологик тадқиқот олиб борилган эди. Ушбу тадқиқот жараёнида Миндон аҳолисининг оила ва оилавий муносабатларига оид ҳам қимматли маълумотлар тўпланди ва ушбу маълумотлар 2015 йилда нашр қилинган “Миндон ва миндонликлар” номли жамоавий монографияда ўз акси-

ни топган. Мазкур асарнинг “Замонавий қишлоқ оиласида бола социализацияси хусусиятлари” деб номланган қисмида замонавий қишлоқда катта оиладаги шарт-шароит ва ўзаро муносабатларга кўра икки турга – иқтисодий жиҳатдан тўла ажралмаган ва қисман патриархал муносабатларни сақлаб қолган катта оилаларга ҳамда ўзаро иқтисодий ҳамкорликка ва нисбатан эркин иқтисодий муносабатларга асосланган катта оилаларга бўлиниши кўрсатилган¹. Асарда бугунги кунда юқорида кўрсатиб ўтилган катта оилаларда кичик-нуклеар оилаларга нисбатан оилавий анъаналар, хусусан, оталар ва фарзандлар ўртасидаги анъанавий муносабатлар яхши сақланиб қолганлиги таъкидланади². Айнан шундай ҳолат водийлик уйғурларда ҳам кузатилади. Боз устига Миндон қишлоғи аҳолисининг салмоқли қисми аслида Шарқий Туркистондан ушбу аҳоли манзилгоҳига кўчиб келиб ўрнашган уйғурларнинг ҳозирги авлодларидир³.

Уйғурлар ҳам бошқа маҳаллий халқлар қатори азалдан болажон халқ ҳисобланади. Уйғур миллатига мансуб кекса ахборотчиларнинг маълумот беришларича, ўтган асрнинг 50–60 йилларида 8–10 нафар фарзандли бўлган уйғур оилаларини кўп учратиш мукин бўлган. Уйғур миллатига мансуб яна бир ахборотчи Андижон шаҳар “Аҳмадбекхожи” МФЙ фаоли Қодиров Сайфиддиннинг ота оиласи ҳам серфарзанд оилалардан бўлиб, ушбу оилада ота-онадан ташқари 8 нафар фарзанд истиқомат қилган.

Ўзбек халқи этнографиясини тадқиқ этган И. Жабборов “...бу даврда кўпболалилик рағбатлантирилган албатта, хусусан, “Қаҳрамон она” деган фахрий унвон ҳам таъсис этилган, болага меҳр қўйиш, кўп болали оилаларни ҳурматлаш ўзбеклар миллий руҳиятини ифодалайди”⁴, деб таъкидлаган.

¹ Миндон ва миндонликлар. – Т.: Yangi nashr, 2015. – Б.149; Горшунова О.В. Узбекская женщина: социальный статус, семья, религия (по материалам Ферганской долины). – М., 2006. – С.42.

² Миндон ва миндонликлар. – Т.: Yangi nashr, 2015. – Б.149–150.

³ Миндон ва миндонликлар. – Т.: Янги нашр, 2015. – Б.13.

⁴ Жабборов И. Ўзбек халқи этнографияси. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – Б.213.

Албатта, бу каби серфарзанд оилалар умумий оилаларнинг фақат 2–3 Ҷоизиини ташкил қилар эди. Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистонда 1959 йилда оила аъзоларининг сони ўртача 4,6 (шаҳарда – 4,1, қишлоқда – 4,8) нафарни, 1989 йилда эса 5,5 (шаҳарда – 4,7, қишлоқда – 6,2) нафарни ташкил қилган¹. Ўзбек оилаларида бу пайтда кўпболалилик кўп учраб фарзандлар сони 10–12 нафарни ташкил қилса, кўпболали уйғур оилаларида эса кўпи билан 8–10 нафаргача фарзанд бўлган.

Бугунги кунга келиб, Ўзбекистонда яшаётган маҳаллий мусулмон аҳоли (ўзбек, тожик, қирғиз, уйғур ва ҳ.) оилаларидаги фарзандлар сони камайиб бораётганлигини кузатиш мумкин. Масалан, ахборотчи 1951 йилда туғилган Роҳилахон Қосимованинг 2 нафар фарзанди (бир қиз ва бир ўғил) бор. Дарҳақиқат, уйғурлар орасида ота-она ва 2 ёки 3 нафар фарзандли (4–5 кишилик) оила шакли кўпайиб борган.

Фарғона водийсида яшаётган уйғурларнинг бугунги оилалари ҳақида гапирганда шуни таъкидлаш керакки, ХХ асрнинг иккинчи ярмидан эътиборан урбанизация ва санотлашув ҳамда тил ва маданиятнинг яқинлиги маҳаллий ўзбеклар билан ассимиляциялашув* жараёнини кучайиши оилавий муносабатларда ҳам бир қатор ўзгаришлар юз беришига олиб келди. Бироқ, шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, бу жараён революцион тарзда эмас, жуда секинлик билан юз бермоқда. Тадқиқотчи О.В. Горшунова ҳам бу даврда оилада ва унинг баъзи анъаналарида ўзгариш юз бера бошлаганини қайд этган эди². Хусусан, замонавий уйғур оиласи отанинг авторитар мавқеи ҳозирда, яъни оиладаги роли либераллашган (муросасозлик) ҳолда намоён бўла бошлади. Яъни, ота оила бошлиғи сифатида оилавий муносабатларда барча аъзоларининг, айниқса, хотин ва катта ёшдаги ўғил болаларнинг фикр ҳамда маслаҳатларини инобатга олувчи, муҳим масалаларда улар билан кенгашиб, келишиб қарор қабул қилувчига ай-

¹ Бўриев О., Усмонов М. Ўзбек оиласи. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – Б.57–58.

² Горшунова О.В. Узбекская женщина: социальный статус, семья, религия (по материалам Ферганской долины). – М., 2006. – С.42.

лана борди. Оилавий муносабатларда онанинг ўрни ва роли сезиларли даражада ортиб борди. Она эрнинг измида бўлса-да, энди кўплаб масалаларда унинг асосий маслаҳатчисига айланди. Оилада эр-хотиннинг ўзаро ижобий ёки салбий муносабатлари – бутун оила аъзоларининг, аввало, ота-она билан фарзандлар ўртасидаги муносабатлар хусусиятини белгилаб келган. Бу хусусият водийлик уйғур оилалари учун ҳам хосдир. Дала этнографик тадқиқотларидан маълум бўлдики, бугунги кунда уйғур оилаларида эр-хотин ва фарзандлар ўртасидаги муносабат, асосан, ўзаро ҳурмат ва бир-бирини эъозлаш асосига қурилган. Фарғона водийси худудида уйғурлар компакт жойлашган қишлоқлардаги оилаларни ўрганиш шуни кўрсатдики, оила аъзоларининг ўзаро муносабати, асосан, ижобий хусусият касб қилади. Уйғур олими Эмин Турсун ўз асарида “Отага бўлган чуқур ҳурмат деярли барча уйғур оилаларида кузатилади. Ҳеч бир оилада фарзанд ёки аёл отадан юқори жойда ўтирмайди. Ота ёнида овозини баланд қилиб бақириб-чақирмайди”¹, деб таъкидлаган. Дарҳақиқат, бу каби одоб ва ахлоқ меъёрларига бугун Фарғона водийси маҳаллий халқларининг барчаси амал қиладилар.

Фарзандларни ота-онага бўлган ҳурмати, қадр-қиммати ва обрўсини сақлаш каби азалий одоб-ахлоқ меъёрлари анъана сифатида бугун кўплаб мусулмон оилаларида, шунингдек, водий уйғурларида ҳам яшаб келмоқда. Хусусан, Андижон вилояти Пахтаобод тумани Уйғуробод қишлоғида яшовчи Аҳрамжон Ҳамрақулов дала тадқиқотлари пайтида биз билан суҳбатда шундай маълумотлар берди: “Бизларда (уйғурларда – В.Г.) ҳам ўзбеклардаги каби қишлоқдаги тўй маросимларида ота ўтирган хонага кириб, у билан бир дастурхон атрофида ўтириш беодоблик саналади. Ҳатто, кўп ҳолларда ўғиллар ота қатнашаётган тўй ёки худойи каби тадбирларда иштирок этишдан ўзларини тиядилар”. Бундан ташқари оила аъзолари дастурхон атрофида тўпланганларида ота доимо уйнинг тўрида, (яъни давранинг юқори томонида) ўтиради ва сақланиб келинаётган азалий анъанага кўра, дастурхонга

¹ Эмин Турсун. Наврўзнама. – Шинжонг–Урумчи: Ёшлар-ўсмирлар нашриёти, 2001. – Б.96.

тортилган нозу неъматлар ёки таомга аввал ота-она, сўнгра оиланинг бошқа аъзолари ёшига қараб қўл узатадилар. Дала тадқиқотлари давомдаги кузатувлардан шу нарса маълум бўлдики, бугунги кунда оила аъзолари учун таом алоҳида тортилган ҳолда ҳам овқатланишни ота бошлаб беради. Яна шунга алоҳида тўхталиб ўтиш керакки, кейинги ўн йиллар ичида айрим тартиблар ўзгарди.

Оилавий муносабатларда келин алоҳида ўринга эга. Барча мусулмон халқларидаги каби водий уйғурларида ҳам оилавий юмушларни чунончи, ҳовли ва хоналарни тозалаш, таом тайёрлаш, кир ювиш ва бошқаларни бажариш, асосан, келин зиммасида бўлади. Бу ҳақда тадқиқотчи М.А. Бикжанова “... Фарғона водийсида қарор топган анъаналарга кўра, оилада келин тўла қайнонага бўйсунди”¹ ва албатта, оиланинг бошқа аёл аъзолари (қайнона, қайсингил) ҳам юқоридаги оила-рўзғор юмушларини бажаришда келинга қўмаклашадилар.

Тобора замонавийлашиб бораётган уйғур оиласида келин танлаш ва оила аъзоларининг келин билан муносабатида ҳам сезиларли даражада ўзгаришлар юз берди. Бундай ўзгаришлар ёшлар учун умр йўлдош танлаш, аввало, ота-она қарашларида намоён бўлди, десак хато бўлмайди. Ўтмишда ота авторитар кучга эга бўлган анъанавий оилада ўғилни уйланиши, қизни турмушга чиқиши ва бу билан боғлиқ барча масалаларда ота асосий роль ўйнагани, унинг фикр ва қарашлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги маълум. Бугунга келиб бу масалада отанинг фикри устувор аҳамият касб этиши билан бирга, айни вақтда оила қураётган ёшларнинг (йигит ва қизнинг) ҳам хоҳиш-истаклари инобатга олинаётгани дала тадқиқотлари даврида аксарият ахборотчилар томонидан таъкидлаб ўтилган.

Пахтабод тумани Уйғуробод қишлоғида ўтказилган этносоциологик тадқиқотларда иштирок этган уйғур миллатига мансуб респондентларнинг 91 фоизи “*Никоҳланишда кимнинг фикрини асосий, ҳал қилувчи деб ҳисоблайсиз?*” деган саволга, “*ота-онамнинг фикри*”, деб жавоб берганлар. Шунингдек, кат-

¹ Бикжанова М.А. Семья и положение женщины в колхозах Наманганской области... Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Т., 1959. – С.5.

та ёшдаги респондентларга “*Фарзандингизга турмуш ўртоғи танлашда уларнинг фикри Сиз учун қанчалик муҳим?*” деган саволга 84,4 фоизи “*муҳим, уларнинг ҳоҳишлари билан ҳисоблашаман*”, деб жавоб берганлар¹.

Ёшларнинг никоҳга муносабатидаги ўзгаришлардан яна бири шуки, бугунги кунда нафақат йигитлар, балки қизлар ҳам умр йўлдошларини ўзлари танлаб, турмуш қуришни истайдилар. Буни қуйидаги фактик материаллар ҳам тасдиқлайди. Оила қуриш ёшидаги уйғур қизлардан 87,3 фоизи “*Умр йўлдошимни ўзим танлашни хоҳлайман, бироқ ота-онамнинг розилиги ҳам муҳим*” деб демократик тарзда жавоб берган. Сўровда иштирок этган қизларнинг фақат 8,4 фоизи қисми “*Бу масалани ота-онам ҳал қилади*” деб ҳисоблайди. Ушбу саволга 4,3 % қизлар жавоб беришга қийналишини билдирганлар².

Респондентларнинг маълумотларидан келиб чиқиб ҳам никоҳга бўлган муносабатда фарқ сезилади. Масалан, сўралган олий маълумотли ёки олий таълим муассасасида таҳсил олаётган ёшлар, ўрта махсус маълумотга эга йигит-қизларга нисбатан умр йўлдош танлашда эркин, мустақил фикрга эга эканлигини маълум қилдилар. “*Неча ёшдан оила қуриш маъқул?*” деган саволга берилган жавоблар таҳлили шуни кўрсатдики, катта ёш (60–70 ёш)даги респондентларнинг кўпчилиги 74,4 фоизи “*йигитлар учун 22–25 ёш, қизлар учун эса 18–20 ёш оила қуриш учун энг мақбул ёш*” деб ҳисоблайдилар. Ушбу саволга оила қуриш ёшидаги йигит-қизларнинг жавоблари бироз фарқ қилади. Яъни, йигитлар 25–28 ёшни (70,1 %), қизлар эса 20–22 ёшни (71,4 %) никоҳ учун маъқул ёш ёки оила қуришга ҳар жиҳатдан маъқул давр деб ҳисоблайдилар³.

Тадқиқотчи А. Решетовнинг таъкидлашича, “Қадимда уйғур ёшлари жуда тез социализация бўлган. Улар 12–14 ёшга

¹ Этносоциологик сўровлар. 2015 йил. Андижон вилояти Пахтаобод тумани.

² Этносоциологик сўровлар. 2012 йил. Андижон вилояти, Наманган вилояти. Фарғона вилояти.

³ Этносоциологик сўровлар. 2012 йил. Андижон вилояти. Наманган вилояти. Фарғона вилояти.

етганидаёқ ота-оналари аллақачон уйлантиришга ҳаракат қилишган¹. Юқоридаги фактлар эса, замонавий уйғур ёшларининг оила, никоҳга муносабатларида кескин янгилашишлар бўлаётганини кўрсатади.

“Сиз фарзандларингиз учун умр йўлдош танлашда қандай сифатларга эътибор қаратасиз?” деган саволга каттароқ ёшдаги респондентларнинг 42,8 фоизи “одобига”, 24,2 фоизи “ота-онасига, насл-насабига”, 21,3 фоиз респондент “касб-корига, хунарига” ва 2,2 фоиз иштирокчилар эса “маълумоти-га, асосан олий маълумот олганми, йўқми, бу келажак учун муҳим” деб ҳисоблашини, сўралганларнинг 4,1 фоизи “бу ҳақда бир нима айтолмайман”, деб жавоб беришди².

Этносоциологик тадқиқот давомида респондентларни этник-аралаш никоҳга муносабатлари ҳам ўрганилди. Шу мақсадда турли ёшдаги ва жинсдаги, ҳар хил ижтимоий тоифага мансуб респондентларга тарқатилган сўров-анкетага “Бошқа миллатлар билан тузиладиган никоҳга муносабатингиз қандай?”, “Қайси миллат вакиллари билан турмуш қуришга эътироз билдирмайсиз? Нима учун?” каби саволлар киритилган бўлиб, уларга олинган жавоблар қуйидагича:

– Респондентларнинг асосий қисми аралаш никоҳга эътироз билдирмайдилар, лекин мусулмонлар билан аниқроғи ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқ кабилар тузиладиган никоҳни маъқул кўрадилар. Худди шундай фактларни Тошкент шаҳрида этносоциологик тадқиқотлар олиб борган Б. Убайдуллаева ва И. Хўжахоновлар ҳам қайд этадилар. Уйғурлар мусулмон бўлмаган, ёки бошқа диндаги киши билан турмуш қуришни истамайдилар. Тошкент шаҳри бўйича сўровларда иштирок этган респондентларнинг 96 фоизи “Бошқа диндаги киши билан турмуш қуришингиз мумкинми?” деб берилган саволга “йўқ” деб қатъий жавоб берган³. Демак, маҳаллий халқлар (ўзбек,

¹ Решетов А. Обряды детства и воспитание детей в традиционном культуре уйгуров // Маловские чтения (по материалам конференции). – Алма-Ата: Гылим, 1990. – С.135.

² Этносоциологик сўровлар. 2012 йил. Андижон вилояти Наманган вилояти, Фарғона вилояти.

³ Убайдуллаева Б., Хўжахонов И. Уйғурларнинг никоҳ тўйи ма-

тожик, уйғур ва бошқа)да миллий-аралаш никоҳга нисбатан муносабатларини шакллантиришда дин бирлиги (ислом омили) устуворлиги сезилади.

– Сўров натижаларига кўра, Пахтаобод тумани Уйғуробод қишлоғида яшайдиган 67,4 фоизи келиб чиқиши уйғур миллатига мансуб респондентлар ўзбеклар билан, яна 6,8 фоизи тожиклар билан, 2,4 фоизи қирғизлар билан оила қуришга қарши эмасликларини билдирдилар. Ушбу қишлоқда яшовчи 21,4 фоиз респондентлар фақат ўз миллати вакиллари билан оила қуриш, никоҳланиш маъқул деб ҳисоблайдилар¹.

Тадқиқот натижалари таҳлилидан маълум бўлдики, уйғур миллатига мансуб айнан кекса ёшдаги респондентлар орасида ўз миллатдошлари билан никоҳни маъқул кўрадиганлар кўпчиликни ташкил қилди. Бу тушунарли албатта, чунки, кекса авлодда миллий ўзликни англаш, турмуш тарзида эса ўз миллатига хос этномаданий хусусиятлар ёшларга нисбатан анча барқарорлик касб этади.

Этник аралаш никоҳлар кўпайиб боришига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири – бу этник муҳитдир. Одатда, ўз этник муҳитида яшаб турган халқ ўзга этник муҳитда яшаётганларга нисбатан бошқа миллат вакиллари билан камроқ никоҳ тузадилар. Бундан ташқари, миллатлараро никоҳларни кўпайгани муайян этнос вакилларининг ҳудуддаги жойлашиш характерига ҳам боғлиқ. Этносоциологик тадқиқот натижаларидан маълум бўлдики, уйғурлар компакт яшаётган Уйғуробод қишлоғи аҳолисининг 72,1 фоизи аралаш никоҳни маъқуллайдилар². Уйғурлар тарқоқ яшайдиган аҳоли манзилларидан олинган натижалар эса юқоридагилардан фарқ қилади.

Маълумки, ўзга этник ва маданий муҳитда тарқоқ жой-росимларида миллий ва диний анъаналарнинг уйғунлашуви // Ўзбекистон халқининг дини, маданияти ва урф-одатлари: тарих ва ҳозирги замон. – Т.: Ислом университети нашриёти, 2011. – Б.217.

¹ Этносоциологик сўровлар. 2015 йил. Андижон вилояти. Пахтаобод тумани. Уйғуробод қишлоғи.

² Этносоциологик сўровлар. 2015 йил. Андижон вилояти Пахтаобод тумани Уйғуробод қишлоғи.

лашган ҳар қандай этносни маҳаллий кўпсонли этнос билан этногенетик, этномаданий ассимиляциялашуви ва консолидация (қоришуви) анча жадал кечади. Камсонли ва тарқоқ этник гуруҳ ўзининг этник хусусиятларини йўқотиб боради. Масалан, Андижон вилоятининг Олтинкўл тумани Аълам қишлоғида яшайдиган келиб чиқиши уйғур этносига мансуб 64 нафар респондентнинг 61 (92,4 %) таси ўзбеклар билан оила қуришни маъқул биладилар. Ушбу қишлоқда ассимиляция фаол юз берган. Бугунги кунда уйғурларнинг маҳаллий этнослар билан никоҳи одатий ҳолга айланиб бормоқда. Фарғона водийсида ўзбек-уйғур, уйғур-ўзбек, тожик-уйғур, уйғур-тожик, қирғиз-уйғур, уйғур-қирғиз аралаш никоҳлари кўп кузатилади. Уйғур аҳоли зич яшовчи Шаҳрихон туманида 1962 йили тузилган 34 та никоҳ қайдининг 15 таси уйғурлар ўртасида, 19 таси эса маҳаллий этнослар, асосан, ўзбеклар билан бўлган¹. Тадқиқотчи Ш. Атахановнинг қайд этишича, Асака тумани ҳудудида яшовчи лўлиларнинг “повон” ва “оғача” каби ўзбеклашган этнографик гуруҳи вакиллари билан уйғурлар ўртасида никоҳлар кўпайган².

Маълумки, этник аралаш оилалар ўз ички ҳаёти билан бир хил миллат жуфтлиги асосида тузилган оилалар ўзаро фарқланади. Бундай фарқ, аввало, оила аъзоларининг турмуш тарзи, хусусан икки миллатга хос одатлар анъаналарнинг қоришиб боришида намоён бўлади. Шунингдек, бундай миллатлараро оилаларда тил (ёки шева)лараро қоришув ҳам жадал кечади. Шуни ҳам айтиб ўтиш ўринлики, бир миллат вакиллари жуфтлигидан ташкил топган ўзбек, тожик, қирғиз оилаларига нисбатан айнан уйғурларнинг ўзаро никоҳлари асослари ташкил топган оилаларда уйғур халқига хос анъанавий маданият намуналари сақланиб келмоқда. Масалан, бундай анъаналарни уйғур миллий таомларининг тез-тез тайёрланиб истеъмол қилинишида, уйғур миллий куй-қўшиқлари

¹ Исхаков Г.М., Решетов А.М., Седловская А.Н. Современные этнические процессы у советских уйгуров // Этнический процесс у национальных групп Средней Азии и Казахстана... – С.90.

² Атаханов Ш. Фарғона водийси лўлилари. Тарих фан. ном. дисс. – Т., 2005. – Б.122.

ижро этилиши ва кўп тингланишида, расм-русумларни бажарилишини дала тадқиқотлари давомида кузатдик¹.

Оила ижтимоий тузилма бўлса-да, у иқтисодий асосга ҳам таянади. Оилавий муносабатлар тизимида иқтисодий муносабатлар ҳам аста-секин қарор топади. Бугунги кун оилаларининг иқтисодий асоси меҳнатга лаёқатли, ишлаб чиқаришда иштирок этувчи аъзоларнинг даромадидан шаклланди. Барча халқлар сингари водийлик уйғурлар ҳам бугунги кунда турли соҳаларда меҳнат қилмоқда. Уйғурлар яшаётган қишлоқларда олиб борилган этнографик тадқиқотлар давомида кузатиб гувоҳ бўлдикки, бугун уйғурлар турли ташкилот ва корхоналарда, фермер хўжаликларида меҳнат қилиш билан бирга хусусий тадбиркорлик ва бизнес билан ҳам шуғулланадилар. Уйғур оилалари замон талабидан келиб чиқиб, шахсий томорқаларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйган. Масалан, Шаҳрихон тумани Дўлан қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳожиматов Абдуҳаким ўз томорқасида ташкил қилган уч сотихли иссиқхонада помидор, бодринг, редиска, зиравор кўкатлар, исмалоқ етиштиради. Ёки, бошқа мисол: Фарғона вилояти Қува тумани Қашқар қишлоқда истиқомат қилувчи Солиев Абдуваҳоб мутахассислиги бўйича олим агроном бўлгани сабаб томорқасида лимон ва гулкўчатлари етиштириш билан шуғулланади. Бундан ташқари қуваликларнинг азалий даромади бўлган гилос, анор, қулупнай мевалари билан бирга мевали дарахт кўчатларини ҳам етиштириб, жуда катта даромад топади.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, уйғурлар азалдан деҳқончилик билан шуғулланганлар. Уйғурлар билан ёнма-ён яшаб келаётган аҳоли, айниқса, ўзбеклар уларни ниҳоятда меҳнаткаш, тадбиркор эканлигини биз билан суҳбатда кўп таъкидладилар. Айниқса, улар шоли етиштиришда моҳир эканлигини, бу борада зарур маслаҳатлар олиб туришларини алоҳида айтиб ўтдилар. Бугунги кунда ҳукуматимиз оиланинг моддий фаровонлик даражасини кўтариш, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш учун шароит яратиб бермоқда.

¹ Этносоциологик сўровлар. 2015 йил. Андижон вилояти Пахтаобод тумани Уйғуробод қишлоғи.

Қисқача айтганда, юртимизда яшаётган 130 дан ортиқ миллат ва элатлар қатори уйғурлар ҳам давлатимиз ҳудудида эмин-эркин яшаб, турмуш даражаларини юксалтириб бормоқдалар. Ҳозирда уйғур оиласининг моддий фаровонлиги ортиб, ҳар бир оила шахсий уй-жой, томорқа, замонавий маиший техника, уй-рўзғор буюмларидан фойланадилар. Кўплаб уйғур оилалари Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган шахсий автомашиналарга эгалар.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, уйғурлар ҳаётида ислом дини анъаналари билан қадимий эътиқод намуналари кўзга ташланади. Аммо, Фарғона водийсига кўчиб келгандан сўнг уларнинг маиший турмушидаги удум ва анъаналар, айрим расм-русумлар диний муҳит таъсири остида ўзгаришга учрай бошлади. Мазкур омил маиший турмуш анъаналарининг ўзгаришига таъсир кўрсатган муҳим ва асосий ҳодиса эди.

Дала тадқиқотларида аҳолининг миллий анъаналарга содиқлиги, ўз миллати тарихи ва маданиятини фарзандларига қай даражада етказиб бermoқда. Умуман оила даврасида уйғур маданияти ва тарихига оид суҳбатлар бўлиб турадимми? – деган саволга Пахтаобод туманидан иштирок этган респондентларнинг 55,6 фоизи *албатта*, деб жавоб берди.

Миллий менталитетга хос тарбиявий хусусиятларга уйғур оилалари қаттиқ амал қилган. Фарғона водийси уйғурлари маиший турмушида куйидаги ўзгаришлар юз берди. Катта оила шакли ҳудуднинг барча аҳолиси турмушида ўзгаришга учраб, унинг ўрнида кичик, иқтисодий жиҳатдан бўлинмаган оилалар кўпайди.

– Водий аҳолисига хос қалин анъанаси уйғур оила-никоҳ тизимига тез кириб келди. Ўз этник гуруҳи (миллатдошлар) билан никоҳлар қалинсиз, ўзбек, қирғиз ва бошқалар билан бўладиган никоҳларда эса қалин олиш одати пайдо бўлди.

– Этник аралаш оилалар сони кўпайди. Этник аралаш никоҳлар, асосан, мусулмонлар ўзбек, қирғиз, тожик, қozoқ, қорақалпоқ, татар билан бўлгани кузатилди.

– Уйғурларда кўпхотинлилик йўқолиб кетди. Бунинг сабаби аввало, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт ва ҳуқуқий омиллар таъсирида юз берди.

– Ижтимоий тоифага хос белгиларни сақлаш мақсадида қашқарлик хўжа авлодларининг ички никоҳлари сақланиб қолгани кузатилади.

Оилавий муносабатлар жамиятнинг иқтисодий ва маънавий ривожини таъминлайди. Ҳар бир оилада шаклланган одатлар, тартиблар, меъёрлар барча учун бирдек бўлиши лозим. Уйғур оилаларидаги анъаналарнинг маълум даражада иқтисодий-ижтимоий, маънавий муҳит таъсирида трансформациялашгани сир эмас. Бироқ, уларнинг ўрнини ҳудудда яшовчи мусулмон аҳоли анъаналари билан унификациялашган локал анъаналар эгаллаган.

Бозор муносабатлари оиланинг шаклига, унинг бошқарувчилик механизмларига таъсир кўрсатди. Айниқса, ҳозирда глобаллашув ва интеграция жараёнларининг авж олиб бораётгани оиладаги миллий анъаналар барқарорлиги билан бирга ундаги замонавийлашув тенденцияларини кучайтирди. Бугун тадбиркорлик, тижорат, фермерлик билан оилавий шўғулланиш оммалашиб бормоқда. Буни: оилавий анъаналар, урф-одатларга нисбатан танқидий ёндашиш кучайганида;

– турли миллат ва элатларнинг маданият намуналарини ўз турмуш тарзига олиб киришга уринишда;

– ёшлар орасида хорижий мамлакатлар аҳолиси турмуш тарзига қизиқишнинг кучайиб бораётганида;

– ёшлар орасида анъанавийлик билан замонавийликни уйғунлаштириш хоҳиши ортаётганлигида кўришимиз мумкин.

Хуллас, уйғур оиласи турмуш тарзи, оилавий анъаналарида бир қадар трансформация юз берган бўлса-да, ўзгалардан фарқлаб турувчи урф-одатлар, маросимлар, тарбия анъаналарида эса устунлик сезилиб туради. Бугун уйғур оилари ҳам юртимизда яшаётган бошқа миллат оилалари каби анъанавий, замонавий турмуш кечирмоқдалар. Ёш авлодни миллий удум ва анъаналарни қадрлаш, эъзозлаш руҳида тарбиялаш имкониятларининг мавжудлиги, бу борада айниқса, миллий маданий марказлар фаолияти қўллаб-қувватланиши яхши самара бермоқда.

IV БОБ

МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТДАГИ АНЪАНАВИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙ ЖАРАЁНЛАР

IV.1.§. Тўй маросимларидаги миллий ва замонавий анъаналар

Урф-одат ва маросимлар маиший турмуш ва оила ҳаёти, ўзаро муносабатлар билан боғланган ижтимоий ҳодисадир. Урф-одат, маросимлар инсоният ҳаётининг қадим даврларида шаклланиб, ривожланиб келган. Инсонлар ўз ҳаётлари давомида турли урф-одат ва маросимлар, анъаналар, расм русумларнинг фаол иштирокчиси бўладилар.

Ҳақиқатдан ҳам, миллат ҳаётидаги урф-одат ва маросимлар уни ўзга этнослардан фарқлаб турувчи муҳим белгилардан ҳисобланади. Айни вақтда ушбу урф-одат ва маросимларда этник хусусиятлар билан бирга иноэтник жиҳатлар ҳам акс этиб туради. Чунки, бирор миллатга хос маданият мазкур этноснинг бошқа этнослар билан кечган этник ва маданий алоқалари натижаси ҳисобланиб, урф-одат, маросимларда янада яққол кўзга ташланади.

Урф-одатлар таркибини маросимлар ташкил қилиб, улар ўзгармас қоидага айланиб улгурган. Маросимлар икки гуруҳга, оилавий-маиший ва мавсумий маросимларга туркумланади. Буларнинг энг муҳими никоҳ билан боғлиқ маросим ва одатлар ҳисобланади¹.

Никоҳ инсон ҳаётидаги энг муҳим ҳодиса бўлибгина қолмай, жамиятда янги бир оила пайдо бўлганини ҳам билдиради. Никоҳ тўйи маросимлари уйғур халқининг миллий удумларини сақлаган ва минтақага хос хусусиятларни қабул

¹ Арифханова З. Современная обрядово-ритуальная жизнь узбеков Ташкента // Ўзбекистон халқининг дини, маданияти ва урф-одатлари: тарихи ва ҳозирги замон. – Т., 2011. – Б.135.

қилган урф-одатлар мажмуидир. Айнан никоҳ тўйлари ўзида этник хусусиятларни кўпроқ мужассамлагани ва маҳаллий аҳоли ҳамда Шарқий Туркистон уйғурлари маросимларидан фарқланувчи жиҳатларнинг мавжудлиги билан ажралиб туради. Одатда, никоҳ тўйлари уч босқичда, яъни тўйгача бўладиган урф-одатлар, тўй вақтидаги маросимлар, тўйдан кейинги ўтказиладиган маросимлардан ташкил топади¹. Тўй маросимлар ҳам айни кўринишда ўтиб, баъзи миллий хусусиятларнинг ҳозиргача сақланиб келгани билан қизиқарли. Таъкидлаш ўринлики, ҳозирда уйғурларнинг никоҳ билан боғлиқ муносабатларида ислом динининг таъсири кучли экани сезилади.

Миллий анъаналарга кўра, тўйгача бўладиган урф-одатларнинг дастлабкиси “совчилик”дир. “Совчилик” уйғур миллий удумларида алоҳида ўрин тутиб, қадимда совчилар “жупуғчилар”, деб аталган. Дарҳақиқат, Маҳмуд Қошғарий айтганидек, “совчи (сағчи) – келин ва куёв ўртасидагина эмас, балки уларнинг авлодлари ўртасида хабар элтувчи”². Совчиликнинг ўзи бир неча босқичда ўтган. Бошқа миллатларда учрайдиган қизиқ одат борки, уйғурларда совчиликка аввал эркаклар, кейин аёллар боради. Отанинг фикри кўпроқ аҳамиятли бўлганлиги учун у (эркак)лар муносиб оилани танлашади. Бу анъанага бутун Марказий Осиёда яшаётган уйғурлар жиддий амал қилишади. Тошкент шаҳрида яшовчи уйғурлар орасида этносоциологик сўровлар ўтказган тадқиқотчилар ҳам худди шундай анъана мавжудлигини қайд этишган³. Қашқарлик йигитлар миллий одатларга кўра қизни ўзи топиши лозим. Бу улардаги ғурур рамзи ҳисобланган. Ўз этник қавмидан ажралиб яшаётган уйғурларда маҳаллий, асосан, ўзбекча удумларни ўзлаштириш ҳолатлари ҳам учрайди. Хусусан, совчиларнинг биринчи келиши “эшик

¹ Исмоилов Х. Ўзбек тўйлари. – Т., 1962. – Б.101.

² Маҳмуд Қошғарий. Девону луғотит-турк. 2-жилд. – Т, 1961. – Б.65–169.

³ Убайдуллаева Б., Хўжахонов И. Уйғурларнинг никоҳ тўйи маросимларида миллий ва диний анъаналарнинг уйғурлашуви... – Б.216.

очди” деб аталиб, танланган хонадонга эркаклар ташрифи ҳисобланади. Агар эркаклар ўзаро тил топишса, кейин аёллар келишига рухсат берилади. Бўлғуси куёв қизнинг отонасига маъқул бўлса, совчиларга розилик рамзи сифатида нон ва ширинликлар қайтариши лозим. Никоҳ масаласида ёшларнинг фикрини шунчаки сўраб қўйишади. Аммо, жавобнинг аҳамияти йўқ.

Совчиликдаги миллий анъана, удумлардан бири уйғурларда қизни синовдан ўтказишдир. Ҳозирда ҳам бу одатга жиддий амал қилинади. Аёл совчилар келганда қиз, бўлғуси келин ўзи тугиб пиширган чучварани дастурхонга олиб келиши керак. Чучварани еб, қизнинг пазандалиги, зийрак ва чаққонлиги, рўзгорни уддалаб кетишига баҳо берилади. Уйғур оилаларида қизларига ёшлигидан жимжалокда чучвара тугиш ўргатилган. Шу билан бирга совчилар синчковлик билан қизнинг онасига, тарбиясига кўпроқ эътибор берадилар. Қиз синовидан сўнг, ўз навбатида куёв ҳам синовдан ўтказилган. Уйғур удумларига кўра, куёвга лағмон едириб синаб кўрилган¹. Бундан ташқари куёвнинг тадбиркорлиги, уддабуронлиги, фаҳму фаросати унинг қиз томонга юборган совға-саломларидан билиб олинган. Куёв синови нафақат аёллар, шу билан бирга оиланинг эркаклари томонидан назорат қилиб турилган.

Фарғона водийсида уйғурлар зич ўрнашган Андижон вилоятининг ҳудудида – Андижон шаҳри ва Пахтаобод тумани ҳудудларида ўтказилган этносоциологик сўров натижалари ҳам келин ва куёв синаш одатларининг мустаҳкам сақланганини кўрсатади. Кўпчилик уйғурлар янги оила асосчилари бўлган йигит ва қизни синовдан ўтказишни миллий одатлар сифатида кўрадилар. Бўлажак келиннинг эпчиллиги, чаққонлигини синовдан ўтказиш, келинга нисбатан талабчанлик Пахтаобод туманидаги респондентларда 47,4 фоизни ташкил қилган бўлса, куёвни синовдан ўтказишда эса Андижон шаҳрида яшовчи уйғурлар 24,2 фоиз билан етакчилик қилди².

¹ Мардонова Г. Нур тўла уй... – Б.12.

² Этносоциологик сўровлар. 2012 йил. Андижон вилояти Андижон шаҳри Пахтаобод тумани Олтинкўл тумани.

Агар бўлғуси келин ва унинг ота-онаси йигит томонга маъқул келса, синовлар яхши ўтса, албатта тўй бошланган. Уйғурлар эркаклар ёки оталар томонидан келишилган никоҳни анча мустаҳкам бўлади деб ҳисоблайди. Асосий иш пишитилгач, тўйнинг бошқа масалаларини қуда томонларнинг белгилаб қўйган вакиллари, яъни куёв томондан вакил ота (эркак), қиз томонидан эса вакил она (аёл) ташкил қилиб боради. Қиз томоннинг розилиги билдирилгач, никоҳ тўйларидаги дастлабки жамоавий маросим “аҳлиқ чой”¹ ўтказилади. Мазкур маросим қиз томонда ўтказилиб, унда ўн-йигирма киши иштирок этади. Бунда, қиз томонда кўпроқ аёллар фаол бўлса, куёв томондан эркаклар иштироки кузатилади.

“Аҳлиқ чой”да куёв томонидан бўлғуси келин ва келиннинг ота-онаси учун совғалар келтирилган. Маросимнинг асосий кульминацияси икки томоннинг тўй харажатларини келишиб олишидир. Ўшлик уйғурлар ҳам совчиликнинг бошланишини аҳлиқ чой деб атайди. Аҳлиқ чой қачон ўтказилмасин унда фақат тўй харажатлари ёки қалин хусусида келишиб олинади. Тўй тараддуди бошлангач, иккинчи маросим “маслаҳат чой”га қариндошлар, яқинлар йиғилган. Мазкур маросим ҳар икки томонда ҳам ўтади. Жамоавий характердаги маслаҳатда йигит томонда жўрабоши етакчилигида тўй харажатлари, бериладиган сеп, тўйлик муҳокама қилиниб, тайёргарлик кўрилса, қиз томондаги бу маросимда сеп учун зарур бўлган нарсалар устида келишиб, тўй режалари тузилади.

Хусусан, М.В. Певцов ва Ч. Валихановнинг гувоҳлик беришича, Қашқарда никоҳ учун қалин берилмаган. Одатда, уйғур қизлари ўз сепларига эга бўлишган². Ёхуд, қалиндан фарқли

¹ “Аҳлиқ чой”, “таъзим чой” – маҳаллий ўзбекларда “супурди тугун” ёки “тугун очди” дейилади.

² Певцов М.В. Путешествие в Кашгарию и Кунь-Лунь... – С.122; Дала ёзувлари. Андижон вилояти Андижон шаҳри. 2007 йил. М. Ибрагимовна. 65 ёшда.

“тўйлик”¹, “селиқ”², “онилик”³ бериш одати бор.

Уйғурларда “тўйлик” сиз тўй бўлмаган, бу одатга барча бирдек бўйсуниб, бунга ҳатто уйғур ҳоқонлари ҳам амал қилган. Уйғур ҳоқонларидан бири хитойлик (Тан сулоласи 618–907 йиллар) бўлғуси қудага “тўйлик” сифатида отлар юборса, ўз навбатида хитойлик қудалар қиз моли, сепи ўрнида ипак ва шойилар жўнатган⁴.

Селиқ харажатлари куёв томон имкониятларидан келиб чиқиб берилади. Бу харажатлар “селиқ” (совғалик) дейилиб, унинг таркибида “онилик” албатта бўлиши шарт. Уйғурларда она учун совға жуда муҳим ўрин тутаети. Аслида “онилик” она учун дейилса-да, лекин кўпроқ қизга маъқул бўладиган сарполар бўлган.

Бундан кейин куёв томондан “ошлиқ” юборилаети. Унинг таркиби ун-гуруч, ёғ, ўтин, сабзи-пиёз каби тўй дастурхони харажатларидан иборат. Ўш ва Жалолободлик уйғурлар бу маросимни “мол топшириш” дейди. Бунда асосан эркаклар куёв томон тўй харажатларини олиб келаети ва албатта, дастлабки зиёфат берилайти.

Бирок, қалиндан фарқлироқ бошқача одатлар ҳам мавжуд. Водийнинг айрим жойларида “ошлиқ”дан сўнг куёв бўлғуси келин томонга яширинча 200–300 сўм пулни ош солинган товоқ тагига қўйиб, киритиб юборган. Бу одат “ўғри товоқ” дейилиб, назаримизда қалиннинг янги, ноодатий совға, ҳадя, ёрдам сифатидаги кўриниши бўлиши мумкин. Аммо, Қашқадарё ва бошқа худудларда яшовчи ўзбек аҳоли қиз томоннинг

¹ *Тўйлик – Шарқий Туркистон ва Фарғона водийсида яшаган уйғурларнинг никоҳ маросими учун харажатлари, ун, гуруч, ёғ, сарпо ва ҳоказолардир.*

² *Селиқ ёки солиқ, сеп – бу бўлғуси келин ва ота-онаси учун сарполар.*

³ *Анилиқ, оналик – ўзбекларнинг никоҳда бериладиган “сут пули” каби онанинг ҳаққи ҳисобланиб, уйғурларда қизнинг онаси учун алоҳида бериладиган сарполардир. Ҳозирда унинг таркиби бир кийим мато, катта рўмол, тўн тикиш учун баҳмал мато, маҳси-ковушдан иборат.*

⁴ *Лин Ган, Гао Зиху. Қадимги уйғурлар тарихи. – Урумчи: Шинжон халқ наشريёти, 2000. – Б.111.*

розилигини яширинча хабар қилишини, бир товоқдаги паловни куёв томонга юборишини “ўғри товоқ” деб атайдилар¹.

Уйғур маросимларидан яна бири – анча замонавий характердаги “сандиқ очди” маросимидир. У қўшнилар, қариндошлар, қизнинг дугоналари иштирокида ўтади. Бўлғуси келиннинг сеплари солинган сандиқ ва куёв томондан юборилган сеп солинган сандиқлар билан бирга меҳмонлар олдига олиб чиқилиб, йиғилганларга кўрсатилади. Қиз томон бўлғуси қудалар учун аталган сепларни қўшиб яна сандиққа солиб куёв хонадонига юборади.

Никоҳ тўйлари қизнинг хонадонидида бошланиб, унда куёв жўралар иштирок этиб, куёвнинг ота-онаси қудалар томондаги тўйда қатнашмаган. Айрим иқтисодий жиҳатдан тўқ, бадавлат уйғур оилалари ҳатто, куёв жўраларига ҳам совғалар тайёрлайди.

Ўш шаҳрида яшовчи уйғурларда “сабзи калом” одатини алоҳида тайёргарлик билан ўтказадилар. Тўй куни наҳорда уйғур қишлоқларида меҳмонларга аввал гўжа ош, кейин ош (палов) тортилган бўлса, шаҳарда яшовчи уйғурларда эса миллий таом лағмондан кейин ош берилади.

Анъаналардан яна бири никоҳ ўқилиши жараёни. Никоҳла ниш ҳудуд аҳолиси учун деярли бир хилда амалга оширилса-да, “никоҳ суви” турлича тайёрланади. Андижонликларда косада ширин сув, ширинликлар берилса, Асака, Дўлан ва Қорасуда шўр сув (намоқоб) билан нон, Қувада сут билан ширинлик берилади. Буларнинг ўзига хос рамзий маъноси бўлиб, ширин сув ҳаётнинг ширин кечиши, нон тўкинлик рамзи, шўр сув эса турмушдаги қийинчиликларга бардошли бўлиш учун тайёрланишга ундайди. Сут эса поклик рамзи сифатида улуғланиб ёш келин-куёвга ичирилган. Лекин, баъзи манбаларда, хусусан, С.С. Губаева Фарғона водийсидаги барча уйғурларда никоҳ ўқилгандан кейин шўр сув берилади, деб умумий таърифни келтиради.

Наманган вилояти ҳудудида яшовчи уйғурларда ҳам айнан вилоятда яшовчи бошқа халқларга хос анъаналар куза-

¹ Исмоилов Х. Ўзбек тўйлари... – Б.105.

тилади. Масалан, никоҳ ўқилгандан кейин куёв томон янгалари томонидан сут, баъзан ширинлик солинган сут яхши ниятлар билан келин ва куёвга ичирилади. Бундай одатни этнограф олим А. Аширов ҳам Наманган вилоятида яшовчи ўзбек, тожик, қипчоқларда кузатганини ёзган¹. Аммо, уйғур халқи ҳаётида бошдан ўтган қийинчиликлар янги тузилаётган оилани бардошли бўлишга ундашининг бир кўриниши деб билиш мумкин.

“Қиз беркитди” удуми Ўрта Осиёнинг бир қатор халқларида ва ҳудудларида учрайди. Бу одат водийлик ўзбек ва тожикларда биз кўриб чиқаётган даврда анча оммалашган эди. Бироқ, 1889–1890 йилларда Қашқарда бўлиб, маҳаллий аҳолининг тўй маросимларини махсус ўрганган рус тадқиқотчиси М.В. Певцев уйғурларда бундай одат ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирмайди². Ахборотчиларнинг гувоҳлик беришича, “қиз беркитди” фарғона водийлик уйғурларда одат. Фикри-мизча, фарғоналик уйғурлар ўзбек этномаданий муҳитида яшаб, бу одатни ўзлаштириб олганлар.

Кейинги босқич “кўрпа йиқитти” деб аталиб, унда куёв жўра ва аёллар келин сепи учун ҳадя беришган, қўшни ҳовлида яшириниб ўтирган қизга келинлик либослари кийдирилиб, гиламга ўтқазиб, аёллар тўрт томонидан кўтариб, отасининг ёнига олиб боришган. Бу одат анча қадимий саналиб, ҳозирда Ўшда яшовчи уйғур қишлоқларидагина сақланиб қолган. Ота қизига фотиҳа бергач, у билан хайрлашгандан кейин яқин қариндош аёллар даврасида куёв хонадонига аравада кузатиб борилган³. Андижонда келинни аравадан куёв туширса, Наманган, Қўқонда қайнона тушириб, уйга олиб кирази. Бу ранг-баранглик маҳаллий анъаналар билан уй-

¹ Аширов А.А. Анъанавий никоҳ тўйи маросимларининг генезисига доир баъзи мулоҳазалар (Фарғона водийси ўзбеклари никоҳ тўйлари мисолида) // Ўзбекистон тарихи. – 2003. – №2. – Б.41.

² Қаранг: Певцев М.С. Путешествие в Кашгарию и Кунь-Лунь. – М., 1949. – С.127–130.

³ Исхоков Г.М. Свадебные обряды уйгуров Восточного Туркестана в трудах русских ученых второй половины XIX века // Труды ИИАЭ АН Каз. ССР. – Алма-Ата: Наука, 1963. – Т.18. – С.76.

ғунлашган бўлса керак. Бироқ, ўзининг аҳамияти жиҳатидан бошқа миллатлар томонидан ўзлаштирилаётган расм-русумлар ҳам учрайди. Масалан, Андижонда куёв келинни тушираётган пайтда қайнона сеп тўла сандиқ устида ўтирган.

Никоҳ тўйи маросимидаги аҳамиятли жиҳатлардан бири – тўй дастурхонининг безатилишидир. Одатда, меҳмонлар учун бир хил таомлар ошпазлар томонидан тайёрланади. Лекин, маҳаллий уйғурларнинг удумларига кўра, келин ва унинг қариндошлари учун алоҳида таом пиширилади. Бундай удум Андижон вилоятининг Пахтаобод туманидаги уйғур қишлоқларида учрайди. Янги қудалар, янги қариндошлар ўзаро киришиб, қўшилиб кетишини ният қилиб, алоҳида махсус мошкичири тайёрланади ва у фақат қуда аёлларга тортилади. Худди шундай алоҳида меҳмон оши пишириш одати мустаҳкам сақланган худудлар Асака ва Марғилондир. Улар миллий таом ҳисобланган, лекин никоҳда ўзига хос рамзий маъно берувчи чучвара тайёрлаб, қудаларга тортишади. Ёшларни серфарзанд бўлсин, ўзидан кўпайсин деб келин ва куёвга ҳам чучвара едирилади.

Тўй маросими барча халқлар каби уйғурларда ҳам кўтаринки кайфият билан қарши олинади. Умуман, тўйга тайёргарлик катта ҳашарга айланади. Қўшни, қариндош аёллар бир-икки кун олдин тўй дастурхони учун занғза, қовурма чўшура (чучвара), сомса, хўйлима (қатламага ўхшаш бироқ орасига пиёз ва гўшт қўшилган), йўрғам, хасип пиширишади. Уйғур удумларига кўра, никоҳ тўйида дастурхонга ёнғоқ қўйилмаган.

Тўй маросимлари, айниқса никоҳ тўйлари кунини белгилашда уйғурча одатларларга қаттиқ амал қилинади. Айниқса, тўй кунини белгилашда уйғурча одатларга қаттиқ амал қилинади. Масалан, ўзбеклар хоҳ бешик, хоҳ суннат, хоҳ никоҳ тўйларини сешанба куни ўтказмайдилар. Бу кунни улғу ишлар учун хосиятсиз деб биладилар. Улар бу ақидага ҳамон содиқ¹. Худди шундай уйғурлар ҳеч қачон ҳафтанинг чоршанба кунини тўй қилмайдилар. Уйғурчасига айтганда, “чоршан-

¹ Мардонова Г. Нур тўла уй... – Б.60.

бада боған тўй, тарқамагунча қоммас (чоранбада бўлган тўй тарқамагунча (ажрашмагунча) қолмас)".

Ўш шаҳрида никоҳ тўйидан сўнг “чиллак” маросими ўтказилади¹. Куёв хонадонида ўтадиган бу маросимда худди “юз очди” каби қудалар учун зиёфат берилади. Юз очди куни бўладиган энг муҳим маросим “супра солди” деб аталади. Маросим марказида келин туради ва меҳмонлар гувоҳлигида келиннинг қўлига баракали бўлсин деб ун, ёғ солинади. Бу пайт куёв жўралар қўшни ҳовлида “ҳордуқ чой” да бўлган.

Миллий маросимлар орасида водий уйғурлари учун муҳим ҳисобланувчи “етти кеча” одати сақланиб қолган. Асакалик ва пахтаободлик уйғурлар бу одатга кўпроқ амал қилишади. Янгалар никоҳ тўйи кунидан бошлаб, келин-куёвни етти кунгача пойлаб, уларни ёлғиз қолдирмайди. Келинга инсжинслар, ёвуз кучлар тажовуз қилиши мумкин деб, етти кунгача ташқарига ёлғиз чиқишига рухсат берилмайди².

Ҳозирга келиб куёв чақирди маросими урфга кирган бўлса-да, илгари уйғурлар келин хонадонидаги тўй маросимида қатнашганлар. Қиз томонга келган куёв ва унинг навқарлари, албатта, меҳмон деб қаралиб, зиёфат берилган. Уч кундан кейин – куёв келиннинг ота-онасиникига келиб таъзим қилади. Айрим уйғур қишлоқларда чақириқ ўтмагунча куёв қайнона-қайнотанинг уйига бормаган. Марғилон ва Қувада уч кунда, Пахтаободдаги уйғурлар тўйдан тўрт кун ўтгач, “тўрткунлади” ўтказилади. Маросим асли чақириқдан катта фарқ қилмайди. Қизнинг ота-онасиникига ёш келин-куёв, қудалар биргалашиб саломга борадилар. Бу одат кўпроқ ўзбек-уйғур никоҳларида учраб, ўзбек оиласига узатилган уйғур қизларини “тўрткунлатиш” ади.

Миллий хусусиятларни ўзида мужассамлаган бошқа бир маросимлар мажмуасига суннат тўйи маросими ҳам киради. Ўрта Осиё халқларида хатна қилиш одати “суннат” (қоида

¹ Наринбаев А. Уйгуры // Под небом Кыргызстана. – Бишкек, 1995. – С.124.

² Жўрабоев А. Ўзбек тилида тўй маросимлари (Анджон группа шевалари асосида). Филол. фан. ном... дисс. – Т., 1971. – Б.27.

– одат) ҳисобланиб, у билан бирга “хатна”¹(кесмоқ) амалга оширилган. Бошқа маросимлар сингари, хатна қилиш одати ҳам айрим этнослар вакилларининг ислом динига эътиқод қила бошлашлари оқибатида ўзгача мазмун касб этган. Мазкур маросим суннат тўйи, хатна тўйи, чипрон тўйи, ўғил тўйи сингари номлар билан ҳам ифодаланади. Фарғона водийсининг шарқий туманларида расм-русум ва одат тусига кириб қолган хатна тўйи маросимлари ниҳоятда турфа хилдир. Улар жумласига, супра солди (супра ёзди), маслаҳат оши, нон еди, боғланди пули, отўйин, чукрон (чипрон), уста йўқлади, ҳормасин кабилардир².

Суннат тўйлари, асосан, боланинг 6–7 ёшлари оралиғида ўтказилади. Болани суннат қилишга катта маросим сифатида қаралиб, умуман ўғил бола учун ҳам ўзига хос инициация ҳисобланади. Маросимга кўплаб меҳмонлар чорланиб, катталар учун зиёфат берилади. Болалар учун алоҳида томоша, ўйинлар ўтказилади³. Суннат тўйи учун ота-она бола туғилгандан бошлаб узоқ тайёргарлик кўрган. Ўғилни хатна қилиш учун кун белгилашда албатта, оиланинг катта ёшлилари, маҳалланинг нуроний кексалари билан маслаҳатлашилади. Қишлоқ жойларда хатна билан шуғулланувчи махсус одамлар бўлиб, улар “канчи”, “уста”, “мулла” деб аталган. Кейинчалик бу иш билан шифокорлар шуғулланадиган бўлди. Тўй олдидан “маслаҳат чой” (маслаҳат оши) бўлади. Унда оиланинг қариндошлари, қўшнилар, дўст-биродарлар иштирок этади. “Сабзи калом”да асосан эркаклар иштирок этиб, тўй ошининг тайёргарлиги кўрилган. Бу пайтда аёллар иштирокида “супра солди” ўтади. Унда онанинг қариндош аёллари иштирок этишиб, тўй бола ва унинг ота-онаси учун олиб келишган сарполари кўрсатилган. Суннат тўйида ҳам уй безаш одат сифатида сақланган.

¹ Маҳмуд Кошғарий. Девону луғоти турк. Т.I. – Т., 1960. – Б.215.

² Жўрабоев А. Ўзбек тилида тўй маросимлари... – Б.18.

³ Решетов А.М. Обряды детства и воспитание детей в традиционной культуре уйгуров // Маловские чтения (по материалы конференции). – Алма-Ата, 1990. – С.135.

Тўй куни наҳорги ош ва меҳмондорчиликда миллий таомлардан лағмон, йўрғам, ашлам, санғзалар қўйилади. Ошдан сўнг аёллар иштирокида “бойланди” маросими бошланади. Водийнинг ўзбек ва тожик аҳолиси одатларига кўра, никоҳ тўйида бўлғуси келинга “локки” боғланган бўлса¹, андижонлик уйғурлар фақат суннат тўй қилаётган аёл (она)га локкилик боғлайдилар. Тўйбоши томонидан хатна қилинаётган боланинг онаси устунга мато билан рамзий равишда “боғланади” ва сават тутиб қариндош-уруғ, қўни-қўшни ҳамда меҳмонлардан тўёна йиғилади. Энг асосий “локки”лик қайнона томонидан боғланиши керак. Келиннинг ака-укалари, қариндошлари, турмуш ўртоғи қўй, бузоқ ёки пул бериб, тўйбоши ва аёллар даврасидан онани ажратиб олганлар. Бу жараён куй-қўшиқ, “машрап” томошалар билан янада қизгин кечган. Умуман анъанавий одатларга кўра никоҳ ва суннат тўй маросимлари катта тадбир сифатида ўтиб, унда тортишув ўйинлари, айтишув, машраблар муҳим ўрин тутган.

Юқоридагилардан шундай хулоса қилиш мумкинки, тўй маросимларида этник хусусиятлар кўпроқ сақланган бўлса-да, Фарғона водийси минтақасига хос жиҳатлар аста-секин устуворлик қила бошлаган. Уйғур ёшларида жуда тез социализация бошланган. Яъни, уларни 12–14 ёш оралиғидаёқ уйлантиришга ёки турмушга узатиш учун тайёргарлик қилишган. Бу ижтимоий-иқтисодий қийинчилик билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин, албатта. Ўтказилган этносоциологик сўровлардан шу нарса маълум бўлдики, никоҳ тўй маросимлари миллий анъана, урф-одат, расм-русум ва иримларни ўзида кўпроқ мужассам этган. Мазкур маросимлар генезиси эса тарихнинг турли даврларига тақалиб, диний қарашлар билан боғланиб кетган.

Ўзбек тўй маросимларидаги айрим анъаналар, аёл совчиларнинг бориши, қалин бериш, йўл тўсиш, куёв қақиріқ кабилар минтақавий хусусиятга эга. Айни одатлар уйғурларга

¹ Аширов А. Анъанавий никоҳ тўйи маросимларининг генезисига доир баъзи мулоҳазалар // Ўзбекистон тарихи. 2003 йил. 2-сон. – Б.40.

сезиларли таъсир кўрсатиб, тўй маросимларида умуминтақа хусусиятлари устунлигининг ортишига сабаб бўлган. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, уйғур аҳолининг ўзбек ва бошқа миллатлар билан никоҳларининг кўпайиб бориши натижасида ўзбекча ва умуман, минтақавий удумлар таъсири кучайган. Зеро, ўзбек этник муҳитида яшаётган уйғурларнинг миллий анъаналари локал маданият намуналари билан уйғунлашиб янада бойиди. Уйғурларнинг никоҳ тўйи ва унинг асосий босқичлари билан боғлиқ урф-одатлар, маросимлар таркибида маълум даврлар орасида трансформациялашув юз бераётган бўлса-да, айтилган миллий-этник хусусиятлар кўпроқ сақлаб келаётгани билан ажралиб туради.

IV.2.5. Уйғурларнинг кундалик ҳаётидаги урф-одат ва маросимларида анъанавий ҳамда замонавий жиҳатлар

Маълумки, урф-одат ва маросимлар оилавий-маиший ва мавсумий маросимларга бўлинади. Барча маросимлар оилавий мазмун касб этади. Урф-одат бир вақтнинг ўзиде бир шахс ва кўпчилик томонидан бажарилиши мажбурий қоидага айланганлиги билан тавсифланади. Урф-одат тушунчаси кенг бўлиб, ўз ичига халқ ҳаётининг оддий кундалик удумлари, расм-русумлари, ирим-сиримларини қамраб олади¹. Умуман, этник идентиклик ҳам урф-одат ва маросимларда асосий ўрин тутаяди. Шунга қарамай, маросимлар тез ўзгарувчан, инновацияларни тез қабул қилувчи жиҳат ҳам ҳисобланади. Уйғурларга хос этник хусусиятлар – фарзанд туғилиши билан боғлиқ одатларда, диний характердаги ва мотам-таъзия маросимларида кўзга яққол ташланади.

Фарзанд туғилиши ва унинг тарбияси барча этносларда бўлгани сингари уйғурлар учун ҳам муҳим саналади. Фарзанд – оила, насл давомчиси. Ёш оилада албатта фарзанд ҳақида

¹ Аширов А., Атаджанов Ш. Этнология (ўқув қўлланма). – Т., 2007. – Б.124.

яхши ниятлар қилиб, келгуси режалар тузилади. Келиннинг ҳомиладорлиги маълум бўлгач, барча уни асраб-авайлашга уринади. Ҳомиладорлик даври ва у билан боғлиқ турли урф-одат, ирим-сиримлар уйғур қишлоқларида айниқса кўп тарқалган.

Бола туғилиши билан боғлиқ ирим-сиримлар ичида “энагалар” учун маросим алоҳида аҳамиятга эга. Одатга кўра, ҳомиладор аёлнинг ўзи ширгуруч пиширади. Маросимда қатнашувчилар сони чекланмаган, таом еб бўлингач, ҳомиладор аёлга енгиллик сўраб дуо қилинади. А. Сайдуллаев Ўзбекистон уйғурлари этнографиясига оид мақоласида бунга умумий талқин берган. Яъни, илгари уйғур келинлари биринчи фарзандини ўз ота-онаси уйида дунёга келтирган ва кўп вақтини ўзининг ота уйида ўтказган¹, деб қайд этган муаллиф. Аммо, маълум вақтлар оралиғида уйғурлар маиший турмушида қатор ўзгаришлар юз берганига эътибор қаратмаган. Дарҳақиқат, Тошкент шаҳрида яшовчи уйғурларда ҳомиладор аёл ўз ота уйида кўпроқ яшайди. Фарзанд туғилгач, ҳам қирқ кунгача ота уйида туради.

Ўзаро аралаш муҳит таъсирида уйғурларнинг айрим одатлари унутилиб, баъзилари эса трансформацияга учрай бошлади. Хусусан, ҳомиладорлик ва фарзанд туғилиши билан боғлиқ одатлар муҳит анъаналари таъсирида маҳаллий аҳамият касб этиб борди. Энди ҳомиладор аёл биринчи фарзанди дунёга келгунича ота уйида эмас, қайнонанинг назоратида, эрининг ёнида бўлиши керак. Оғироёқ аёл отасининг уйига камроқ жўнатилган. Айниқса, ҳомиладорликнинг охириги ойлари келин ҳатто кўчага чиқарилмаган, умуман маърака, мотам маросимлари ва азадор ҳовлиларга боришга рухсат берилмаган. Албатта, ҳомиладорлик ўзига хос давр бўлиб, уни водий аҳолиси турли динлар, тотемистик, фетишистик, анимистик эътиқодлар билан уйғунлаштиришади. Оғироёқ аёл-

¹ Решетов А.М. Обряды детства и воспитание детей в традиционной культуре уйгуров // Маловские чтения (по материалам конференции). – Алма-Ата, 1990. – С.131; Сайдуллаев А. Ўзбекистонда яшовчи уйғурлар этнографияси... – Б.74.

га ёвуз кучлар таҳдид қилиши мумкинлигига ишонишган¹. У, ҳатто қўни-қўшни, қариндошларига ҳам кўринмай турган. Шундай қилса, туғруқ енгил кечишидан умидвор бўлганлар. Бўлажак онага ҳазми қийин таомларни истеъмол қилишга рухсат этилмайди. Нохуш кайфият, кўрқинчли ҳодисалардан аёлни сақлаганлар. Агар аёл кўрқса, сесканса бу ҳомилага таъсир қилади². Кўзи ёриган кундан бошлаб эса “чилла” сақланган. Бу даврда бола ҳам она ҳам бегоналардан асралган. Кўпинча ўз она уйида чилласи тугагунга қадар яшаб турган. Тукқан аёлга қирқ кунгача “оқ хўрда” ичирилиб, унга оғир ишлар буюрилмаган.

Гўдак болани бешикка ётқизиш алоҳида маросим сифатида нишонланади. Оила аъзолари ичидаги кекса ёшли аёл, эзгу ниятлар қилиб гўдакни бешикка ётқизади. Чақалоқнинг киндиги тушгандан кейин, чилла сувида ювинтирилиб, доялик қилган аёл чақалоққа кийим кийдиради. Бешикка ётқизишдан олдин “олос”лаб, “эгалари келди, кучуклари кетсин” дейилган. Халқона диний-мифологик қарашлар турли ирим-сиримларни, турли нарса ва буюмларга нисбатан эътиқодий тушунчаларни шаклланишига сабаб бўлган. Дарҳақиқат, ёвуз кучлардан асрайди деган тасаввур айниқса, хотин-қизлар орасида учраб, гўдак бола ёстиғи тагига қайроқтош, пичоқ қўйилади. Бундай иримларда баъзан нон, туз, исириқ, кўзмунчоқ ҳам ишлатилади. Қирқ кундан кейин она-боланинг чилласи тугагач, “чиллагузар” қилинади. Унда кулча ёпилиб, ҳолвайтар билан қўшни болалар меҳмонга чақирилган. Чақалоқни ҳам шу болалар каби ўйнаб-кулиб, шикаст етмай вояга етиши ва шу болалар қаторига тезроқ қўшилиши учун тилаклар билдирилади. Деярли барча қишлоқларда бир-бирини такрорламайдиган расм-русумлар ўтказилади. Хусусан,

¹ Аширов А. Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида қадимий диний эътиқодлар билан боғлиқ маросим ва урф-одатлар // Ўзбекистон халқининг дини, маданияти ва урф-одатлари: тарихи ва ҳозирги замон. – Т.: Ислон университети нашриёти, 2011. – Б.35.

² Убайдуллаева Б. Ўзбекларнинг ёш авлод тарбияси борасидаги анъаналари ва замонавийлик. – Т., 2010. – Б.56.

Шаҳрихон тумани Дўлан қишлоғида яшовчи уйғурлар янги туғилган гўдак учун “беш оқшом” маросимини ўтказишади¹. Бунда чақалоқ туғилганидан уч-беш кун орасида, барча қўни-қўшни, қариндошлар йиғилиб фарзандни қутлашади, шу куни чақалоқ қулоғига азон айтилиб, унга исм қўйилади. Ёш болаларга эса ширинликлар тарқатилади. “Беш оқшом”да қариндошлар чақалоққа кийим-бош ва совғалар, ҳадялар берганлар. Шу билан бирга, қирқ кундан кейин боланинг сочини олишга ҳам жиддий тайёргарлик қилинади. Анъанага кўра, соч олингач, қўшни болаларга бўғирсоқ ва ширинликлар тарқатилади². Дўланлик уйғурларда “чивиқ-чивиқ” маросими ҳам болалар учун ўтказилади. Чақалоқ улғайиб, тик туриб, бир-икки қадам босганда оёғи остига қанд-қурс сочилиб, чўп билан бир-икки енгил саваланади. Шунга ўхшаш одат маҳаллий аҳоли турмушида ҳам учраб, улар ширинлик сочадилар. Бундай тадбирларнинг ҳаммаси чақалоқнинг ҳаётга мустаҳкам қадами ҳамда узоқ умр кўриши учун рамзий равишда бажарилган.

Фарзандсизлик барча халқларда ҳам катта муаммо ҳисобланган. Фарзандсизликда кўпроқ аёлларни айбдор деб билганлар. Фарзандли бўлиш учун кўпроқ аёл киши елиб-югурган, турли ирим-сиримларни, маросимларни ўтказиб фарзанд кутади. Узоқ вақт фарзанд кўрмаган ёки фарзанди яшаб кетмаган оилалар муқаддас зиёратгоҳларга бориб, “ис чиқариш”ган. Маросимда аксарият кекса, серфарзанд ва асосийси, фарзандлари соғ ва саломат бўлган аёллар (оналар) иштирок этадилар. Фарзандлари ёш вафот қилган ёки фарзанд кўрмаган аёллар чақирилмаган. Бу маросим “они-лар чойи” деб номланиб, Андижон ва Марғилонда ширгуруч, Ўшда яшовчи уйғур аҳоли “қайиш оши”ни маросим таоми сифатида тайёрлаган. Кеч фарзанд кўрганлар яна фарзандлар туғилиши давом этсин деган мақсадда, унга кокил қўйган-

¹ Исмоилов Р. Дўлон ва дўлонликлар тарихи // Шаҳрихон газетаси. 2011 йил, 1 май. – №22.

² Решетов А.М. Обряды детства и воспитание детей в традиционной культуре уйгуров... – С.134.

лар. Ҳозирда ҳам уйғур қишлоқларида кокилга алоҳида эътибор берилади. Бола катта бўлгач, 3 ёки 5 ёшларида ота-оналари билан Ўш шаҳри марказидаги Сулаймон тоғига бориб, қўй ёки товуқ сўйиб, ис чиқарганлар. Шундан кейингина боланинг кокили олинган. Андижонда шу каби хайри худойи маросимлари “Ёркант шайх мозори” да ўтказилади.

Туркий халқларнинг деярли барчаси, жумладан уйғурларда ҳам бош фарзандга оиланинг катталари исм қўйган. Аксарият ҳолларда улуғ инсонларнинг, диндор уламоларнинг исмларини қўйишга ҳаракат қиладилар. Чақалоққа танланган исмлар авлодларидаги ҳаёт бўлган кишилар номларини такрорламаслиги лозим. Болани хилоф равишда номлаш, бир авлод вакиллари орасидаги ўхшаш исмлар билан аташ, қариндошлар ўртасида низо ва жанжалларга сабаб бўлган ва ҳурматсизлик саналган¹. Фарғона водийси аҳолиси орасида, айниқса уйғурларда кенг тарқалган удумлардан бири, фарзанд туғилиб, қирқ кунлик бўлганда, хўжа ёки тўра авлодлари ҳузурига олиб бориб этагига солишдир. Марказий Осиёдаги кўплаб халқлар каби уйғурларда ҳам исломгача бўлган турли диний эътиқодлар – зардўштийлик, шомонлик, фетишизм, бутпарастлик намуналари уйғунлашиб кетган. Жин, пари, алвасти, зиён-заҳмат ҳақидаги тасаввурлар кучлилиги бунинг далолатидир. Мавсумий маросимлар қаторида “Барот ойи” алоҳида ўрин эгаллайди. Барот ойи кириши билан “машрап базми” кўринишидаги кечалар ҳар куни қўшнилараро ташкил этилиб, “барот қўшиқлари” (диний қўшиқлар), ғазаллар айтилган. Ўзларини қашқарлик, охунтўпи авлоди деб билган оилаларда барот кунлари қўй сўйиб, худойи ўтказилади.

Маълумки, Фарғона водийсида яшовчи аҳоли орасида Офоқхўжага аталган маросим ва “соқит” бериш тез-тез учрайди. Соқит бериш Фарғона водийсининг кўплаб аҳолиси маиший турмушида кузатилиб, уйғурлар орасида эса анъанавий миллий маросимлардан бири ҳисобланади. Кўпчилик аҳоли Офоқхўжанинг кимлигини ва “соқит” маросимининг генези-

¹ Бўриев О., Холиков Д. Туркона анъаналар ва удумлар миллат кўрки. – Т., 1997. – Б.17.

си ҳақида деярли аниқ маълумотларга эга эмас. Офоқхўжанинг асл исми Ҳидоятулло эшон бўлиб, 1625 йили Шарқий Туркистоннинг Кумул шаҳрида туғилган. Ҳидоятулло Ислом оламининг буюклари, нақшбандия тариқатининг жонкуярларидан бири бўлган Маҳдуми Аъзам (Саййид Аҳмад ибн Жалолиддин Хожаги Косоний, Даҳбедий)нинг эвараси. Маҳдуми Аъзам муридлари билан XV асрнинг охирларида Қашқарга кўчиб бориб, у ерда тасаввуфни тарғиб қилади. Шарқий Туркистонда Чигатой сулоласи барҳам топгач, катта мавқега эришган Хўжагон сулоласи вакиллари ўзларини Қашқар тахтининг ворислари деб эълон қилганлар. Маҳдуми Аъзамнинг 13 ўғли бўлиб, каттаси Хўжа Калон ва иккинчиси Хўжа Исҳоқлар отасининг фаолиятини давом эттириш жараёнида ўзаро келишмовчилик оқибатида айриладилар. Бир-биридан ажралиб мурид тўплаган Маҳдуми Аъзам ўғиллари Хўжа Калон – “Ишқия” (оқ тоғлик), Хўжа Исҳоқ эса “Исҳоқия” тариқатларига асос солади. Аммо, О. Жалиловнинг эътирофича, мазкур икки тариқатнинг амалда бир-биридан катта фарқи йўқ эди. Офоқхўжа, яъни Ҳидоятулло эшон Муҳаммад Имин Хўжа Калон (ишқия йўлбошчиси)нинг невараси эди¹. Отаси ва бобосининг фаолиятини давом эттирган Ҳидоятулло эшон кўплаб мурид тўплайди ва вақти-вақти билан Қашқарда ҳукмронлик ўрнатади, бу даврлари нақшбандия таълимоти давлат даражасига кўтарилади. Офоқхўжа исми унга тахаллус сифатида бўлиб, маъноси – уфқлар, дунё, қутби олам хожаси, ягона авлиё деган мазмунни англатади. Офоқхўжа 68 ёшида вафот этган, ҳазратнинг авлиё сифатида кўрсатган кароматлари халқ орасида тарқалади². Одамлар бу авлиёдан дуо олишга, унга хайру эҳсонлар беришга интиланган. Уни шарафловчи, қўллаб-қувватловчилар сони кундан-кун ошиб борган. Бундан фойдаланган Офоқхўжа ва унинг тарафдорлари тахт учун курашдан тўхтамаган. Хўжаларни қириб ташлашга қаратилган ҳаракатлар пайтида кўплаб оқтоғлик (хўжа)лар жон сақлаш мақсадида Фарғона водийсига қочиб

¹ Жалилов О. Офоқхўжа маноқиби. – Андижон, 2001. – Б.6–10.

² Ўша манба... – Б.7.

яширинади¹. Қашқар тахти вориси Жаҳонгирхўжа хитойликлар томонидан асир олинган вақт, уни озод қилиш учун режалаштирилган юриш олдидан, водийда яшириниб турган қашқарликлар томонидан Ўш шаҳри маркази Сулаймонтоғ яқинида худойи ўтказилади². Маросим моҳиятан босқинчилардан қутулиш, бутунлай соқит бўлиш умидида ўтказилган. Дала этнографик тадқиқотлари жараёнида ахборотчилар илгари тарихий Ватанларида шунга ўхшаш “жит (ёғ) қуйди” ўтказилганлини ва унда 7 та ёки 11 тагача тоқ чўзма пиширилганини таъкидлаб ўтдилар. Пахтаобод туманида яшовчи уйғурлар ўтганлар хотирасига бағишлаб “туз қуйди” маросими ўтказади. Унда 5 ёки 7 киши чақирилиб, мошкичири ёки палов (ош) тайёрланади. “Жит қуйди” маросими кекса эркаклар иштирокида Қашқарда ўтказилгани ахборотчилар томонидан айтилди. Бироқ, Фарғона водийсида шаклланган туз қуйдида таом ҳам, мақсад ҳам такрорланмайди. Хўжаларнинг водий бўйлаб тарқалиши Офоқхўжага аталган “соқит” оммавий маросим тусини олишига сабаб бўлди. Аниқроқ айтганда, соқит бу қашқарлик хўжалар билан бирга Фарғона водийсига кириб келган маросим деб тушуниш тўғри бўлади. Асосан, кўчиб ўтган қашқарликлар, кейинроқ водийнинг ўзбек, тожик, қирғиз, қорақалпоқ, ҳатто лўлиларнинг оғача ва повон гуруҳи вакиллари ҳам Офоқхўжага “соқит” (хайр-эхсон) беришни одат қиладилар. Маросимнинг асосий таоми “сўпилик чой” бўлган, бироқ уни маҳаллий уйғурлар ҳам маросим номи билан атайди. Одамларнинг хайр-эхсонлари йиғилиб, шу асосида ўтадиган маросимни илгари хўжа ав-

¹ Бухорий Мирза Шамс. О некоторых событиях в Бухаре, Хоканде и Кашгаре... – С.33; Куропаткин А.Н. Очерки Кашгарии... – С.34; Маматохунов У. Уйғур адабиёти классиклари. – Т.: Ўзбекистон бадиий адабиёти нашриёти, 1960. – Б.20; Зиёев Ҳ. Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш. – Т.: Шарқ, 1998. – Б.31; Валиханов Ч.Ч. Материалы и исследования о Кашгарии // Соч. Т.II. – Алма-Ата, 1962. – С.369.

² Джалилов З. Родственно-этническая общность и расширенное воспроизводство культурных традиций // Исследования по уйгуроведению. – Алма-Ата, 1962. – С.119.

лодлари ўзлари қўй сўйиб, намоз ўқийдиган, кекса тақводорларни чақириб ўтказишган. Маросим таомини махсус оила-ларгина пишириб тайёрлайди, фақат кекса ёшли эркак ёки аёллар гуруҳи истеъмол қилади. Соқит таркибида ун, туз, кўк ёки қора чой, сут, (куйрук) ёғ бўлган. Ҳозирда соқитлик таркибига еттита нон ва етти (пул)танга, оқлик қўшиб берилади. Соқитни қабул қилувчи махсус тақводор хўжа авлодлари бўлиб, улар ўзларини “тўра” деб ҳисоблайди. Масалан, Андижон шаҳрининг Қаландархона ҳудудида Тўраҳон ва унинг авлодларига, Пахтаобод туманидаги Уйғур қишлоқда яшаган Тешахонтўра, Сойибжонпошша, Сўпихонтўра, Авлиёхонтўра, Тўраҳон каби тўра авлодларига соқит берилган. “Соқит” касаллик тарқалганда, ўлим кўпайганда, мушкулликларда, экин-тикин юмушлари олдидан умидворлик рамзи сифатида ўтказилади. Бу борада этнолог олим А. Ашировнинг фикрича, “маросим таомлари кўпинча инсоннинг биологик эҳтиёжини қондириш мақсадида эмас, балки уни бало-қазо, инсужинслардан асровчи озиқ-овқат ёки маросимий қурбонлик сифатида истеъмол қилинган”¹. Маросим учун аталган қўй сўйилиб, унинг ёғи эритилади, жизза тайёрлангач, сузиб олиниб унинг ёғида чўзма пиширилади. Яна қозонга сут қуйилиб, жизза, кўк чой қўшиб қайнатиб маромига етгач, косаларга қуйилади. Таомни фақат ойбуви (отинойи)лар тайёрлайди. Худойига келган барча қатнашчилар учун идишларда таом тортилган. Иштирокчилар дастурхон атрофига ўтириб, бир вақтда кўтариб ичиши ва ейишлари керак. Мазкур тартиб иштирокчилардан бирортаси томонидан бузилса, яъни олдинроқ идишни кўтарса ёки қимирлатиб юборса, у одам келгуси маросимга қарздор бўлади. Ижтимоий аҳволдан қатъи назар соқитни доимий бериб турадиган респондентларнинг катта кўрсаткичи – 88,9 фоизи Пахтаобод туманига тўғри келди. Дарҳақиқат, бу туманда уйғурларнинг катта бир қисми яшайди. Ахборотчиларнинг қайд этишларича, бундан 100–150 йиллар аввал Пахтаобод туманига кўчиб келган аҳо-

¹ Аширов А. Ўзбек халқининг қадимий эътиқоди ва маросимлари. – Т., 2007. – Б.196.

ли қишлоқда жойлашган Офоқхўжа авлодларидан бўлган Қилич Бурхониддинхўжанинг қабри яқинида маросим ўтказиб туришган. Бу ҳудуд маросим ўтадиган махсус жойга ҳам айланган. Собиқ совет тузуми даврида ҳудуднинг атрофи пахта экиладиган ерларга қўшиб юборилган. Водий уйғурлари орасида “ота” культуни улуғлаш ва унга бағишланган маросимлар кўплаб учрайди. Хусусан, Офоқхўжа, Қамбар ота, Арслонбоб ота, Тештош ота, Кўктўнлиқ ота, Ховускон ота, Мирпўстин ота, Ўш (пирим) ота, Қилич Бурхон ота, Ёркан шайх оталарга бағишланган маросимлар ўтказилиб турилади. Мазкур номлар билан аталган зиёратгоҳлар Фарғона водийси ҳудудида жойлашган бўлиб, бу жойларни барча аҳоли зиёратгоҳ сифатида улуғлайди. Оталар ёки аёл, она номи билан аталган зиёратгоҳ ва маросимлар кўпчиликка маълум. Бироқ, фақат водий уйғурларигагина маълум маросим “йигит оши” деб аталади. Маросимда тайёрланаётган (палов–ош) таом ичига етти дона мош қўшилади. Уни фақат ўспирин йигитлар ёки ёш (ўғил) болалар истеъмол қилишган.

Аҳолининг мотам-таъзия маросимларида маҳаллий хусусиятлар устун, яъни асосий мотам кунлари 1, 3, 7, 40 кунларида ўтказилади¹. Аммо, дала этнографик тадқиқотлар жараёнида таъзия-мотам маросимларининг ҳам ҳудудий тафовути сезилди. Шаҳар яқинида яшовчи уйғур аҳоли мотам-таъзия маросимларини юқоридагидек тартибда ўтказиб боради. Бироқ, ўзини охунтўпидан деб билган пахтаободлик уйғурлар анъаналарида марҳум учун маърака ва йигирма маросими ўтказилмайди. Қўқонлик уйғурларда марҳумнинг “йигирма”-си ўтказилмайди. Марҳум дафн этилганининг еттинчи кунидан яқин қариндош аёллар “кўк” ёки “оқ кияди”лар. Марҳум кекса, ёшини яшаб, вақти соати билан қазо қилган бўлса, унда фарзандлари, яқинлари “оқ” кияди. Агар вафот этган эркак киши ёш бўлса, унинг яқин аёлари, яъни онаси, турмуш ўртоғи, сингиллари, келин ва қизлари “азадорлик кўйлаги”-

¹ Кляшторный С.Г., Колесников А.А. Восточный Туркестан глазами русских путешественников (вторая половина XIX в.) – Алма-Ата, 1988. – С.160.

ни кийган. Яъни, азадор эканлигини билдириб, қирқ кунгача бу либос кийилган. Баъзан қирқ кунда, ҳатто марҳумнинг йилигача давом этган. Қариндошлар маърака ўтказгандан сўнг “кўк (кийим) ечилган”. Шаҳрихоннинг Дўлан қишлоғида аёллар яқинлари вафот этганда худди эркаклар каби белбоғ боғлайди. Таъзия маросимларида аёллар ҳовлининг ички қисмида йиғи солиб туришган. Таъзия билдириб келганларнинг қариндошлиги, оилага яқинлигига қараб аёллар йиғиси ва овози кўтарилади, бу келганларга ҳурмат белгиси, ўзаро яқинлик ишораси ҳисобланади. Бироқ, ҳаддан ортиқ берилиб йиғлаш гуноҳ. Азадор хонадонда уч кунгача овқат пиширилмаган. Азадорларга қўни-қўшнилар, қариндошларниқидан егулик чиқарилган. Таъзияга келганларга мато, рўмол, сочиқ, эркакларга эса белбоғ берилади. Бу нарсалар марҳум ҳаётлик давридан бошлаб йиғиб борилади. Таъзияда бу нарсалар марҳумнинг тирикларга бир эҳсон сифатида ҳадя қилинади.

Хуллас, уйғурларнинг ирим-сиримлар, турли диний қарашлар билан қоришиб кетган миллий ва диний анъаналари авлодлардан-авлодларга ўтиб яшаб келмоқда. Офоқхўжа номи билан боғланган соқит маросими ва хўжаларга водий аҳолисининг эътибори катта. Бу ҳудудда яшаётган қашқар хўжалари ҳамиша ўзларини намуна қилиб кўрсатишга, қуда-андачиликда эса “суяк сақлаш”га ҳаракат қиладилар. Аёллари эса пардоз-андоз қилмайдилар.

Қашқарлик хўжалар таъсирида оммалашган маросимлар, удумлар айниқса, соқит бериш одати худудий аҳамият касб этиб улгурди. Бугунги кунда ҳам бу каби маросимлар миллий ва локал жиҳатларни ўзида мужассамлаб уйғурлар билан бир қаторда ўзбек аҳолининг ҳам анъанавий маросимлари сифатида маиший турмушда ўзига хос ўрни бор. Маросимлар билан боғлиқ этнографик жараёнларни ўрганиш уйғурларнинг турмуш тарзи ва маънавий мероси ҳақидаги билим ва тасаввурларни бойитишга ёрдам беради.

IV.3. §. Этнолингвистик жараёнлар: Ўзбек-уйғур тили алоқалари

Маълумки, этнослараро муносабатлар тарихида ўзбек-уйғур халқларининг этник ва тил соҳасидаги алоқалари алоҳида ўрин тутди. Тил ва диний эътиқоднинг бирлиги, анъаналарнинг ўхшашлиги ҳамда икки ҳудуд аҳолисининг аралашиб яшаганлиги бу халқларни янада жипслаштирган. Ўзбек ва уйғур халқлари аجدодларининг қадимдан бир ҳудудда, кўп ҳолларда аралаш яшаганликлари маълум. Албатта, аралаш яшаган этнослар иқтисодий ва маданий алоқалар билан чекланиб қолмаган, ўзаро яқинлик ушбу этносларнинг тилларида ҳам ўз аксини топган. Одатда этник аралаш ҳудудларда тиллараро алоқалар анча жадал кечади. Бундай этномулоқот ҳудудларида икки тиллилик ҳодисаси кўп учрайди. Фарғона водийси айнан мана шундай этномулоқот ҳудуди ҳисобланди. Бу ҳудудда азалдан ўзбеклар, кўплаб этник жамоалар бирга яшайди ва уларнинг барчаси водийда кечган ва кечаётган этнослараро жараёнларда, хусусан этнолингвистик жараёнларда фаол иштирок этган.

Тарихга назар солсак, уйғур тили қадимдан ривожланган бўлиб, у кўплаб туркий қабилаларнинг ўзаро мулоқот тили бўлиб хизмат қилган. Уйғур тилининг шаклланиш жараёнига Марказий Осиёнинг бир-бирига яқин қабилалари ўз таъсирини ўтказган. Ўз ўрнида уйғур тили ҳам бошқа туркий тилларнинг пайдо бўлиши ва шаклланишида катта аҳамиятга эга бўлган¹.

VIII асрнинг ўрталарида ҳозирги Мўғулистон ҳудудида Уйғур ҳоқонлиги ташкил топади. Шу асрнинг 60-йилларида эса Еттисувда қарлуқ этник уюшмаси, кейинчалик IX асрнинг 40-йилларига келиб, янада кенгроқ ҳудудда қарлуқлар давлати вужудга келади. Шу тарихий воқеалардан кейин уйғур ва қарлуқ халқларининг тили мустақил равишда тараққий этиб борди. Агар IX–X асрларда Еттисув, Фарғона ва Моваро-

¹ Хожамбердиев К. Уйғуры в ракурсе истории. – Алматы: Высшая школа, 2001. – С.21.

уннаҳрнинг бошқа вилоятларида, хусусан туркий тилли аҳолининг кўпчилигини қарлуқлар ташкил этса, Мўғулистонда, кейинроқ (840 йилдан бошлаб) Шарқий Туркистоннинг катта қисмида, ҳатто Шимолий Хитойдаги туркий тилли аҳолига уйғурлар етакчилик қилиб келганлар. Уйғурларнинг сиёсий ҳукмронлиги ўрнатилган ҳудудларда уйғурлар тили, қарлуқ – қорахонийлар ҳудудида қарлуқ тили устуворлик қилган. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида ёзув ишларига уйғурлар кўп жалб қилинган¹.

Бу каби маълумотлар Абулғозийнинг “Шажарайи турк”² асарида ҳам келтирилади. Тилшунос олим, академик К.К. Юдахин таъкидлаганидек, ўзбек диалектологияси билан шуғулланган киши ҳозирги замон уйғур тили билан ўзбек тилининг Тошкент–Фарғона гуруҳига кирувчи шеваларда, шунингдек, Қозоғистондаги ўзбек шевалари орасида бир-бирига катта яқинлик борлигига эътибор бермай ўтиш мумкин эмас³. Шарқий Туркистоннинг Қашқар, Оқсу, Урумчи, Ғулжа каби шаҳарларида олим ўн йилга яқин яшаб, уйғур тили хусусиятларини чуқур ўрганadi. Айнан ўз тадқиқот натижаларига асосланиб, Фарғона водийсининг Наманган, Уйчи, Ўш каби шаҳарларида яшовчи ўзбекларда Қашқар уйғурлари тилидаги хусусиятлар бор деган фикрни илгари суради ва уйғур тили билан ўзбек тилининг “умлаутли” ёки “уйғурлашган” шевалари ўртасидаги айрим фонетик-морфологик ўхшашликларни кўрсатиб, уйғурлар билан ўзбеклар қадимдан этномаданий алоқада бўлганлигини яна бир бор қайд этган. Ҳақиқатан ҳам, ҳозирги ўзбек тилининг Фарғона группасига кирувчи, аниқроғи Наманган шаҳар типидagi ва Уйчи, Чортоқ шеваларида уйғур тилининг элементлари – айрим фонетик ва морфологик хусусиятлари ўз аксини намоён қилади. Баъзи тадқиқотчилар ўзбек ва уйғур тилларининг яқинлиги-

¹ Хўжаев А. Марказий Осиё халқлари тарихига оид янги маълумотлар... – Б.272.

² Абулғозий Баҳодирхон. Шажарайи турк... – Б.33.

³ Юдахин К.К. Ўзбек ва уйғур халқлари тилларидаги яқинлик // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Т., 1958. – №1. – Б.35.

ни эътироф этиб, ўзбек тилининг шаклланишида уйғур тили ҳам асос бўлган, деб айтадилар. Бу этносларнинг тилларида ўхшаш томонлар кўп, албатта. Дарҳақиқат, бу икки миллат ва икки тил ўртасидаги ўзига хос этнолингвистик алоқалар яқин даврларда пайдо бўлмади. Бу алоқаларнинг тарихий асоси Қорахонийлар даврига бориб тақалиши ўзининг илмий исботини топган. Икки тил ўртасидаги яқинликни Тошкент–Фарғона гуруҳига кирувчи шеваларда сезиш мумкин¹. Шундай бўлса-да, этнограф олим У. Абдуллаев Фарғона водийси этнослари ўртасидаги лингвистик жараёнларни ўрганиб: “Ўзбек элати тилининг шаклланишида уйғур тили хусусиятларига ҳаддан ташқари катта ўрин ажратиш ҳам тарихий ҳақиқатга тўғри келмас”² деб таъкидлаган.

Фарғона водийсида яшовчи уйғурлар, асосан, ўзбек ва қирғиз аҳоли этномаданий таъсирида бўлган. Бироқ, уйғурлар тўп жойлашган қишлоқ ва маҳаллаларда уйғур тили хусусиятлари устунлик қилади. Шунингдек, водий ҳудудидаги этнолингвистик жараёнлар натижасида баъзи ҳудуд тиллари “уйғурлаша” бошлади. Натижада “умлаутли” шевалар вужудга келди. Буни кузатган А.К. Боровков ўзбек тилининг Наманган шевасини “уйғурлашган”³ деб таъкидлайди. Ҳақиқатдан ҳам, умлаут ҳодисаси кўпроқ Наманган шевасида кузатилади. Фарғона водийси ҳудудидаги Наманган, Уйчи, Чортоқ шеваларида уйғур тилининг элементлари, айрим фонетик ва морфологик хусусиятлари яққол сезилиб турган⁴. Фарғона водийсининг бошқа шеваларига қараганда “Наманган диалекти” уйғур тилига максимал даражада яқин⁵. Шу боис,

¹ Решетов В.В. Ўзбек тилининг қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Т., 1960. – №5. – Б.40.

² Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар... – Б.190.

³ Боровков А.К. К характеристике узбекских “умлаутных” или “уйгуризованных” говоров // Белек. С.Е. Малову. – Фрунзе, 1946. – С.29.

⁴ Абдуллаев У.С. Фарғона водийсида этнослараро жараёнлар... – Б.192.

⁵ Решетов В.В. Ўзбек тилининг қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Т., 1960. – №5. – Б.44.

Наманган шеваси уйғурлашган ёки умлаут¹ ҳодисасига учраган шева сифатида изоҳланади. Тилшунос олимлар К. Боровков, А. Алиев, В. Решетовлар Наманган атрофидаги баъзи қишлоқларда ҳам умлаутли ҳолат юз берганлигини, хусусан, Уйчи шевасини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин деб таъкидлайдилар². Аслида ҳам Уйчи шеваси характери, фонетикаси, морфологик ва лексик хусусиятларига кўра бошқа кўплаб ўзбек шеваларидан ажралиб туради. Қадимги немис тилига тааллуқли умлаут ҳодисаси туркий тиллардан асосан уйғур тилига хос бўлиб, ўзбек тилининг кўпроқ “Уйчи шева”-сида намоён бўлади. Бунда, сўзларнинг иккинчи бўғинидаги тор унлининг артикуляция жиҳатидан яқин турган (э) товушига ўзгариши кузатилади³. Албатта, бу тарихий асосларга таянади. Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Фарғона водийсининг Ўш шаҳрида яшовчи ўзбеклар билан уйғурлар тилларида шу қадар яқинлик кучли бўлганки, натижада умлаут ҳодисаси сезилмайди.⁴

Ўтган даврлар мобайнида водий уйғурлари шевасида баъзи ўзгаришлар юз берган. Бу эса, ўзбек ва уйғур тиллараро қоришув (метизация) ҳолати билан изоҳланади. Тилшунос олим Г.С. Садвақасов уйғур тилининг “Фарғона шеваси”ни ўзбек ва уйғур тиллари оралиғидаги шева деб ҳисоблайди⁵. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, уйғур тилининг Фарғона ше-

¹ Умлаут – термини герман тилларида қўлланилиб, ўзакдаги унлиларнинг палатланиши демакдир.

² Боровков А.К. К характеристике узбекских “умлаутных” или “уйгуризованных” говоров... – С.30; Решетов В.В. Ўзбек тилининг қорлуқ-чигил-уйғур лаҳжаси... – Б.42; Алиев А. Уйчи шевасидаги баъзи бир фонетик ҳодисалар // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Т., 1960. – №6. – Б.52.

³ Алиев А. Уйчи шевасидаги баъзи бир фонетик ҳодисалар // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Т., 1960. – №6. – Б.52.

⁴ Юдахин К.К. Ўзбек ва уйғур тилларидаги яқинлик // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. – Т., 1958. – №1. – Б.31–33.

⁵ Садвақасов Г.С. К вопросу о взаимодействии уйгурских и узбекских говоров Ферганы // Этнический процесс у национальных групп Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1980. – С.95.

